

ЖК-877  
2011:4


UZBEKISTON

# TARIXI

4/2011

HISTORY OF UZBEKISTAN







4  
2011

**Мундарижа**

**Ф.Бобоёров.** Фарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир.....3

**Д.Алимова, У.Абдурасулов.** XVI - XIX аср биринчи ярмида Марказий Осиё: тарихий жараёнларнинг тавсифига доир.....15

**А.Мирзаев.** XIX аср охири - XX аср бошида Ярославл Катта мануфактураси Ширкатининг Фарғона водийсидаги фаолияти.....24

**Б.Расулов.** Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30-йилларида коллективлаштириш жараёнидаги қатагонларнинг шакллари ва мафкуравий - ҳуқуқий асосланиши.....34

**С.Давлатова.** Совет даври ижтимоий ислохотлар шароитида анъанавий хунармандчилик.....43

**Г.Ганиева.** Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги гендер стратификацияси.....53

*Тарихшунослик*

**Н.Мустафаева.** Маданият масалаларининг назарий жиҳатлари.....63

*Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида*

**Р.Мамедова.** Форсийзабон манбаларда Нодиршоҳ Афшарнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга юришлари ҳақида.....74

*Ёш тадқиқотчи минбари*

**Ф.Жуманиёзова.** Илк ўрта асрлардаги этник жараёнларда туркий тили этнослар иштироки (Тўхористон ва Кобул водийси мисолида).....83

**С.Назарова.** XX асрнинг 20-йилларида ўзбек мусиқа санъати: ютуқ ва муаммолар.....93

*Тарихчи кутубхонасига*

**В.Германов.** Р.Уразбаеванинг "История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XIX - начало XXI в.)" монографиясига тақриз.....101

**Э.Нуриддинов.** М.Рахимовнинг "Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии" монографиясига тақриз.....104


*Илмий ҳаёт*

**Н.Мустафаева.** Яҳё Фуломов номидаги "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" илмий семинарининг 2011 йилда бўлиб ўтган йиғилишлари тўғрисидаги ахборот.....108

**Р.Назаров.** Тарихий - маданий меросни ўрганиш ва тарғиб этишда оғзаки тарихнинг ўрни (илмий-амалий конференция).....111

Jurnalga 1998- yil  
iyulda asos solindi  
Bir yilda to'rt marta  
chiqadi.

O'zbekiston  
Respublikasi Fanlar  
akademiyasi



## Содержание

<b>Ф.Бобоёров.</b> К вопросу о методах и средствах управления использовавшихся Западно-Тюркским каганатом в отношении вассальных владений.....	3
<b>Д.Алимова, У.Абдурасулов.</b> Центральная Азия в XVI - первой половине XIX века: к характеристике исторических процессов .....	15
<b>А.Мирзаев.</b> Деятельность Товарищества Ярославской Большой мануфактуры в Ферганской долине в конце XIX - начале XX века.....	24
<b>Б.Расулов.</b> Виды репрессий в процессе коллективизации 20-30х годов XX века в Узбекистане и их идеологически - правовое обоснование.....	34
<b>С.Давлатова.</b> Традиционные ремесла в условиях социальных реформ в советский период.....	43
<b>Г.Ганиева.</b> Гендерная стратификация в системе образования Республики Узбекистан.....	53

### *Историография*

<b>Н.Мустафаева.</b> Теоретические аспекты вопросов культуры .....	63
--	----

### *История Узбекистана в зарубежных исследованиях*

<b>Р.Мамедова.</b> Персоязычные источники о походе Надир шаха Афшара в Мавераннахр и Хорезм.....	74
--	----

### *Трибуна молодого исследователя*

<b>Ф.Жуманиёзова.</b> Место тюркоязычных этносов в этнических процессах эпохи раннего средневековья (на примере Тохаристана и Кабульской долины).....	83
<b>С.Назарова.</b> Узбекское музыкальное искусство в 20-е годы XX века: проблемы и достижения.....	93

### *В библиотеку историка*

<b>В.Германов.</b> Рецензия на монографию Р.Уразбаевой "История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XIX - начало XXI в.)".....	101
<b>Э.Нуриллинов.</b> Рецензия на монографию М.Рахимова "Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии".....	104

### *Научная жизнь*

<b>Н.Мустафаева.</b> Информация о заседаниях научного семинара "История узбекского народа и его государственности" имени Яхё Гулямова проходившиеся в 2011 году.....	108
<b>Р.Назаров.</b> Роль устной истории в изучении и пропаганде историко-культурного наследия (научно-практическая конференция).....	111

**Дилором Алимова**  
(бош мухаррир)  
**Равшан Абдуллаев**  
**Мируэрт Абусейтова**  
(Қозоғистон)

**Омонулла Бўриев**  
**Алишер Дониёров**  
**Доно Зияева**

**Ўткир Исломов**

**Мирсодик Исмоқов**

**Элёр Каримов**

**Зоя Орифхонова**

**Эдвард Ртвеладзе**

**Ильза Сиртаутас (АҚШ)**

**Рустам Сулаймонов**

**Маргарита Филанович**

(бош мухаррир ўринбосари)

**Темур Ширинов**

**Нозим Ҳабибуллаев**

**Шоира Асадова (масъул котиб)**

**Т. Гез (муқова дизайнери)**

**Манзилмиз:**

100170, Тошкент,

И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон

Давлат матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан рўйхатга  
олинган.

Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 10.11.2011

Босишга рухсат этилди 25.11.2011

Қоғоз бичими 70x100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Таймс гарнитур.

Офсет босма. Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашриёти т 7.5

276 нусха. 19-бўйртма.

Келишилган нарҳда

«DIZAYN-PRINT» МЧЖ да босилди

Тошкент ш., Бобур кўчаси, 22-уй.

*Ғ. Бобоёров*

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ЎЗ ВАССАЛЛАРИНИ БОШҚАРУВИДА ҚўЛЛАГАН УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ғарбий Турк хоқонлиги тарихининг кам ўрганилган жиҳатларидан бири хоқонликнинг ўз таркибидаги вассалларни қай йўсинда бошқарганлиги масаласидир. Ҳолбуки, бир неча ўнлаб кўчманчи ва ўтроқ этносларни ўз ичига олган хоқонликнинг ўз қўл остидаги қабила ва воҳа ҳукмдорликларини қандай бошқарганига доир маълумотлар, асосан, хитой, қисман эса суғдий, қадимги турк, бақтрий, юнон, арман, сурёний, араб, форс ва бошқа тиллардаги манбаларда сақланиб қолган. Бироқ ушбу маълумотлар ўзаро солиштириб ўрганилмагани боис, бу масалада тадқиқотчилар орасида бирёқламали, баъзан эса янглиш фикрлар келиб чиққан.

Маълумки, Буюк Турк хоқонлигининг (552-744) таркибий бир қисми сифатида вужудга келган Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) муайян бир салтанат - империя сифатида 20 дан ортиқ вассал воҳа ҳукмдорликлари ва элликка яқин қабила-уруғ бошқарувларини ўз ичига олган эди. Айниқса, Шарқий Туркистон (Кумул, Турфон, Куча, Қорашаҳр, Кошғар, Хўтан), Амударё - Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлар (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд (Самарқанд, Маймуғ, Кушония, Панч, Кеш, Нахшаб ва ҳк.), Бухоро, Тўхористон, Хоразм), Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон (Гандҳара, Кашмир, Кобулистон, Зобулистон) ва Хуросон (Ҳирот, Деҳистон, Гургон, Марв) каби ҳудудларда бир неча ўнлаб воҳа ҳукмдорликлари мавжуд бўлиб, хоқонлик томонидан уларнинг бошқарувида қандай усул ва воситалар қўлланилгани борасида тадқиқотчилар бир қарорга келишмаган.

Аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, хоқонликнинг воҳалардаги ҳокимияти заиф бўлганлиги ва ўз мустақил бошқарувини сақлаб қолган маҳаллий сулоалар унга фақат ўлпон тўлаб туриш билан чеклангани ҳақидаги қарашлар тадқиқотчилар орасида устуворлик қилиб келади<sup>1</sup>. Шунингдек, вассаллар бошқарувига алоқадор бошқа бир муқимлашган фикрга кўра, гўё "хоқонлик даврида Мовароуннаҳр

<sup>1</sup>G i b b Н.А.Р. The Arab Conquest in Central Asia. New York: AMS Press, 1923. P. 4-9; Ҳ и д о я т о в Г.А. Менинг жонажон тарихим. Тошкент, 1992. 76-78-б.; А с к а р о в А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ, № 3-4, 1997. 65-76-бет. М u h a m m a d j o n o v А. O'zbekiston tarixi (IV asrdan XVI asr boshlarigacha). 7-sinf uchun darslik. Тошкент, 2009. 19-20-бет.

4-son

ва Хуросонда бир қатор туркий унвонлар учраши - бу муайян бир тартиб билан боғлиқ бўлмай, баъзи маҳаллий ҳукмдорларнинг туркий унвонларга эга бўлиши "давр модаси" билан алоқалидир"<sup>2</sup>. Бироқ турли тиллардаги ёзма манбаларда акс этган маълумотларни, жумладан, кейинги йилларда илм оламига танитила бошлаган суғдий ва бақтрий тилли ҳужжатлар ҳамда нумизматик материалларни ўзаро таққослаш бу масаланинг бирёқлама ёритилганини кўрсатмоқда.

Хусусан, бир-биридан фарқли манбаларда ўнлаб вассал ҳукмдорликлар бошқарувида хоқонликка хос *элтабар*, *тудун* каби (бири, асосан, вассал ҳукмдорларга, иккинчиси эса бўйсундирилган ўлкалар бошқаруви ва солиқ йиғинини назорат қилувчи амалдорларга берилган) унвонларнинг учраши масаланинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилаётир. Жумладан, хитой йилномаларида Фарбий турк ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618-630) ўз вассалларига *силифа* (элтабар) унвони бергани ва уларнинг назоратига бир нафардан *тутунь* (тудун) жўнатгани қайд этилган<sup>3</sup>. Бу эса айрим тадқиқотчиларни мустасно этган ҳолда<sup>4</sup> аксарият тадқиқотчилар томонидан айнан 620-йиллардан бошлаб тудун - ноиб юбориш усули йўлга қўйилган, деган фикр билдирилишига олиб келган. Аслида, хоқонлик 560-йилларда воҳа ҳукмдорликларни ўз вассалларига айлантирган даврдан бошлабоқ бу усул қўллана бошлаганини тасдиқлайдиган далиллар мавжуд. Тахминан 577 йилга оид Гаочанга (Турфон) тааллуқли хитой тилидаги бир ҳужжатда ушбу ҳукмдорлик бошқарувчиларига алоқадор кўплаб хитойча ва маҳаллий унвонлар билан биргаликда, қадимги туркча тудун унвони ҳам учрайди<sup>5</sup>. Шунингдек, 599 йилда ёзилган диний бир матнда Гаочан ҳукмдорининг унвони силифа (элтабар) шаклида учраса, VI асрнинг охириги йилларига оид бошқа бир ҳужжатда хоқон томонидан Гаочанга юборилган тудун ва унинг маъмури ҳақида сўз боради<sup>6</sup>. 639 йилга оид суғдий тилли ҳужжатда эса "Чинанчканд (Турфон) ҳукмдори Элтабар" жумлалари ўрин олган<sup>7</sup>.

<sup>2</sup>G i b b H.A.R. The Arab Conquest... P. 6-9; S t a r k S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasiens- und Zentralasiens // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. Stuttgart, 2002. S.389.

<sup>3</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М.- Л., 1950. 283-бет; Т а ş а g i l A. Göç-Türkler. Ankara, 1995.S. 92.

<sup>4</sup>S k a f f K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks, 2. Ankara, 2002. P. 366.

<sup>5</sup>K a l a n k a t l i M. Alban Tarihi. Türkçeye çeviren Y. Gedikli. İstanbul, 2006. S. 477.

<sup>6</sup>S k a f f K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases... P. 366.

<sup>7</sup>V a i s s i e r e E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. Brill, Leiden - Boston, 2005. P. 169.

<sup>8</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений о народах... II. 324-326-бетлар.

Бундан ташқари, хитой йилномаларида Шаболо гйелифа (қад. турк. Ишбара элтабар) Вохон ҳукмдори сифатида 656-660 йилларда, бошқа бир гйелифа (элтабар) эса Хутгал ҳукмдори сифатида 730-йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилади<sup>8</sup>. Дарвоқе, Шуман ва Ахарунни ҳам туркий сулола бошқарган бўлиб, хитой роҳиби Сюан Цзан улар туркий *хи-су* қабиласига<sup>9</sup> мансуб, деб ёзади<sup>10</sup>. Тўхористон таркибидаги майда ҳукмдорликлардан бири Робда (бугунги Руй/Шим. Афғонистон) 639-757 йиллар орасида тузилган бақтрий тилли бир неча ҳужжатда эса ушбу унвон "(илоҳий) қут соҳиби хоқоннинг хизматчиси (бўлмиш) Руб ҳукмдори элтабар" шаклида учрайди<sup>11</sup>. Мазкур унвон араб манбаларида *рутбил* (элтабар) шаклида VII-VIII асрларда Зобулистонни бошқарган туркий сулола вакиллари билан боғлиқ равишда қайд қилинади<sup>12</sup>. Худди шу асрларда Чочда зарб қилинган суғдий ёзувли қадимги турк тангаларининг бир гуруҳида *guttrug c'sunƙ xw, w* ("Чоч ҳукмдори элтабар") жумлалари мавжуд<sup>13</sup>.

Бундан кўринадики, бир-биридан фарқли тиллардаги манбаларда ушбу унвон асосан туркий сулолалар билан боғлиқ равишда ўрин олган. Бинобарин, элтабар унвони Турк хоқонлиги бошқарув тизимида юқори даражали унвонлардан бири бўлиб, қадимги туркий тилда у луғавий жиҳатдан "бошқарувга, давлатга, элга эга" маъноларини билдирган<sup>14</sup>. Агар тадқиқотчилар Ўрхун битиктошларида айрим сиёсий уюшмалар бошқарувчилари *хоқон*, айримлари эса *элтабар* унвони билан тилга олинишига асосланиб таъкидлаганларидек, қадимги турк давлатчилигида кучли сиёсий уюшмага эга йирик қабилалар иттифоқига "хоқонли будун/халқ", ундан қуйироқ даражадаги қабила бошқарувларига эса "элтабарли

<sup>9</sup>Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан (720-йиллар) бир нечасида *Lyttrug, ɔyttrug* (элтабар) ёки хису элтабар унвонли амалдорлар номи учраб, уларни Ф. Грене ва Э. де ла Вельеиерлар мазкур ҳудудлар ҳукмдорлари билан боғлашади (G r e n e t F., V a i s s i e r e de la E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura 2002. P. 177).

<sup>10</sup>Г а ф у р о в Б.Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972. 227-бет; Г о и б о в Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. Душанбе, 1989. 30-31-бетлар.

<sup>11</sup>S i m s - W i l l i a m s N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. Oxford, 2000. P. 74, 126.

<sup>12</sup>H a r m a t t a J., L i t v i n s k y B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. III. Paris, 1996. P. 377-378.

<sup>13</sup>Б а б а я р о в Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI - VIII вв). Ташкент, 2007. 41, 49-бет.

<sup>14</sup>Соғдийские документы с горы Муг. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М., 1962. 85-бет.

<sup>15</sup>T a a i l A. G k-T r k l e r. I, 2. Baski, Ankara, 2003. S. 107.

4-son

будун" ибораси ишлатиш анъанаси мавжуд бўлгани ҳисобга олинса, Фарбий турк хоқонлари вассал воҳа ҳукмдорликларига ҳам "элтабарли будун" сифатида қарагани маълум бўлади. Хитой йилномаларида келтирилган "У (Фарбий Турк хоқонлиги)нинг унвонлари ябғу, шад, тегин. Ушбу унвонга хоқоннинг ўғли, оға-инилари ва бошқарувчи хонадон аъзолари эга бўлишади. Эркин, кул-чўр, йен-хун-та?, элтабар, тудун, ссу-чин ва бошқа лавозимларга ҳамма тайинланиши мумкин" шаклидаги маълумот ҳам бу фикрни тасдиқлайди<sup>15</sup>.

Тудун унвони эса ёзма манбаларда Гаочандан ташқари, Чоч, Бухоро (?), Тўхористон (Хуттал, Фаз) ҳукмдорликлари билан алоқали равишда учрайди. Жумладан, "Тан шу" йилномасида 640-750 йиллар оралиғида воҳани бошқарган 4 нафар Чоч ҳукмдори исмининг таркибий қисми сифатида тудун унвонининг қайд этилиши<sup>16</sup>, А-14 рақамли суғдий ҳужжатда (720-йиллар) tδwn унвонли шахс Чочга алоқадор сиёсий масалаларни ҳал қилувчи амалдор сифатида тилга олиниши<sup>17</sup>, Табарий асарида "Тудун малик аш-Шош" иборасининг зикр этилиши<sup>18</sup>, Беруний эса "тудун"ни Шошнинг қадим ҳукмдорлари унвони тариқасида кўрсатиши<sup>19</sup>, VII-VIII асрларда Чочда tδwn c'syнк хw ("Чоч ҳукмдори Тудун") унвонли тангалар зарб қилингани<sup>20</sup> бу даврда воҳада Тудунлар сулоласи ҳукм сурганидан дарак беради.

Шунингдек, Тўхористон ябғулари сулоласининг маркази бўлмиш Қундузга яқин мавзе - Фаз билан алоқадор 702 йилга оид бир ҳужжатда эса *σπροτορκο* ("Турклар ҳукмдори") ва *φαζοταδωνο* ("Фаз тудуни") иборалари ёнма-ён келади<sup>21</sup>. Шу билан бирга, бақтрий ёзуви VII-VIII асрларга оид тангаларда *таδωνο тарχωνο* - "тудун-тархон" унвонлари учраса<sup>22</sup>, Табарий асли бомиёнлик, Хуттал ҳукмдори Тудун тархон (737) ҳақида ёзади<sup>23</sup>.

<sup>16</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. 313-314-бетлар.

<sup>17</sup>Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. 82-83-бетлар.

<sup>18</sup>История ат-Табари. Избрание отрывки. Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова. Т., 1987. 269, 256-бетлар.

<sup>19</sup>Б и р у н и, А б у Р а й х а н. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Сальс / Бируни. Избранные произведения. Т. 1. Ташкент, 1957. 111-бет.

<sup>20</sup>С м и р н о в а О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. М., 1981. 389-бет; Б а б а я р о в Г. Древнетюркские монеты... 52-55-бетлар.

<sup>21</sup>S i m s - W i l l i a m s N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. S. 94-95.

<sup>22</sup>H u m b a c h H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. Vol. 10. Asia Institute, Bloomfield Hills, 1996. P. 247-250.

<sup>23</sup>История ат-Табари. 256-бет.



4-son

Ушбу маълумотлар воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида тудун унвони анча кенг тарқалганини кўрсатади. Аҳамиятлиси, юқорида Гаочан, Чоч, Хуттал ва бошқалари мисолида кўриб ўтилган ушбу унвон аксарият ҳолларда мазкур ҳукмдорликларнинг туркий бошқарувчилари ёки хоқонлик томонидан жўнатилган амалдорлар унвони сифатида учрайди. Дарвоқе, хитой йилномалари, юнон ва арман манбаларидан тудун Турк хоқонлигида "бўйсундирилган ўлкалар бошқарувчиларини назорат қилиш ва солиқ йиғилишини ташкил этиш" учун масъул қилинган амалдорларга берилган унвон эканлиги англашилади<sup>24</sup>.

Қисқаси, Турк хоқонлигига хос элтабар ва тудун унвони маълум маънода ўрта аср мусулмон давлатларида бўйсундирилган ўлка ва вилоятларни ҳукмдор номидан бошқарган ноибларнинг волий ёки шихна, Мўғул (Чингиз) империясидаги доруға ёки босқоқ каби лавозим ва унвонларига<sup>25</sup> тўғри келади, деб ҳисоблаш мумкин.

Вассал ҳукмдорликлар бошқарувида ҳам элтабар, ҳам тудун унвонларининг Фарбий хоқонликка алоқадор равишда учраши хоқонлик "вассалларнинг ички ишларига аралашмасдан, улардан ўлпон олиб туриш билан чекланган" мазмунидаги фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади. Шунингдек, хоқонлик унвонлар тизимига хос *ябғу*, *шад*, *тегин*, *тархон*, *чўр*, *эркин*, *тутуқ* ва ҳақозо каби ўнлаб туркий унвон ҳамда эпитетларнинг бир неча воҳа ҳукмдорлигида айнан хоқонликнинг жойлардаги вакиллари унвони сифатида учраши бу фикрни кучайтиради. Айниқса, Тўхористонда Ябғулар (620-750), Чочда Тегинлар (605-750), Фарғонада Ашина сулоласининг бир тармоғи (630-740), Кобулистонда Тегинлар (640-843) каби туркий сулолаларнинг келиб чиқиши айнан хоқонликка асос солган Ашина хонадонига бориб тақаладики, бу эса хоқонлик вассаллар бошқарувида жиддий эътибор берганидан дарак беради.

Хўш, нега унда тадқиқотчиларнинг аксарияти хоқонлик ва вассаллар масаласида бундай фикрга келишган. Фикримизча, Фарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ бирёқлама ва чалкаш талқинларнинг замирида хоқонлик тарихининг етарлича ўрганилмаганлиги омили ётади. Шунингдек, бу каби қарашларнинг баъзилари хоқонлик тарихи эндигина ўрганила бошлаган XX аср бошларида етарлича манбаларнинг йўқлиги туфайли келиб чиққан бўлиб, бу ҳол кейинчалик ҳам аксарият тадқиқотчилар ишида атрофлича таҳлил қилинмасдан давом эттирилганини кузатишимиз мумкин.

<sup>24</sup>Moğavcsik G. Byzantinoturcica. II. Berlin, 1958. P. 317; Kalankatli M. Alban Tarihi. S. 170.

<sup>25</sup>Чичуров И.С. Византийские исторические сочинения: "Хронография" Феофана, "Бревиарий" Никифора. Тексты, перевод, комментарий. М., 1980. С. 30; Erkо H.I. Eski Türklerde Devlet Teşkilati. Basilmamış Yüksek Lisans Tezi. Ankara, 2008. S. 227-228.

4-son

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда ушбу масалага аввалгилардан сезиларли даражада фарқли ёндашилган тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэффга кўра, хоқонлик Туркистондаги воҳаларни 2 усулда бошқарган: 1) бевосита (тўғридан-тўғри) бошқарув, 2) билвосита бошқарув<sup>26</sup>. Тадқиқотчининг фикрича, бевосита бошқариш хоқонликнинг ҳукмдор сулоласига мансуб вакилларнинг бирор воҳа бошқарувига тайинланишида кузатилади. Бунга Тўхористон, Фарғона ҳамда Чочни мисол тариқасида келтириш мумкин<sup>27</sup>. Бошқарувнинг бу шакли бирор-бир аниқ қоида билан боғлиқ бўлмай, балки истисно эканини таъкидлаган Скэфф, хоқонликнинг билвосита бошқарувини қуйидагича таърифлайди: "Бу даврда энг маъқул усул маҳаллий элитанинг ўзларига қарашли ўтроқ воҳаларда аввалги мавқеларини сақлаб қолишларига рухсат берилишидир. Маҳаллий ҳукмдорлар ўзининг ўтроқ табаасидан йиққан солиқ ва хирожларни ҳукмрон кўчманчиларга етказиб беришга маъсул воситачи ролини ва хизматини ўз зиммаларига олган эдилар. Бундай тизимнинг яққол мисоли Тан сулоласи йилномаларида Тун ябғу-хоқон фаолияти билан боғлиқ келтирилган "Фарбий ўлкалар ҳукмдорларини элтабарлар ўлароқ тайинлади ва назорат қилиш, бошқариш ва солиқлар йиғинини текшириб туриш учун ҳар бирига алоҳида тудун юборди" мазмундаги маълумотларда кўзга ташланади"<sup>28</sup>.

Фарбий Турк хоқонлигининг вассаллар бошқарувида қўлланилган усул ва воситалар таҳлили учун бошқаруви бевосита Ашина сулоласи вакиллари қўлига ўтган воҳа ҳукмдорликлари: Чоч, Фарғона, Тўхористон ва Кобулистон ҳукмдорликлари тарихига мурожаат қиламиз. Аввало, айтиш лозимки, VII аср бошларида хоқонлик бир қатор воҳаларда бошқарувчи сулолага барҳам бериб, улар ўрнига ўз хонадони вакилларини тайинлай бошлаганини тасдиқловчи далиллар мавжуд. Жумладан, хитой йилномаларидан аён бўлишича, 605 йили хоқонликда шад мартабасида бўлган Шегуй хоқон (611-618) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдиртириб, бу ерни ўз тасарруфига олади ва воҳа бошқарувига Теле Тянчжи (қад. турк. Тегин Тянчжи) исмли шаҳзодалардан бирини тайинлайди<sup>29</sup>. "Тан шу" йилномасида келтирилишича, 609 йили Тянчжи Чочда туриб, Хитойга элчи юборди. Демак, айтиш пайтда ушбу шаҳзода Чоч ҳукмдорига айланган ва бу ердан туриб ўз элчиларини юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Шунингдек, хитой манбаларида шад унвонли яна бир Чоч ҳукмдорининг эслатилиши (657), 740-йилларда эса бир неча бор Хитойга ўз

<sup>26</sup>S k a f f K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases... P. 364.

<sup>27</sup>S k a f f K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases... P. 365.

<sup>28</sup>S k a f f K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases... P. 396.

<sup>29</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. С. 313; С h a v a n n e s E. Documents sur les... P. 141.

элчиларини юборган Чоч ҳукмдорининг тегин унвони билан тилга олиниши воҳада хоқонликка алоқадор Тегинлар сулоласи ташкил топганидан дарак беради. Зеро, VII-VIII асрлар мобайнида воҳада зарб қилинган мис тангаларнинг бир неча типиди, суғдий ёзувда *tk'un c'sunk xw w* ("Чоч ҳукмдори Тегин") иборасининг учраши бу даврда Чочни Тегинлар сулоласи бошқарганини яна бир бор тасдиқлайди<sup>30</sup>.

Хитой йилномаларида Тегинлар тўғридан-тўғри *Ши-го ван* ("Чоч давлати ҳукмдори"), Тудунлар эса баъзан *Ши-го Фу-ван* ("Чоч давлатининг ҳукмдор муовини") шаклида тилга олиниши<sup>31</sup> биринчисининг бош сулола, кейингисининг иккинчи даражали сулола бўлганидан дарак беради. Бироқ 640-750 йиллар мобайнида Чоч билан боғлиқ сиёсий воқеаларда тегин эмас, доимо тудунларнинг ҳал қилувчи шахс сифатидаги иштироки, тудунлар Чочдаги ҳокимият жиловини ўз қўлларига олганлигидан дарак беради. Ҳар ҳолда бу хоқонларнинг вассаллар назоратига бевосита тудунларни масъул қилганликлари билан боғлиқ бўлса керак.

"Тан шу" йилномасида Чжен-гуань даврида (627-649) Фарбий турклардан Ган Мохэду (\*Тўн Баҳодур) томонидан Боханна (Фарғона) ҳукмдори Киби ўлдирилгани ва ҳокимият Ашена (Ашина) Шуни исмли шахс қўлига ўтгани таъкидланади<sup>32</sup>. Бир қатор тадқиқотчилар ушбу шахсни Фарбий Турк хоқонлигига мансуб шахзода, деб ҳисоблашади<sup>33</sup>. Йилномада келтирилишича, Ашина Шунининг ўлимидан кейин унинг ўғли Йебочжи ҳокимиятни қўлга олади ва марҳум Кибининг қариндоши (биродари?) Аляоцан ҳукмдор қилиб тайинланади. Йебочжи Гйесай (Косон) шахрида, Аляоцан эса Ху-мин (Куба?) шахрида туриб фаолият юрита бошлашади. 656 йили Йебочжининг Хитойга совға-саломлар билан элчи юборганлиги қайд этилади<sup>34</sup>. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши хоқонларга тақалувчи сулола пайдо бўлиб, хоқонлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқарган, бироқ маҳаллий сулола фаолиятига ҳам барҳам бермаган эди.

Водийдаги Ашина сулоласи вакиллари ўз мавқеини анчагача сақлаб қолишган. Хусусан, хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада иккита ҳокимият мавжудлиги, бири Сирдарёнинг шимолида (маркази Косон?) *Тукюе* (турк)лар, жанубида эса *Даши* (араб)лар бошқаруви борлиги

<sup>30</sup>Б а б а я р о в Г. Древнетюркские монеты... 40-50-бетлар.

<sup>31</sup>C h a v a n n e s E. Documents sur les... P. 142; C h a v a n n e s E. Notes additionnelles sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. Leide, 1904. Serie II. Vol. II. P. 67, 69-92.

<sup>32</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. 319-бет.

<sup>33</sup>C h a v a n n e s E. Documents sur les... P. 148.

<sup>34</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. 319-бет.

4-son

ҳақида маълумот беради<sup>35</sup>. "Тан шу" йилномасидан маълум бўлишича, 738-751 йиллар давомида Фарғонани Асилань дагань-чжу (қад.турк. Арслон тархон-чўр) исмли туркий ҳукмдор бошқарган<sup>36</sup>. Шу ўринда Фарғонанинг ундан олдинги ва кейинги бир неча ҳукмдорлари исмининг таркибий қисми сифатида хоқонликка хос чўр унвонининг учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Табарий ўз асаида Фарғона ҳукмдори Жур (қад. турк. чўр) ҳақида маълумот қайд этади<sup>37</sup>.

Бундан ташқари, VII-VIII асрларга тааллуқли Фарғона тангаларида<sup>38</sup> "хоқон" унвони билан бирга, Турк хоқонлиги тамғасига ўхшаш архар шаклли тамға жой олганки, ҳар ҳолда бу водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сургани билан алоқали бўлса керак. Шунингдек, асли фарғоналик бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935-969) ҳукмдори Туғуч ибн Чуқ ибн Йелтегин Ахшид ибн Фурон ибн Фури ибн Хоғон шажарасида Бурон, Бўри каби туркий исмлар билан биргаликда хоқонликка хос юқори даражали унвонларни эслатадиган Йелтегин, Хоқон сингари исмлар учрайдики<sup>39</sup>, бу Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши Фарбий турк хоқонлари билан алоқалидир, деган тахминни янада кучайтиради.

Гарчи Чочда бўлганидек, Фарғонада Ашина сулоласи қарор топган бўлса ҳам хоқонлик водийни назоратда тутиш учун бошқа воситалардан фойдаланган кўринади. Хусусан, А-14 рақамли сугдий ҳужжатда *r'yn'k tw'wk* ("Фарғона тутуғи") иборасининг учраши ҳам<sup>40</sup>, VII-VIII асрларда зарб қилинган Фарғона тангаларида *'δrw x'yn tw'wx* ("Алп-хоқон тутуғи") жумлаларининг акс этганлиги ҳам<sup>41</sup>, хоқонлик бу ернинг бошқарувида ўз хонадон вакилларида кўра кўпроқ ноиб вазифасини бажарувчи тутуқлар хизматидан фойдаланганидан дарак

<sup>35</sup>Б е р н ш т а м А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ, 1. М., 1952. 193-бет.

<sup>36</sup>Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. С. 319; Chavannes E. Documents sur les... P. 149.

<sup>37</sup>История ат-Табари. 185-бет.

<sup>38</sup>Мазкур тангаларнинг ўртаси квадрат шаклда тешилган бўлиб, Ўрта Осиёда бу типдаги тангаларни зарб қилиш анъанаси асосан Фарбий Турк хоқонлиги Хитойга қарам бўлиб қолган пайтдан, аниқроғи, 650-йиллардан бошлаб кенг ёйилган эди. Демак, Фарғонадаги хоқонликка алоқадор сулола вакиллари шу пайтдан эътиборан хитой тангаларига тақдидан тангалар зарб қилдира бошлаган. Бунгача Фарғонада ҳам Чочда босиб чиқарилган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларига иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эга тангалар зарб қилдирилган бўлиб, тангадаги тамға шакллари уларнинг водийдаги Ашина сулоласи томонидан бостирилганини тасдиқлайди (Қаранг. Б а б а я р о в Г. Древнетюркские монеты. 34-35-бет).

<sup>39</sup>Т о г а п Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. İstanbul, 1981. S. 178-179.

<sup>40</sup>Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. 80-85-бетлар.

<sup>41</sup>С м и р н о в а О.И. Сводный каталог согдийских монет... 58-бет.

4-son

беради. Тутуқ хоқонлик бошқарув тизимида асосан ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилганини назарда тутадиган бўлсак, Фарғонадаги Ашина сулоласи ва маҳаллий сулолани назоратда тутиш учун хоқонлик водийда тутуқлик хизматини жорий қилган бўлиб чиқади. Хусусан, бу фикр Фарғона тутуғининг хоқонлар билан бевосита алоқадор амалдор бўлганини кўрсатадиган далил, яъни мазкур сугдий ҳужжатда ўрин олган "Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим" шаклидаги маълумотлар асосида ўз тасдиғини топади<sup>42</sup>.

Хоқонлик томонидан бевосита бошқарилган воҳа ҳукмдорликларидан яна бири Тўхористон бўлиб, бу ер бошқа ҳукмдорликларга нисбатан анча кенг ҳудудни ўз ичига оларди. Жумладан, хитой йилномаларида Тухоло (Тўхористон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи Хо (Қундуз) бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб *шеху* (қад. турк. ябғу) унвонли ҳукмдорга бўйсунуши таъкидланади<sup>43</sup>. Дарвоқе, Тўхористонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади<sup>44</sup>. Тўхористоннинг назорати бошқаларникидан анча фарқли бўлиб, афтидан сиёсий бошқарув маркази бу ердан анча узоқда - Еттисувда бўлган Фарбий Турк хоқонлиги учун Тўхористондаги барча майда ҳукмдорликларнинг бошини бириктириб, уларни итоатда тутиб турувчи, муайян бир сиёсий уюшмага эҳтиёж туйган. Хусусан, 590-йиллар атрофида бу ернинг бошқарувиغا Тарду хоқон (576-603) тегин унвонли ўғлини юборган бўлса, 620-йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Тарду-шадни жўнатади. Бу вақтда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фарқли ўлароқ, Тўхористон ҳукмдорларининг ябғу унвони билан ҳукм юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга жой бўлганидан дарак беради. Бу даврда Тўхористондаги мавжуд майда ҳукмдорликларнинг аксариятида хоқонликка бевосита ва билвосита дахлдор сулолаларнинг вужудга келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлиши керак. Хусусан,

<sup>42</sup>Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. 80-85-бет.

<sup>43</sup>Хоқонликнинг 620-йиллардан то 750-йилларга қадар Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари Тарду-шад/ябғу (620-630), Тегин-шад (630-645), Ишбара ябғу (645-650), Ашина Учжебо (653-660), Гун Ишбара ябғу, Надунили (700-720), Қутлуғ Тун Тарду (720-730), Сулайман Қора (хит. Шилимань Гяло; 750) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга бўлиб, улар Тўхористон Ябғулари сулоласи номи остида қарийб 150 йил ҳукм сурганлар (Қаранг. Б и ч у р и н Н.Я. Собрание сведений... II. С. 321-322; *Chavan E. Documents sur les... P. 155-158; Harmatta J., Litvinsk y V.A. Toharistan and Gandhara... P. 373*).

<sup>44</sup>История ат-Табари. 124-бет.

4-son

Чағониён, Термиз, Балх, Бадғис, Хуттал, Вохон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед ва ҳ.к. ҳукмдорликлар бошқарувида туркий сулолалар турган бўлиб, уларнинг баъзилари элтабар ёки эркин, баъзилари эса тудун ёки тархон унвонларига эга бўлишган<sup>45</sup>.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Тўхористон ябғулиги моҳиятан Фарбий Турк хоқонлигига ўхшаш бўлиб, хоқонликка хос ябғу, шад, тегин каби юқори даражали унвонлар унинг марказий бошқарувида, унга тобе кичик ҳукмдорликлар бошқарувида эса элтабар, тудун, тархон, эркин сингари хоқонлик иерархиясида нисбатан қуйи поғонадаги унвонлар жорий қилинган. Айни пайтда улар бошқарувида худот, шоҳ, шер каби маҳаллий унвонлар қўлланишда давом этган.

Фарбий Турк хоқонлигининг жануби-ғарбидаги энг чекка ҳудуди бўлмиш Кобулистон ҳукмдорлигини ҳам хоқонлик билан бевосита алоқали, Тегин-шоҳлар ёки Кобулшоҳлар деб аталган сулола бошқарган. Ушбу ўлка VII аср бошларида қисман хоқонлик таркибига киритилиб, то 630-йилларгача Тўхористон ябғулиги воситасида бошқарилган бўлса, 640-йиллар атрофида бу ерда янги туркий сулола ташкил топган ва 840-йилларгача ҳукм сурган<sup>46</sup>. Ушбу сулоланинг бир тармоғи элтабар унвони билан қўшни Зобулистонда ҳукм суришган<sup>47</sup>.

Юқорида Чоч, Фарғона, Тўхористон ва Кобулистон мисолида воҳа ҳукмдорликларининг Фарбий Турк хоқонлиги томонидан бошқарилиши масаласини қисқача таҳлил қилиш шундан дарак берадики, хоқонлик ўз вассалларини асосан 2 хил усулда бошқарган: 1) баъзи ҳукмдорликларнинг маҳаллий сулолаларига барҳам бериб,

<sup>45</sup>Гафуров Б.Г. Таджики... 227-бет; Гоибов Г. Ранние походы арабов... 30-31-бет; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. 2002. №4. 10-11-бет.

<sup>46</sup>Шимолий Ҳиндистондаги тарихий ўлкалар бўлмиш Гандхара, Пешовар, Удабандапур (Оҳинд), Удйана (Сват), Лампака (Ламған), Каписа вилоятларини ўз ичига олган Кобулнинг мазкур сулола вакиллари бутун тарихи давомида тегин унвонига эга бўлиб, ушбу унвонни бақҗрий, қадимги ҳинд ва паҳлавий тили танга-пуллариди акс эттирганлар (Esin E. İslâmiyetten Önceki Türk Kültür Tarihi ve İslâma Giriş. Cilt II. İstanbul, 1978. S. 236-238. Humbach H. Pangu, a Turco-Bactrian Ruler // BAI. London, 1996. Vol. 10. P. 247-250).

<sup>47</sup>Кобулга бўйсунувчи ва Руххаж, Давар, Буст, Сеистон, каби ҳокимликларни ўз ичига олувчи, маркази Фазни шаҳри бўлган Зобулистон бошқарувчилари элтабар унвонига эга эдилар (Mарт J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorepaci. Berlin, 1901. P. 282-284). Хусусан, Зобулистон ҳукмдорлари араб манбаларида рутбил (История ат-Табари. С. 133), браҳмий ёзуви тангаларда hitivга, хитой йилномаларида эса селифа шаклларида учраб (Harmatta J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara... P. 377-378), кўпчилик тадқиқочилар уларни элтабар унвони билан тенглаштирадilar.

4-son

ўрнига ўз хонадон вакиллари - шаҳзода (тегин / шад / ябғу)ларни тайинлаган; 2) айрим ҳукмдорликларнинг маҳаллий сулолаларини ўз ўрнида қолдириб, уларга хоқонлик бошқарувиغا хос элтабар унвонини бериш баробарида, улар назорати учун ноиб (тудун / тутуқ / тархон)лар юборган. Айни пайтда тудун ёки тутуқ унвонли ноиблар орқали хоқонлик ўзига бевосита алоқадор сулолалар - Чоч тегинлари ва Фарғонанинг Ашина хонадонини ҳам назоратда тутган.

Манбалар таҳлили Фарбий Турк хоқонлигининг ўз вассаллари бошқаруви масаласида ушбу усуллардан ташқари яна бир қатор воситалардан фойдаланганидан дарак беради. Жумладан, хоқонлик ўз вассалларини никоҳ муносабатлари ўрнатиш орқали ҳам бошқаришга ҳаракат қилганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд. Масаланинг шу жиҳатига ҳам эътибор қаратган Ж.К.Скэфф хитой йилномаларига биноан Гаочан, Куча, Кошғар ҳукмдорларининг турк хоқонларига куёв бўлгани ҳақидаги маълумотларни келтирар экан, бунга ўхшаш 6 та мисол топганини ёзади<sup>48</sup>. Никоҳ муносабатлари моҳиятини очиб берадиган энг муҳим маълумотлар хитой йилномаларида Самарқанд билан боғлиқ равишда сақланиб қолган. Уларда Кан (Самарқанд) ҳукмдорларидан Шифуби Тарду хоқоннинг (576-603) қизига уйланиши, Кюймучжи эса Янь даврида (581-618) Фарбий турк хоқони Шеху-кехан (Ябғу-хоқон)нинг қизига уйланиб, "шу вақтдан эътиборан туркларга бўйсунган"и таъкидланади<sup>49</sup>. Бундан кўринадики, хоқонлик даврида ҳам Чингизийлар салтанатида бўлгани каби вассаллар бошқарувида ўзига хос "кўрагонлик тизими"<sup>50</sup> (мўғ. куреген "куёв") жорий қилинган. Анъанага кўра, мўғулларга тобе вассал ҳукмдорлар ёки кўшин бошлиқлари - амирлар Чингизий ҳукмдорларга куёв бўлгач, бир қатор имтиёзларни қўлга киритишган. Қизиғи шундаки, манбаларда айни вақтда Самарқанд бошқарувчилари Суғддаги қолган ҳукмдорликлар бошқарувчиларидан устун эканлиги таъкидланади. Афтидан, хоқонлар "кўрагон" танлар экан, бошқаларга нисбатан нуфузлироқ воҳа ҳукмдорларига эътибор қаратган кўринади. Чунки Гаочан, Кошғар, Самарқанд, Марв каби вассаллар ўша даврда йирик воҳа ҳукмдорликлари сифатида билиниб, стратегик аҳамиятга эга ҳудудларда жойлашганди.

Хуллас, ушбу маълумотлар хоқонликка бевосита дахлдор равишда вассаллар бошқарувида қўллана бошлаган усул ва воситалар қисқа бир муддат эмас, аксинча бир асрдан ортиқ вақт мобайнида воҳалар бошқарувида мавжуд бўлганини кўрсатиб турибди. Хусусан, хитой ва

<sup>48</sup>Skaff K.J. Western Turk Rule... P. 370.

<sup>49</sup>Бичурин Н.Я. Собрание сведений... II. 311-бет; Chavannes E. Documents sur les... P. 132, 135.

<sup>50</sup>Doerfer G. Türkische und mongolische Elementen in Neupersische. Bd. II. Wiesbaden, 1963. S. 475-477.

4-soh

суғдий тилли хужжатларда Гаочан ҳукмдорлари 577, 599, 639 каби фарқли йилларда элтабар унвони билан тилга олинса, Роб ҳукмдорлигига оид бақтрий тилли хужжатларда ушбу унвон 639 йилдан то 757 йилгача бир неча бор қайд этилади. Бу ҳолат тудун унвонига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг яққол мисоли 640-йиллардан то 750-йилларгача Чоч воҳасини бошқарган Тудунлар сулоласида кўринади. Бундан келиб чиқиб, воҳалардаги хоқонликка алоқадор бошқарув ва унвонлар учраши баъзи тадқиқотчилар илгари сурганидек, шунчаки "тасодикий ҳол" бўлмасдан, балки узвийлик касб этганини айтиш мумкин.

Хоқонлик томонидан воҳа ҳукмдорликлар бошқарувида яна қандай усул ва воситалар қўлланганини аниқлашда вассаллардан ўлпон йиғишнинг ташкил этилиши, ҳарбий ҳаракатларга жалб қилиш, вассаллар ҳудудида ҳарбий кучларни сақлаш (гарнизон қуриш), вассалларнинг зиммасидаги маъсулиятлар нималардан иборат бўлгани каби масалаларни кўриб чиқиш керак бўлади. Уларни кейинги тадқиқотларимизга қолдирган ҳолда таъкидлаш жоизки, Фарбий Турк хоқонлиги ўз вассалларини бошқаришда муайян тартиб ва воситаларни ишлаб чиққан бўлиб, ўз навбатида улар хоқонликнинг қарийб икки юз йил мобайнида нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг энг йирик давлатларидан бирига айланишини таъминлаган.

*Г. Бабаяров*

#### **К вопросу о методах и средствах управления использовавшихся Западно-Тюркским каганатом в отношении вассальных владений**

В подчинении Западно-Тюркского каганата наряду с рядом кочевых племен и объединений находилось свыше 20 владений, расположенных в оазисах Средней Азии, Восточного Туркестана и Северной Индии. К таковым следует относить такие владения, как Гаочан (Турфан), Хотан, Кашгар, Чач, Фергана, Уструшана, Согд, Тохаристан, Кабулистан и др. Специфика этих владений, в корне отличавшаяся от центрального удела и управления кочевыми племенами, привело к тому, что Каганат выработал ряд методов, которые заключались как в непосредственном, так и опосредованном управлении ими. Это были такие методы как присвоение местным правителям титула эльтебер и отправка тудунов для их контроля, установление брачных связей, передача власти над владениями в руки царевичей из рода Ашина и т.п.



*G. Babayarov*

**To the question about facility and methods,  
related Western Turkic qaghanate in supervision of vassals**

In subservience Western Turkic qaghanate alongside with beside nomadic tribes and was found over 20 petty kingdoms, located in oasis of the Transoxiana, Eastern Turkestan and Northern India. To such follow to refer such oasis states, as Gaochan (Turfan), Hotan, Kashgar, Chach, Fergana, Ustrushana, Sogd, Tokharistan, Kabulistan and others. Specifics of these oasis states, in root differed from central rule and supervision nomadic tribes, has brought about that that Qaghanate has worked out the row of the methods, which were concluded both in direct, and mediated supervision them. This was such methods as appropriation local ruler title *elteber* and to send *tuduns* for their checking, determination of the marriage relationships, issue authorities on possessions in hands princes from Ashina family (tribe) etc.

*Д. Алимова, У. Абдурасулов*

**ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ В XVI - ПЕРВОЙ ПОЛОВИНОЙ XIX  
ВЕКА: К ХАРАКТЕРИСТИКЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ<sup>1</sup>**

Период истории Узбекистана, датируемый XVI - первой половиной XIX века и именуемый в отечественной исторической традиции "периодом позднего средневековья" или "периодом узбекских ханств", вне всякого сомнения, один из важнейших в отечественной истории, наполненный сложными по характеру, содержанию и динамике процессами в политической, социально-экономической и духовной жизни.

Наступивший после блестящей эпохи правления Амира Темура и его ближайших приемников, известной значительным ростом политического и экономического могущества региона, а также культурным и научным ренессансом, период XVI - первой половины XIX в. на определенных своих этапах характеризовался политической дестабилизацией и децентрализацией, ослаблением институтов государственности, сокращением внешних контактов, снижением активности сухопутной караванной торговли и ослаблением культурных процессов.

<sup>1</sup>Настоящая публикация включена в монографическое издание "История Узбекистана" Том IV в качестве вводной части.

4-son

Отмеченные факторы стали основанием для формирования в научно-исследовательской литературе устоявшегося дискурса о "постепенном упадке" и "глубокой стагнации", а также усиливавшейся "изоляция" региона, способствовавшей превращению его в "маргинальную периферию" мировой цивилизации<sup>2</sup>.

Однако, последние работы отечественных и зарубежных исследователей в данном направлении доказали некорректность использования подобных дефиниций применительно к историческим процессам в Среднеазиатском регионе в XVI - первой половине XIX столетии<sup>3</sup>. Подобная трактовка является попыткой механического обобщения и упрощенного понимания политических и социально-экономических событий указанного периода.

Не отрицая факта возникновения острых и затяжных кризисных тенденций в среднеазиатском обществе, особенно усилившихся в XVII - первой половине XVIII в., и возобновившихся вновь к концу XIX в., что неизбежно подтолкнуло и облегчило завоевание региона Российской империей, современные исследователи предлагают не воспринимать историю этого периода, как априори, характеризующуюся негативными тенденциями, а сфокусировать внимание на детальном изучении характера, особенностей и динамики политических, социально-экономических и культурных трансформаций в контексте различных внешних и внутренних факторов. Как писала известный исследователь этого периода Р.Г.Мукминова, при непрерывной смене власти и войнах, все же в отдельные периоды происходил подъем экономики и производства<sup>4</sup> и это являлось уникальной особенностью развития этих государств, требующей детального анализа.

Что касается внешнего фактора происходивших трансформаций, то, безусловно, к их числу следует отнести изменение главных путей

<sup>2</sup>К очевидным апологетам данного дискурса прежде всего следует отнести Б. Шпулера (The Cambridge History of Islam. Vol. 1. Cambridge, 1970. P. 470). В большей или меньшей степени сторонниками данного мнения выступали также А. Тойинби, В. Бартольд (Бартольд В.В. Сочинения. Том VI. С. 199 - 203) и др.

<sup>3</sup>См. напр.: Bregel Yuri. The Role of Central Asia in the History of the Muslim East. Institute of Asian and African Affairs. The Hebrew University of Jerusalem. Occasional Paper № 20. New York, 1980; Schwarz Florian. Ohne Scheich kein Reich - Scheibaniden und Naqsbandis in der Darstellung von Mahmud ibn Wali // ..... P. 259 - 267; Кюгельген фон Анке. Легитимизация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII - XIX вв.). Алматы, 2004. С.20; Levi Scott. India, Russia and the Eighteenth-Century Transformation of Central Asian Caravan Trade.

<sup>4</sup>Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент: Фан, 1976. С. 31.

4-son

международной торговли, вследствие возрастания роли океанических коммуникаций, оставившего регион в стороне от важнейших торгово-экономических артерий. Некоторые исследователи связывают также усиление политико-экономической и культурной изоляции региона с сокращением торгово-дипломатических контактов с Ираном, вследствие формирования здесь сильного шиитского государства. Однако, для объяснения сложных процессов и тенденций в среднеазиатском обществе XVI - первой половины XVIII в. рассмотрение данных факторов должно сопровождаться исследованиями и ряда других причин кризисных явлений, характерных не только для Центральной Азии, но и в целом для мусульманского Востока.

В этом случае нельзя не согласиться с мнением известного историка Ю.Э. Брегеля, который характеризуя распространенное положение о "периферизации" и "изоляции" региона от остального мира констатировал, что "не следует преувеличивать значение относительной изоляции Центральной Азии от окружающего мира, как от мусульманского, так и восточноазиатского, потому что он и сам был в то время далек от процветания. Упадок в Центральной Азии не был явлением уникальным или исключительным; в действительности весь исламский мир в этот период находился в стадии упадка, который кроме некоторых специфических случаев, был присущ каждому региону и имел общие причины в их общей социальной и духовной эволюции"<sup>5</sup>.

При этом ослабление культурных и политических контактов с Сефевидским и Каджарским Ираном, Ю.Брегель не рассматривает как одну из основных причин культурного упадка Центральной Азии. По его мнению гораздо более важное значение имело зачастую игнорируемый историками фактор ослабления вследствие образования Джунгарского ханства, коммерческих, культурных и дипломатических контактов с Китаем, имевших важное значение для государств Центральной Азии на всем протяжении ее предыдущей истории<sup>6</sup>.

По мнению американского исследователя С.Левая, в исследуемый период "Центральная Азия отнюдь не являлась "экономическим болотом", как зачастую ее пытаются показать", а продолжала выполнять важную функцию в обеспечении сухопутной евразийской торговли. Более того, в регионе, вынужденном соответствовать глобальным экономическим вызовам и тенденциям указанного

<sup>5</sup>Br e g e l Yu. The Role of Central Asia in the History of the Muslim East. Institute of Asian and African Affairs. The Hebrew University of Jerusalem. Occasional Paper № 20. New York, 1980. P.

<sup>6</sup>Ibid. P.

4-son

периода, в связи с открытием морских путей из Европы в Азию, резким сокращением торгово-дипломатических контактов со своими традиционными партнерами - Ираном и Китаем, и формированием на севере важного актора в лице Российского государства, с возрастающими политическими и экономическими амбициями, шла существенная перестройка и трансформация направлений, характера и динамики евразийской торговли<sup>7</sup>. В ходе этих процессов, как отмечает Г.А. Агзамова, "наблюдался ряд благоприятных обстоятельств, имевших важное место в развитии торговых связей с Россией"<sup>8</sup>. К таковым следует отнести обоюдную заинтересованность сторон в расширении торговых контактов, налаживании удобных маршрутов караванной торговли, развитии торговых коммуникаций и инфраструктуры обеспечения их безопасности, попытках упорядочения торговых сборов и др.

По мнению У.Мавлонова, постепенное ослабление трансконтинентального значения Великого Шелкового пути сподвинуло местных правителей на налаживание торговых караванных трасс внутри государства, что хорошо прослеживается на примере Бухарского ханства и особенно на линии Бухара - Балх - Карши, имевшей большое значение в политической и экономической жизни данного региона<sup>9</sup>.

В свою очередь известный немецкий историк Анке фон Кюгельген констатирует, что в исследуемый период "дипломатический и экономический обмен между Средней Азией и ближними, как равно и дальними странами, никоим образом не прекратился. ... Евразийская торговля по суше ... продолжала расцветать, несмотря на открытие морских путей, и весьма вероятно, ... что в европейских источниках об этой торговле содержится мало сведений лишь потому, что западноевропейские, а также русские купцы не принимали в ней почти никакого участия"<sup>10</sup>.

На фоне перечисленных глобальных факторов, сравнительно менее выделенными остаются причины внутреннего характера, в частности,

<sup>7</sup>Levi Scott. India, Russia and the Eighteenth-Century Transformation of Central Asian Caravan Trade. P. 519 - 524.

<sup>8</sup>Агзамова Г. А. Среднеазиатские ханства и Россия: к истории караванной торговли (XVI-первая половина XIX в.) // Россия-Узбекистан: история и современность. М.: ИАЦ МГУ, 2008. С. 13; Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла Самарканде и Бухаре в XVI веке... С. 215.

<sup>9</sup>Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент: Академия, 2008. Б. 187.

<sup>10</sup>Кюгельген Анке фон. Легитимизация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII - XIX вв.). Алматы, 2004. С.20.

4-son

политическая децентрализация, частая смена правящих домов, активный процесс проникновения и оседания в пределах региона значительных масс кочевого населения, доминирование в духовно-интеллектуальной жизни средневековой схоластики.

В советской историографии было принято усматривать причины кризисных тенденций прежде всего в "господстве феодального класса", а также в характере политики правящих сословий, обусловленной скорее их личными амбициями, нежели интересами государства и общества. Однако, широкая совокупность мнений исследователей, в том числе современных, позволяет констатировать, что причины наметившегося упадка государств Центральной Азии в XVI - первой половине XVIII в. представляли сложную палитру, включающую совокупность различных факторов, как внешнего, так и внутреннего характера. И, вместе с тем, несмотря на преобладание кризисных явлений в отдельные периоды, препятствующих дальнейшему полноценному развитию региона и тормозивших процессы консолидации, наличие в местном обществе относительно устойчивых центроостремительных традиций и практик, способствовали формированию здесь самостоятельных государств, опиравшихся в том числе и на управленческий опыт прешествующих периодов.

Так, к началу XVI в. в центре некогда обширной империи Амира Темура образовалось Бухарское ханство, включавшее в себя основные культурные центры Среднеазиатского Междуречья. В низовьях средневекового Окса, на землях древнего Хорезма сформировалось Хивинское ханство. Несколько позднее к началу XVIII столетия от Бухары в силу ряда причин фактически обособилась Ферганская долина, на территории которой в течении XVIII века образовалось Кокандское ханство.

Частые междоусобные войны между этими государствами пагубно отражались на жизни местного населения. Не менее тяжелым для него была обстановка раздробленности, облегчавшая возможность внешней экспансии со стороны сопредельных территорий. И поэтому, как писал А.Ю. Якубовский, "приходится считать всякую серьезную попытку к политическому объединению страны фактом прогрессивным"<sup>11</sup>, создающим условия для развития и консолидации народа.

Смена на политической арене представителей тимуридского дома представителями династий - выходцев из степей Дашт-и Кипчака (Шайбаниды - в Бухаре, Арабшахиды - в Хорезме), вызвала существенную перестройку системы управления и деформацию многих властных и общественных институтов. По мнению

<sup>11</sup>Я к у б о в с к и й А. Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Сб. Алишер Навои. М.-Л., 1946. С. 8.

4-son

французского исследователя В. Фурньо, "Шайбаниды стали первыми властителями в регионе, владения которых не вышли за пределы собственно Трансоксианы и которые таким образом очутились как бы в замкнутой среде, что существенно ограничило этносоциальные возможности их имперского пространства и пространства государств - их преемников"<sup>12</sup>.

Под властью новых династий получила дальнейшее распространение апанажная система, когда практически большая часть территории среднеазиатских ханств была разделена на отдельные уделы, которыми управляли представители правящего дома. Власть главы династии - хана, зачастую была номинальной, так как каждый из родственников управлял своим уделом почти независимо. Существовавшая система управления, в немалой степени, обусловила периоды затяжных политических кризисов, вызванных с одной стороны борьбой представителей правящего дома за власть, а с другой значительным усилением позиций, поддерживавших их племенных элит, первоначально участвовавших на стороне того или другого претендента на трон, а впоследствии, по мере концентрации в их руках политического и экономического могущества, фактически самостоятельно определявших порядок престолонаследия и государственного управления.

Смена ханов из династии Шайбанидов на бухарском престоле в 1601 г. представителями Аштарханидского (Джанидского) дома, по мнению некоторых исследователей, также ознаменовала собой доминирующее влияние племенных элит в государственном управлении<sup>13</sup>.

Отсутствие в достаточной мере политических и экономических ресурсов в руках центральной власти, делало малоэффективным, а в большинстве случаев невозможным проведение ею мероприятий, с регулярным осуществлением которых был непосредственно связан вопрос общего состояния жизни государства. Такие мероприятия заключались, главным образом, в поддержании деятельности административного и фискального аппаратов, содержания войска, организации и проведении массовых работ по поддержанию имеющихся, а также введению в строй новых магистральных объектов ирригационной сети.

<sup>12</sup>Ф у р н ь о В. Семиречье и Трансоксиана (Мавераннахр): их связи в истории тюркизации и седентеризации нижней Центральной Азии // Урбанизм и нomaдизм в Центральной Азии: история и проблемы. Алматы, 2004. С. 58.

<sup>13</sup>Россия и Средняя Азия. Политика и ислам в конце XVIII - начале XIX века. Том I. Москва, 2010. С. 13.

4-sop

В свою очередь административного ресурса удельных правителей, хватало только на осуществление административных мероприятий внутри подвластных им районов, в то время как политические и общественно-экономические институты общегосударственного значения приходили в упадок. В результате период XVII - первая половина XVIII в. характеризовался, в целом, заметным ослаблением института центральной власти, и дальнейшей эскалацией конфликтов из-за ресурсов.

Политический фон указанной эпохи сопровождался также и усилением социально-экономических противоречий в обществе. Переход значительных масс кочевого населения к оседло-земледельческой деятельности, в условиях заметного дефицита пахотных площадей и иных ресурсов делал неизбежным столкновение экономических интересов между различными группами населения - с одной стороны между отдельными сегментами кочевого населения, и с другой - между кочевым населением и оседлым.

Близкое соседство оседло-земледельческого региона с кочевым ареалом "создавало перманентную, из века в век, проблему оседания на землях, сменявших одна другую волн кочевников, включения их в культурно-хозяйственный континум оседлости... Трудность трансформации степняков, приверженных к привычному культурно-хозяйственному типу и образу жизни, находило зримое выражение в их противодействии стремлению центральной власти к социально-политическому и административному упорядочению государства"<sup>14</sup>.

Попытки отдельных правителей (например, хивинского хана Абулгази-хана (1644 - 1663)) проведения реформ, направленных на распределение ресурсов, а также регламентацию порядка участия политических и социальных групп в общегосударственном управлении, не приносили ожидаемой стабильности в долгосрочной перспективе и, более того, предоставляли представителям племенной знати в дальнейшем дополнительные административные и экономические ресурсы, способствовавшие дальнейшей эскалации политического кризиса в ханствах. По справедливой оценке Б. Бабаджанова предводители племен уже "не ограничивались притязаниями на удельную власть, но вовлекали свои племена в вооруженную борьбу за верховную власть и доминирующее положение в государстве"<sup>15</sup>.

Сильная децентрализация и перманентные междоусобные столкновения, вели к размыванию многих существовавших практик

<sup>14</sup>Россия и Средняя Азия. Политика и ислам в конце XVIII - начале XIX века. Том I. Москва, 2010. С. 13.

<sup>15</sup>Б а б а д ж а н о в Б. М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. С. 97.

4-son

и традиций, связанных с функционированием различных сфер жизни общества. Так, в частности, в условиях дискредитации ханской власти и крайнего ослабления позиций государства, становились более аморфными такие институты государственности, как центральная власть, фискальный аппарат, государственное землевладение, регулярное войско и др.

Дальнейшее выдвижение местных элит спровоцировало, начиная со второй половины XVIII века, "легитимационный кризис"<sup>16</sup>, и заложило основы для ликвидации многовековой династийной традиции, связанной с возведением на верховный престол (в отдельных случаях лишь как *pro forma*) исключительно султанов-чингизидов. В результате, это привело во второй половине XVIII - начале XIX в. к утверждению в трех ханствах новых правящих династий: Мангытов в Бухаре, Мингов в Ферганской долине и Кунградов в Хорезме.

Приход к власти представителей местных династий, привел к изменению политики правящих домов в сторону повышения авторитета и упрочнения позиций центральной власти, укрепления и централизацию институтов государственного управления, активизацию внешнеполитической деятельности и "собрание земель". В целом, "переход Центральной Азии от удельной системы к ханскому единовластию, как полагают авторы работы "Центральная Азия и мировая история", был несомненным прогрессом, как для Европы переход к абсолютизму"<sup>17</sup>.

Вместе с тем, как справедливо отмечает Б.Бабаджанов, "пути существования, возвышения и принципы державных легитимаций ханств, несмотря на схожие политические и экономические конструкции", были не одинаковы<sup>18</sup>.

Первые представители указанных династий, находившиеся в условиях жесткой оппозиции со стороны конкурирующих группировок в борьбе за власть, изыскивали разные пути для укрепления своих позиций. Помимо подавления оппозиционных группировок, правители направили усилия на ликвидацию существовавшей удельной системы (по крайней мере ее существующей формы), являющейся источником административно-политического и экономического ресурса центробежных тенденций. Кроме того, в

<sup>16</sup>Термин принадлежит Анке фон Кюгельген. См.: Легитимизация среднеазиатской династии мангытов в произведениях их историков (XVIII - XIX вв.). Алматы, 2004. С.50.

<sup>17</sup>Г у л о м о в Х. Г., Т а т ы б а е в А. С. Центральная Азия и мировая история. Ташкент: Университет, 2004. С. 17.

<sup>18</sup>Б а б а д ж а н о в Б. М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент: TIAS, 2010. С. 7.



4-son

этот период наблюдается попытка установления жесткого контроля со стороны центральной власти над распределением ресурсов, посредством упорядочения и унификации мер веса, длины, площадей, упорядочения и централизации фискального аппарата, контроля за распределением воды и земель. В этот период мы можем наблюдать увеличивающуюся активность государства в качестве ключевого актора в различного рода социально-экономических отношениях.

В этот период налаживаются более или менее действенные механизмы взаимодействия центральной власти с кочевой периферией, способствовавшие относительно упорядочению взаимоотношений с кочевым населением и привлечению последних их на службу государства.

Благодаря этим мероприятиям во всех трех ханствах наметились тенденции стабилизации и относительного подъема во всех сферах, в частности, развитие городской жизни и ремесленного производства, расширение орошаемых площадей, активизация культурной жизни. Однако, позитивным росткам и тенденциям в социально-политической, экономической и культурной жизни не суждено было проявиться в полной мере, в силу внутренних и внешних факторов. Многолетние внутренние смуты в значительной степени ослабили материальные, производственные и интеллектуальные ресурсы общества, а продолжавшаяся борьба между властными элитами ханств за ресурсы, сопровождавшаяся бесконечными военными вторжениями на сопредельные земли, служили обогащению прежде всего военной знати, негативно отражаясь на положении основной массы населения региона. Ко всему этому, Центральная Азия к концу первой половины XIX в. становится объектом экспансии и ареной противоборства двух крупнейших мировых держав исследуемого периода - Великобритании и Российской империи. Не выдержав конкуренции с динамично развивающейся технологическими ресурсами Европы, региону суждено было превратиться на многие десятилетия в колонию Российской империи.

Очевидно, что детальное освещение этих сложных по содержанию и динамике событий позднесредневековой истории Узбекистана с учетом всех не только негативных, но и позитивных тенденций, на базе нового источникового материала и с привлечением результатов современных исследований, в том числе зарубежных, до настоящего времени, несмотря на очевидные сдвиги в данном направлении, остаётся проблемной задачей отечественной исторической науки.

*Д. Алимова, У. Абдурасулов*

### **XVI - XIX аср биринчи ярмида Марказий Осиё: тарихий жараёнларнинг тавсифига доир**

Мақола ўрта асрларда Ўзбекистон тарихи тафсилотидаги баъзи муҳим масалалар ва жараёнларни ёритади. Мақолада мазкур даврни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлардаги дискурслар, қисман давр таназзули ҳақидаги мунозаралар кўриб чиқилган.

*D. Alimova, U. Abdurasulov*

### **Central Asia in 16th - first half of 19th century: to the Characteristic of Historical Processes**

Article touches some issues that characterize Uzbekistan's history of the late medieval period. In the article some research discourses in studying of the given period, in particular, such as discussion about "decline" are considered.

*A. Мирзаев*

### **XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА ЯРОСЛАВЛ КАТТА МАНУФАКТУРАСИ ШИРКАТИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

Ўзбекистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги давридаги тарихи ҳақида сўз кетар экан, ўлкада саноат корхоналарининг юзага келиши, уларнинг фаолият соҳалари ва минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда туганган ўрни борасида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, Ўзбекистон тарихида муҳим мавзулардан бири - пахтачилик тарихининг айна шу даврлардаги ҳолатини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Туркистон генерал-губернаторлигида энг кўп пахта етиштириладиган минтақа Фарғона вилояти бўлиб, XIX асрнинг сўнгги чорагидан водийда Америкадан келтирилган пахта навларини етиштиришга ва иқлимлаштиришга киришилган<sup>1</sup>. Маҳаллий пахта толасидан анча юқори баҳоланадиган америка пахтаси навларидан катта ҳосил олина бошланган. Хусусан, 1890 йилда 206 минг пуд

<sup>1</sup>Туркистонда пахтачилик тарихи ҳақида қаранг: Зиёев Х. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. Тошкент: Фан, 1980; Зиёев Х. Чоризм ва пахта якжаҳоқимлиги // Шарқ юлдузи. 1991. №5. 173-176-бет; Ўзбекистоннинг янги тарихи 1-жилд. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 229-бет.

4-son

маҳаллий пахта етиштирилган бўлса, Америка пахтасидан 604 минг пуд ҳосил олинган<sup>2</sup>. Туркистонда пахтачиликка йўналтирилган саноат бирлашмаларидан бири Ярославл Катта мануфактураси (Ярославская Большая мануфактура) эди.

Ярославл Катта мануфактураси 1722 йилда Ярославл шаҳрида ташкил этилган ва Россия тарихида чуқур из қолдирган саноат корхоналаридан бири эди<sup>3</sup>. 1857 йилдан бошлаб "Товарищество Ярославской Большой мануфактуры бумажных изделий" номини олган корхона Россия ва жаҳон бозорида қисқача "Товарищество Ярославской Большой мануфактуры " (мақолада қисқача "Ширкат" шаклида қўлаймиз) номи билан машҳур бўлган.

Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгунга қадар Ширкат империядаги бошқа корхоналар каби асосан Америка пахтаси ҳисобига иш юритар эди. XIX асрнинг 80-йилларида Туркистон ўлкасида пахтачилик саноати кескин суръатларда ривожланиб бораётганини кўрган Ширкат раҳбарияти минтақада ўз контораларини очишга киришди. Дастлаб бош контора Тошкентда очилди, кўп ўтмай катта пахта плантациялари шакллантирилди ҳамда Самарқанд, Сирдарё ва Фарғонада пахта тозалаш заводлари куриб ишга туширилди. Лекин, Ширкат асосий эътиборини Фарғона водийсига қаратди ва Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Скобелев, Қува, Андреев Хутори (ҳозирги Андижон тумани)да ўз контора (идора) ларини очди<sup>4</sup>. Ширкатнинг Туркистон ўлкасидаги асосий фаолияти пахтани қабул қилиш пунктлари ва пахтани қайта ишлаш заводлари ҳамда омборларини ташкил қилиш, пахтани экиш ва сотиб олиш, уни қайта ишлаш ва толасини Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига жўнатишга қаратилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 99-фондда Ширкатнинг 1888-1918 йилларда Туркистондаги фаолиятига оид ҳужжатлар жамланган 347 та йиғма жилд мавжуд

<sup>2</sup>Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб., 1892. 26-бет.

<sup>3</sup>Ярославл шаҳрига XI асрда Киев князи Доно Ярослав (1019-1054) томонидан, Волга дарёсининг ўнг соҳилида, ўша даврда "Медвежий угол" деб ном олган қишлоқ ўрнида, қалъа шаҳар сифатида асос солинган. 1218 йилдан Ярославл шу номдаги князлик маркази (1463 йил Москва князлигига қўшиб олингунга қадар), 1796 йилдан эса шу номдаги губерниянинг маъмурий марказига айланди. Ярославл Катта мануфактурасига асос солинган XVIII аср бошларида эса шаҳар катталиги жиҳатидан Москвадан кейин иккинчи ўринда турган. Бу вақтда шаҳарда тахминан 15 минг аҳоли ва 70 дан ортиқ турли соҳалардаги мануфактура бор эди.

<sup>4</sup>Путеводитель. Центральный Государственный Исторический Архив УзССР (ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. Тошкент, 1948. 124-бет.

4-son

бўлиб, уларнинг таҳлили ўлкада пахтачилик саноати тарихи доирасидаги тасаввурларни янада кенгайтиради. Жумладан, Ширкатнинг бошқарув идораси ва унинг конторалари билан ўзаро ёзишмаларида пахтани сотиб олиш, сотиш ва ташиш ҳақидаги статистик маълумотлар, пахтани ҳосилдорлиги ва қайта ишланиши; пахта толасини чигитидан ажратиб олиш натижалари; пахта бозорларидаги вазият; пахта толаси навларининг намуналари, пахтани тозалаш машиналари ва эҳтиёт қисмлари учун буюртмалар, заводлар ва омборлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Маълумки, Европада пахта нархининг ошиши Марказий Осиёда пахтачиликнинг кенг ривож топишида ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Агар 1864 йилда Россияга 704 минг пуд ушбу ҳудуд пахтаси киритилган бўлса, 1885-1913 йилларда бу кўрсаткич 3,5 баробарга ортди. Айниқса, 1866 йилдан бошлаб Тошкент воҳасида Америкадан келтирилган пахта навларини экишнинг йўлга қўйилиши натижасида пахтачилик саноати алоҳида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Америка пахтаси навлари етиштириладиган плантациянинг энг каттаси Катта Ярославл мануфактурасига (2750 таноб), иккинчиси эса Андреев хуторида Рус ишбилармонларига (700 таноб) қарашли эди<sup>6</sup>.

Кўп ўтмай, америка пахтаси маҳаллий навлар билан частиштирилиб, минтақа иқлимига мослаштирилди. Пахтачилик учун асосий ва қулай минтақа Фарғона водийси бўлиб, бу ерда иқлим, суғориш тизимидаги имкониятлар ва бир неча асрлик тажриба мавжуд эди. Шу сабабли водийдаги пахта далалари бошқа вилоятларга қараганда анча тез, яъни 1915 йилда 1888 йилга нисбатан 10 баробар ортган. Аниқроқ айтганда, экин майдони 34,7 минг десятинадан 336,5 минг десятига етган эди. Америка пахтаси Сирдарё вилоятида 4,3 фоиз, Самарқанд вилоятида 3,5 фоиз ҳосил бераётган бир вақтда Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди<sup>6</sup>. Ширкат эътиборини тортган энг муҳим жиҳат ҳам ана шу катта ҳосилдорлик кўрсаткичи ва арзон ишчи кучи, кенг суғориладиган экин майдонлари, маҳаллий тажрибалар каби яна бир қатор имкониятлар билан боғлиқ эди.

Ширкат фаолиятига оид расмий мактублар, савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича битимлар, ҳисоботлар, статистик қайдномалар ва бошқа турли мазмундаги архив ҳужжатлари таҳлилига қараганда, Ширкат раҳбарияти ўлкада пахта етиштириш ва ривожлантиришга ҳамда вақтида уни ташиб кетишга алоҳида эътибор билан қараган.

<sup>5</sup>Ўзбекистоннинг янги тарихи 1-жилд. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. 231-бет.

<sup>6</sup>Г л у ш е н к о Е. А. Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. М.: Центрполиграф, 2010 // <http://www.uwed.uz/books/Rossiya-v-Sredney-Azii-Zavoevaniya-i-preobrazovaniya/15>.

4-son

Хусусан, Қўқондан Ширкатнинг Тошкентдаги бош конторасига юборилган ҳисобот мактубларда 1910-1911 йилги пахта мавсумида ҳосилнинг ҳолати акс этган. Қўйида шундай мактублардан бирини келтириб ўтамиз:

"1910-1911 йилги пахта мавсуми ҳосили ҳолати бўйича маълумот. Жойларда пахта гуллади, ҳар бир шохда учтадан кўсак, 9 тадан то 18 тагача гул нишонлари бор. Бир майдонни ўзида айрим гўзаларнинг баландлиги 2 чорак, бошқаларини бўйи аршин, янада баланд ўсган гўзалар оз миқдорни ташкил этади. Приказчик (иш боши) М.Ш.Халилбоевнинг хабарига кўра, Қўқон уездида барча пахта экинларининг тўртдан бири, Наманган уездида эса пахта экин майдонларининг ярми "қора шира" билан зарарланган. У келгусида пахтани бундай ўсишидан хавотирланмоқда.

Яйпан ва Фурумсарой пахта қабул қилиш пунктларини комиссиянерлари, яқин кунлар ичида шу пунктлар ҳудудидаги пахта экин майдонларида бўлишиб, пахтани ўсиши яхши ҳолда эканини маълум қилишди. Келгуси ҳафтада ҳар бир пункт ҳудудидаги пахта экинлари шахсан биз томондан кўздан кечирилади. Об-ҳаво пахтани ўсиши учун қулай турибди. Сув ҳамма жойда етарли (Қўқон конторасининг 1910 йил 10 июндаги №17 сонли расмий хатидан)".

1910 йил 24 июндаги №20 сонли хатда эса Яйпандаги пахта далалари кўздан кечирилганда, об-ҳаво қулай бўлса-да, "шира" касали сабабли гўзанинг ўсиши тўхтаб қолгани, бўйининг пастлиги ва кўсакларнинг камлиги аниқланган. Шунинг учун бўлса керак, Ширкат пахта хом ашёсини сифатли бўлишига эътибор қаратган ва тез ташиб кетиш учун далалар шароитини яхшилашни ўз ҳисобидан амалга оширган. Яроқсиз ҳолга келган суғориш тизимларини таъмирлаш, экинзорларни қайта ишлаш ва ўғитлаш ишлари олиб борилган. Масалан, 1909 йилги пахта мавсумида Улуғнор ариғининг икки четига тупроқ ва шағал тўкилиб кўтарилган. Албатта, бу ҳатти-ҳаракатлар Ширкатдан қўшимча маблағларни талаб қилса-да, биринчидан, мавсум вақтида пахта далаларини сув босишдан сақлаган, иккинчидан эса, ариқ йўналишининг доимийлиги ҳисобига сув билан ишлайдиган барча пахта тозалаш заводларини иш унумдорлиги оширилган<sup>8</sup>.

Бундан ташқари, Ширкатга қарашли корхоналарни ўз вақтида иш қуроллари ва керакли техника воситалари билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмаган. Пахтачиликни ривожлантиришга ажратилган маблағнинг маълум бир қисми кўмир чўтка (яъни динамо-машинанинг коллектордан ток қабул қилиб оладиган кўмир

<sup>7</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 11, 14, 130 ва бошқа варақлар.

<sup>8</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 128-варақ.

4-son

пластинкалари - щётка) ва бошқа техника воситаларига эҳтиёт қисмларини сотиб олишга сарфланган<sup>9</sup>. Шунингдек, пахтанинг етиштирилиши жараёни борасида ҳам мунтазам равишда ахборот олиб турилган. Масалан, Қува конторасидан 1910 йил июн-июл ойларининг ўзида 5-6 марта Тошкентга мактуб орқали пахтанинг ўсиши ва унга ишлов бериш жараёни ҳақида батафсил ҳисобот бериб турилган<sup>10</sup>.

Ширкат фаолиятидаги мураккаб босқичлардан яна бири - бу пахтани сотиб олиш жараёни эди. Чунки бу борада рақобатчилар анчагина етарли бўлган. Қува контораси раҳбари И.Куриловнинг Ширкатнинг Тошкентдаги бошқарувчиси М.А.Курилов номига 1909 йил сентябрдаги пахта сотиб олиш учун пул маблағини тўхтатмаслик ҳақидаги №80 сонли мактуби бизга айтиш шу масалани ёритиш имконини беради. Унга қараганда, 1909 йил пахта терими мавсумида Қувадаги пахтани териш масаласида контора вакили рақобатчилар фаолиятдан ҳавотирга тушган. Қувада фаолият олиб бораётган Андреевский ва ака-ука Вадьяевлар, ака-ука Крафтлар Ширкатлари ҳамда маҳаллий пахта воситачилар - бой деҳқонлар ҳам пахта сотиб олишни жадаллаштирган. Қува контораси вакилининг ёзишича, Қувада пахтани энг қиммат нархда ака-ука Вадьяевлар (1 пуд пахта учун 4 рубл 24 тийин) ва энг арзон нархда (4 рубл 20 тийин) Андреевский ва ака-ука Крафтлар Ширкатлари сотиб олган<sup>11</sup>.

Айниқса, ушбу фонднинг 60-йиғма жилди Ширкатнинг Ярославлдаги бош савдо-саноат контораси, Тошкентдаги бош контора ҳамда Андижон, Қўқон, Қува ва Скобелев (Фарғона) контораларнинг ўзаро расмий ёзишмалари - пахта сотиб олиш ишлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Архив материалларига қараганда, Ширкат Фарғона водийсида пахта йиғиб олишда маҳаллий чистачиларнинг<sup>12</sup> хизматидан фойдаланиб келган. Хусусан, Ширкатнинг Андижон бўлими бошлиғи Я.Семихат томонидан 1910 йил 12 январда Тошкентдаги контора бошқарувчиси М.А.Курилов номига жўнатилган №134 сонли расмий хат Ширкатнинг иш юритиш тизими ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. Хатнинг мазмунига қараганда, Ширкат

<sup>9</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 18, 47-варақлар.

<sup>10</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 72-йиғма жилд, 25, 28, 31, 32, 34-варақлар.

<sup>11</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд., 1-рўйхат, 61-йиғма жилд, 36-варақ.

<sup>12</sup>Чистачи яъни коммиссионер, даллол, савдо ишларида воситачи. Фарғона водийсида чистачиларнинг икки гуруҳи иш олиб борган. Биринчи гуруҳдаги чистачилар фирма ва компаниялар билан шартнома тузиб, уларнинг иқтисодий ёрдами асосида иш олиб борган. Яна бир гуруҳи эса ўз маблағи эвазига пахта сотиб олиш ва уни сотиш билан шуғулланган. Резник Н. Хлопководство в Наманганском уезде 1880-1901 гг.// Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан, 1903. 144-бет.

4-son

маъмурияти, аввало катта маблағга эга бўлган, қарзи йўқ ва ишончли кишиларни воситачилар сифатида танлаб олган. Хусусан, Избоскан волостининг Туячи қишлоғида яшовчи Нурмат Амин Чўлпонқулбоев Ширкатга ўзининг даллоллик хизматини таклиф қилган. Илгари бошқа компанияларга ишлаган мазкур шахс ўзига тўқ киши сифатида 100 таноб ерга эгалик қилган ва пахта учун 20 минг рублгача бай пули бериш имконига эга бўлган. У ўзи кафил бўлган ҳолда мазкур волостда етиштириладиган тоза ва кўп тола олиш мумкин бўлган пахта хом ашёсини таклиф қилган<sup>13</sup>. Бундан ташқари, илгари Ширкат билан ҳамкорлик қилган яна 2-3 нафар чистачининг хизматидан фойдаланиш ёки улар билан ҳамкорликни тўхтатиш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Ширкат ўзи билан доимо ҳамкорлик қиладиган содиқ даллоллар учун доимо қайғуриб келган. Ҳужжатларнинг бирида қайд қилинишича, комиссионер (чистачи-даллол) Фозилбекхўжа Абдурахмонбеков оғир касал бўлиб ётиб қолганда Ширкатнинг Тошкентдаги контораси ташаббуси билан юборилган махсус доктор уни тиббий текширувдан ўтказиб даволаш ишларини олиб борган эди<sup>14</sup>.

Ширкатнинг Андижон контораси вакили, пахта иши бўйича анча катта тажрибага эга бўлган Я.Семихатнинг фикрича, Андижон уездида бошқа компанияларнинг фаол ҳаракати туфайли ва Асакада эса заводларнинг кўплиги сабабли у жойларда анча жиддий рақобат бўлган. Жумладан, ака-ука Крафт ва Ю.Давидов фирмалари маҳаллий чистачилар билан битим тузиб, буюртма берилган пахта учун олдиндан бай пуллари бошқа ширкатлардан илгарироқ тўлашга улгуришган. Бироқ, бу ҳудудда пахтани сифатли ва қулай нархларда сотиб олиш учун имкониятлар кўп бўлган. Унинг таъкидлашича, водийдаги энг сифатли пахта шу ерда етиштирилган<sup>15</sup>.

1909 йил 7 сентябрдан 13 сентябрга қадар Андижонда биринчи навли пахта хом ашёси сотиб олинган. Ширкатга қарашли заводда №№2705/2711 рақамли ордерлар бўйича 13788 пуд пахта 57230 рублга сотиб олинган. Пахтанинг 13788 пудидан ҳар пудига умумий харажатлар 7 тийиндан, жами бўлиб эса 965 рубл қўшимча маблағ сарфланган. Бундан ташқари, ишбоши Байбурун томонидан Қўқонқишлоқда №3801/3802 рақамли ордерлар бўйича 394 пуд пахта 1631 рублга сотиб олинган. Жами бўлиб, 14183 пуд пахтага 59874 рубл сарфланган. Ҳисоб-китобларга қараганда Ширкат бир пуд пахта хом ашёсини 4 рублдан, бир пуд толани эса 14 рублга сотиб олишга эришган<sup>16</sup>. Хусусан, Тошкентдаги бош контора бошлиғи

<sup>13</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 46-варақ.

<sup>14</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 186-варақ.

<sup>15</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 46-варақ.

<sup>16</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 255-варақ.

4-son

М.А.Куриловнинг 1911 йил 21 сентябрда Федченко номига, Скобелев шаҳрига юборилган телеграммада:

*"Америкада давом этаётган пахта нархини пасайиши туфайли, пахтани имкони борича 12 рубл 80 тийиндан ортиқ бўлмаган баҳода сотиб олинг. Бошқа фирмалар билан биргаликда пахтани сотиб олинишида уни баҳосини пасайтириш чораларини кўринг. Ишнинг аҳволи ҳақида ҳар кун телеграмма орқали хабар қилинг. Пайшанба кун и ўзим ҳам Қўқонда бўламан"*<sup>17</sup> - деб хабар берилади. Дарҳақиқат пахтани сотиб олиш ҳамда сифатини назорат қилиш ва Ярославлга батафсил ҳисобот бериш учун у сентябр ойи давомида Қува, Андижон ва бошқа уездларда бўлиб, жойлардаги вазият билан танишган. Унинг якуний хулосаларига қараганда, Қува ва Андижонда 1 пуд пахта 12 рубл 50 тийиндан сотиб олинган, совуқ тушгач эса 40 тийин фарқи билан сотиб олинаётган пахтани қабул қилишни тезда тўхтатиш зарурлиги ҳақида Ярославлга ёзган мактубида алоҳида қайд қилиб ўтган эди.

1910 йил сентябридаги янги пахта ҳосилининг ҳар пуди учун 14 рубл 30 тийиндан сотиб олишга харидор бўлса-да, сотувчи бўлмаган. Октябр ойида бир пуд пахтани нархи 14 рубл 10 тийинга тушган. Бироқ ҳануз пахтани сотишни хоҳловчилар бўлмаганига қараганда, улар кейинги йил бошига келиб пахта нархлари ошишидан умид қилиб ўз ҳосилларини қўлда сақлаб турганлар. Ширкатнинг Қўқондаги контораси кузги мавсумдан 26 минг рубл ортиб қолган бўлишига қарамай, маҳаллий аҳоли навбатдаги байрамдан сўнг катта ҳажмда пахтани ташиб келтириши мумкинлигини таъкидлаб, Тошкентдан қўшимча тарзда яна 100 минг рубл ўтказилишини сўраган. Унинг ҳисоботиغا қараганда, 1910 йилги куз фаслида жами 15000 пуд пахта хом ашёси қабул қилиниб, шундан 12500 пуди заводда тозаланган<sup>18</sup>.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб, империя энгил саноатининг қон томирига айланган пахта майдонларининг кенгайтирилиши Туркистонда мустамлакачилик сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб улгурган эди. Шу сабабли пахта майдонлари тез суръатларда кенгайиб борди. Хусусан, 1884 йилда Туркистонда пахта майдони 300 десятинани ташкил этган бўлса, 1890 йилда 58859 десятинага, 1915 йилда эса 534 минг десятинага етган эди<sup>19</sup>. Аслида жараённинг асл моҳиятини синчиклаб таҳлил қилсак, бу кўрсаткичнинг ўсиши Ярославл Катта мануфактураси каби пахта савдоси билан шуғулланувчи компаниялар фаолияти билан боғлиқ эканлигини кўрамыз. Шу жумладан, Ширкатнинг бу борадаги фаолияти унинг Тошкент шаҳридаги бош конторанинг Қувада пахта экин

<sup>17</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 85-йигма жилд, 4-варақ.

<sup>18</sup>ЎзР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 71-йигма жилд, 54-варақ.

<sup>19</sup>Т е р - А в е н е с я н Д. В. Хлопчатник. Л.: Колос, 1973. 13-бет.



4-son

майдонларини кенгайтирилиши ва пахта хом ашёсини сотиб олиш ҳақида ёзишмаларида аниқ намоён бўлади. Қува идорасининг Тошкентдаги бош конторага юборган 1910 йил 18 майдаги №10 сонли хатда кўрсатилишича, 1910 йил баҳорида экин майдонлари ўтган йилгига нисбатан 10-15 фоизга қадар кенгайтирилган. 1911 йилда эса бу борадаги кўрсаткич, 1910 йилга нисбатан яна 5 фоизга ортган<sup>20</sup>.

Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш ва уни ташиб кетиш учун ажратиладиган маблағ тўлови асосан тўғридан тўғри Ярославлдан, баъзан эса Тошкент орқали амалга оширилган. 1909 йил 20 октябрда Ширкатнинг Андижондаги конторасидан Тошкентдаги Бош конторага юборилган №83 сонли мактубда кўрсатилишича, мазкур пахта мавсумида Ярославлдан Қувага тўғридан тўғри 100 минг рубл пул ўтказилган<sup>21</sup>.

Фарғона вилоятидаги контораларни пахта сотиб олиш учун маблағ билан таъминлаш Ширкатнинг Тошкент шаҳридаги бош контораси ҳамда уездлардаги конторалари билан бўлган ёзишмаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Ярославлдаги бош савдо-саноат конторасининг Андижондаги контораси билан пахта сотиб олиш ва пулни ўтказиш ҳақида ҳамда бай пулини бериш ва йиғиш тўғрисидаги хатида 1910-1911 йилги мавсумга ўтказилган пул маблағлари кўрсатилган:

январ ойида - 19100 рубл;

феврал ойида - 18800 рубл;

март ойида - 13495 рубл;

апрел ойида - 5250 рубл;

июнь ва июл ойларида - 126231 рубл 91 тийин;

август ойида - 32657 рубл 65 тийин;

август ва сентябр ойларида қўшимча - 184498 рубл 93 тийин;

2-сентябрдан то 14-сентябргача - 39789 рубл 28 тийин<sup>22</sup>.

Бундан ташқари, Андижон конторасига 1910-1911 йил пахта мавсуми учун Тошкентдан дастлаб 20000 рубл (11 январ), кейинроқ яна 1000 рубл (21 июн), Москвадан эса январ-март ойлари давомида 51000 рубл, жами 72000 рубл пул маблағи ўтказилган<sup>23</sup>. Ярославлдан ўтказилган бу каби катта маблағлар Ширкатнинг Туркистонда, шу жумладан, Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш ва ҳосилни ташиб кетишдан улкан даромад олганидан дарак беради. Зеро, Ширкатнинг ўша даврдаги ички молиявий аҳволи ҳақида маълумот берувчи архив ҳужжатлари таҳлилига қараганда, 20 аср бошида Катта Ярославл мануфактураси ишлаб чиқариш ва ишчилар масаласида

<sup>20</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 72-йиғма жилд, 18, 153-варақлар.

<sup>21</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 128-варақ.

<sup>22</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд, 1-3-варақлар.

<sup>23</sup>Ўжа жойда. 6-7 варақлар.

4-son

мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бошидан кечираётган эди<sup>24</sup>.

Уездлар марказларида ташкил этилган конторалар бай пулини тарқатиш ҳақидаги рухсатни Тошкентдаги бош конторадан олган. Хусусан, 1911 йил 8 февралда Қўқон контораси бошқарувчиси томонидан М.А.Курилов номига қуйидаги мазмунда мурожаат қилинган:

"Сиз Қўқонга охири марта келганингизда 52400 рубл бай пули (задатка) тарқатилишига рухсат берган эдингиз. Бундан 37200 рублни заводлар ва 15200 рублни яйпанлик пахта ташувчилар учун ажратилди. Заводларнинг пахтани ташиб келтирувчилари учун ажратилган пул ҳозирча етарли. Яйпанлик пахтани етказиб берувчиларга келсак, комиссионер Ўсарқул Турсунқулов яна 10000 рубл беришни сўради. У бу пулнинг 3000 рублини пахтани аввалги ташиб етказиб берувчиларига ва 7000 рублни янги ёлланган пахтани ташиб етказиб берувчиларга бермоқчи.

Агар пулни беришга сиз рухсат берсангиз, 10000 рублни ўтказишни сўрайман. Рухсат этилганлик тўғрисида эса мени телеграмма орқали хабардор қилишликни сўрайман. Мен қўқонлик пахтани ташиб етказиб берувчилар учун ўзимда бўлган пулдан яйпанлик пахтани ташиб етказиб берувчиларни қаноатлантириб, таъминлай оламан.

Имзо: Қўқон контораси бошқарувчиси"<sup>25</sup>.

Бай пуллари масаласи Ширкатнинг диққат марказида бўлгани табиий. Чунки, Тошкентдаги ва Андижондаги контора ўртасидаги 1915-1916 йиллардаги йиғилмай қолган бай пуллари ва уларни натижаси ҳақидаги ўзаро ёзишмаларга қараганда, ҳар йили мавсум якунида бай шаклида сарф қилинган маблағларнинг қайтариб олинишида катта муаммолар юзага келган. Андижон конторасида 1915 йил мавсумида ноябр-декабр ойларидаги ҳолат бўйича бай пуллари балансини икки ўртадаги хатлардаги маълумотлар асосида тузилган қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Архив ҳужжатларига қараганда, бу каби ҳолат Андижон контораси

Йиғилмасдан қолган бай пул		Йиғиб олинган бай пули	
Ҳолат	Миқдори	Ҳолат	Миқдори
29 ноябр	44237 рубл 23 коп	2 декабр	3887 рубл 10 коп
3 декабр	40350 рубл 13 коп	5 декабр	4382 рубл 00 коп
6 декабр	35968 рубл 13 коп	9 декабр	3785 рубл 60 коп
10 декабр	32182 рубл 53 коп	10 декабр	32185 рубл 53 коп

<sup>24</sup>Ш и л ь н и к о в а И. В. Роль вознаграждения в мотивации труда рабочих-текстильщиков Ярославской Большой мануфактуры в начале XX века // Экономическая история. Обозрение / Под ред. Л.И.Бородкина. Вып. 6. М., 2001. 36-50-бетлар.

<sup>25</sup>ЎЗР МДА. И-99-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 105-варақ.

4-son

фаолиятида 1916 йилги пахта мавсумида ҳам давом этган.

Хулоса ўрнида айтиш мукинки, Ярославл Катта Мануфактураси Ширкати Туркистон ўлкасида пахтачилик саноатида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Айтиш мумкинки, Марказий Осиёни забт этилиши натижасида қулай пахта плантацияларининг қўлга киритилиши туфайли Ширкатнинг Ярославлдаги фаолияти кўламини ҳам кенгайтиришга имкон яратди. Олиб борилган ислохотлар натижасида корхона 1890 йилга келиб Россиянинг Европа қисмидаги фабрика-заводлари орасида ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринни, тўқимачилик саноати бўйича эса 4-ўринни (Никольской, С.Морозова ва Ко., Кренгольмский, В.Морозовдан сўнг) забт этди. Бу вақтга келиб корхона ҳатто ўзининг флотилиясига ҳам эга бўлган эди. Натижада, XIX аср охирига келиб компания мақомини олган Ширкатнинг капиталли 6 млн. рублни, заҳира маблағи эса 1,5 млн. рублни ташкил этди. Шунга яраша ишчилар сони ҳам ошиб борди. 1861 йилда - 900 нафар ишчи ҳисобга олинган бўлса, 1888 йилга келиб - 6431, 1894 йилда - 7221, 1902 йилда - 9880 нафардан ошиб кетди. 1917 йилга келиб эса мануфактура "Красный Перекоп" номида қайта ташкил этилди. Бир йил ўтиб, 1918 йилда Ширкатнинг Туркистон ўлкасидаги пахта заводлари ва пахта заҳиралари Совет давлати фойдасига миллийлаштирилган.

Албатта, корхонанинг иқтисодий ўсишида унинг Фарғона водийсидан, пахтачилик соҳасидан оладиган даромади жуда муҳим рол ўйнади. Шу сабабли ҳам Ширкат ўз фаолияти доирасида пахтачиликни янада ривожлантириш, хусусан, янги истиқболли навларни яратиш, тажриба участкаларини кенг йўлга қўйиш, кимёвий ўғитлаш борасида ҳам анчагина ишларни амалга оширди. Афсуски, унинг асосий мақсади ўлка бойликларини талаш, бир гуруҳ сармоядорларнинг иқтисодий манфаатига йўналтирилганлиги сабабли бу соҳада олиб борилган хатти-ҳаракатлар маҳаллий аҳоли турмуш тарзига яхшилашга хизмат қилмас эди.

*А. Мирзаев*

### **Деятельность Товарищества Ярославской Большой мануфактуры в Ферганской долине в конце XIX - начале XX века**

В статье, на основе материалов фондов Центрального Государственного архива Республики Узбекистан, анализируется деятельность Товарищества Ярославской Большой мануфактуры, оставивший глубокий след в развитии хлопководческой и торговой промышленной отраслей в Ферганской долине в конце XIX - начале

4-son

XX века. В статье, опираясь на архивные документы, автор осветил вклад Товарищества в развитие хлопководства и торговли им в Ферганской долине, а также вывоз хлопка в империю.

*A. Mirzaev*

### **The activity of comradeship Yaroslav Great manufactory in Fergana valley at the end of XIX-beginning of XX century**

In this article by the basic materials fund of Central State archives of the Republic of Uzbekistan was analyzed the activity Comradeship Yaroslav Great manufactory which left deep concentration in development cotton growing and trade industrial sector in Fergana valley at the ends of XIX - beginning of XX century. In this article was propped up the archive documents author mentioned investment Comradeship in development cotton growing and trade them in Fergana valley and also transportation of cotton to the Empire.

*Б. Расулов*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАНИШИ**

XX асрнинг 20-30 йилларида Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати нафақат Ўзбекистон тарихчилари, қолаверса хориж тадқиқотчиларининг ҳам диққат марказидаги мавзулардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларда бу йўналишда бир қатор жиддий илмий изланишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, ушбу муаммонинг айрим қирралари, хусусан, коллективлаштириш жараёнидаги қатағон шакллари ва уларни мафкуравий - ҳуқуқий асосланиши мукамал ва атрофлича тадқиқ қилиниши зарур бўлган масалалардан ҳисобланади.

XX асрнинг 20 йилларида Совет Ўзбекистонидида рўй берган тарихий воқеалар ривожига собиқ Иттифоқ марказидаги сиёсий жараёнларнинг таъсири кучли бўлди. "Пролетариат доҳийси" В.И.Лениннинг вафотидан сўнг ворисликка даъвогарлар И.Сталин, Л.Троцкий, Г.Зиновьев, Л.Каменев, Н.Бухарин ва бошқа совет-партия раҳбарлар ўртасидаги сиёсий кураш кескинлашди. Жамиятни ривожлантириш ва тараққиёт йўлини танлашда турли ғоявий-мафкуравий қарашлар

4-son

ўртага ташланди. Мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масаласидаги қарама-қарши фикрлар муросасиз зиддиятга айланди. Айнан, шу зиддиятлар замиридаги сиёсий фикр талашувлари баҳс-мунозара доирасидан чиқиб амалий кийёфа касб этди ва сталинча қатағон сиёсати шаклланиб борди.

Совет Иттифоқида 1929 йил ноябрдан қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришнинг бошланиши билан совет қишлоқлари, хусусан ўзбек қишлоқларидаги воқеалар ривожини тезкор тус олди. Архив ҳужжатлари бу даврда совет - партия органларидаги қонун бузилишларининг сони кескин даражада кўпайганлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

Ёппасига коллективлаштириш жараёнида большевиклар биринчи навбатда сиёсий қатағон субъекти сифатида Совет ҳокимиятини қўлда сақлаб қолишга интилди. Чунки, ёппасига коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида колхоз тузуми ва қулоқлаштиришга қарши қаратилган ҳаракатлар тез суръатларда совет ҳокимиятига қарши оммавий чиқишларга<sup>2</sup>, ҳатто қуролли ҳаракатга айланган эди<sup>3</sup>. Большевиклар ҳокимиятни сақлаб қолиш, уни ҳимоя қилиш ҳақида қайғуриб, маъмурий буйруқбозлик, босим ўтказиш, куч ишлатиш имкониятларини тўла ишга солди<sup>4</sup>. Бутун мамлакатни қамраб олган "фавқулоддаги ҳолат" совет қонунчилигининг такомиллашувига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилиши лозим эди. Аммо, аксинча ҳолат рўй берди, қонунсизликни қонунийлаштирган адолатсиз қарорлар қабул қилина бошланди. Совет қонунчилиги бўйича қатағон чораларини қўллаш асосан суд органлари, қисман носудлов тартибда ОГПУ ёки НКВД томонидан амалга оширилиши белгиланган<sup>5</sup> бўлишига қарамай, носудлов ташкилотларининг ваколати кенгайиб борди. Суд функциясига эга бўлган "учлик"лар, район, область ижроия қўмиталар ҳамда бошқа маъмурий ваколатларга эга бўлган мансабдор шахсларнинг қарорлари устувор аҳамиятга эга бўла бошлади. Партия органларининг директивалари, ОГПУ буйруқлари, комиссарликларнинг

<sup>1</sup>ЎзР МДА. Р-837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 15-31-варақлар; ЎзР ПДА 58-фонд, 5- рўйхат, 47- иш, 70-73, 98-варақлар, 6-рўйхат, 187-иш, 121-123-варақлар; Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати Марказий давлат архиви (РФ ФХХ МДА). 2-фонд, 8-рўйхат, 3-иш, 214-215-варақлар.

<sup>2</sup>РФ ФХХ МДА. 2-фонд, 8-рўйхат, 3-иш, 236-247, 254-256-варақлар/

<sup>3</sup>ЎзР ПДА. 58-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 113-120-варақлар.

<sup>4</sup>Қаранг: Советская деревня глазами ВЧК - ОГПУ - НКВД. 1918 - 1939.

Документы и материалы. Т.3. Кн.1. - М.: РОССПЕН, 2003.

<sup>5</sup>ЎзР МДА. Р-904 - фонд, 1-рўйхат, 301-иш, 222-варақ; Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6045-иш, 108-116-варақлар; О'зSSJ Jinoyat qonunlari majmyasi. 1932 yil 1 aprelogacha bo'lgan o'zgarishlar va qo'shimchalar bilan. Toshkent:

O'zdavnashr, 1932. 11-24-бетлар.

4-son

циркулярлари ва бошқа қонуности актларининг устунлиги даври бошланди<sup>6</sup>.

СССР Советлари МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 1 февралдаги қарори билан маҳаллий ҳокимият органлари қулоқларга қарши курашда барча зарурий чораларни қўллаш, қулоқларнинг мол-мулкани мусодара қилишдан тортиб сургун қилишгача бўлган ваколатга эга бўлди<sup>7</sup>. Ўзбек қишлоқларида пахта тайёрлаш режасини бажармаган бой-қулоқ хўжаликларига қишлоқ советлари томонидан маъмурий тартибда жарима солиш<sup>8</sup>, тегирмон йиғимини тўламаганларнинг тегирмон ва обжувозларини олиб қўйиб, уларни колхоз ва қишлоқ хўжалик кооперативларига енгил шартларда сотиш ҳуқуқи берилди<sup>9</sup>. Фақат суд органлари тайинлаши лозим бўлган бундай маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатининг маҳаллий ҳокимият органларига берилиши коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонларни оммавий тус олишига ҳуқуқий асос яратди.

Большевикларнинг Ўзбекистондаги коллективлаштириш сиёсатида қарши бўлган қишлоқ аҳолисининг сиёсий жиҳатдан фаол ва иқтисодий нуфузга эга қатламларига нисбатан қўлланилган сиёсий қатағонлар - "энг юқори ижтимоий мудофаа чораси" сифатидаги отиб ўлдириш ва озодликдан маҳрум қилиш; қулоқлаштириш (деҳқонларнинг мол-мулкани экспроприация (тортиб олиш) қилиш, солиқ, кредит, ссуда сиёсатидаги айирмачилик ҳамда бошқа фуқаролик ҳуқуқларини чеклаш); сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш (сайлов, касаба уюшмалар, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида иштирок этиш ва х.з.); яшаш жойидан суд қарори билан яққа тартибда сургун қилиш, маъмурий тартибдаги оилавий сургун, бадарға қилиш; махсус (меҳнат) посёлкаларга мажбуран кўчириб жойлаштириш шаклларида амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва "қулоқларни синф сифатида тугатиш" сиёсатини амалга оширишда отиб ўлдириш ва озодликдан маҳрум қилиш каби қатағон шакллари ЎзССР Жиноят кодексига "аксилнқилобий ва идора тартибига қарши бўлган жиноятлар" учун қўлланилди<sup>10</sup>. Аксилнқилобий жиноятлар тоифасига

<sup>6</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940; Документы и материалы. В 2 кн. Кн.1 / Отв. ред. Н.Н.Покровский. М.: РОССПЕН, 2005. 22-бет.

<sup>7</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг; Документы и материалы. Т.1-III. / Сост: Р. Шамсутдинов, Б.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т.1. Тошкент: Шарқ, 2006. 323-бет.

<sup>8</sup> ЎзР МДА. Р-86-фонд, 1-руйхат, 6045-иш, 130-131-варақлар.

<sup>9</sup> Ўша жойда. 132-133-варақлар.

совет ҳокимиятини ағдариш ва уни кучсизлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик<sup>11</sup> киритилди .

Колхоз тузумига қарши бўлган ёки унга хайрихоҳлик билдирмаган деҳқонларга нисбатан қўлланилган энг оммавий қатагон "қулоқлаштириш" сиёсатида ўз ифодасини топди. Сталин ва бошқа партия раҳбарлари қишлоқдаги турли ижтимоий табақа ва гуруҳлар ўртасидаги мавжуд ғоявий-мафкуравий зиддиятларни янада авж олдирдилар. Қишлоқ камбағаллари ва бадавлат деҳқонлар ўртасига нифоқ солиб, улар ўртасидаги адоватни кучайтирдилар. Чунки, большевиклар барпо этган совет режими марксизм-ленинизм мутлақлаштирган синфий ёндашувга асосланди. Шу боис, қишлоқ камбағаллари қўллаб-қувватлангани ҳолда бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чегараланди. "Ҳолва ва қамчи" сиёсати воситасида бир-бирларига нисбатан сурункали адоват кайфияти кучайтириб борилди.

"Қулоқларни синф сифатида тугатиш" сиёсати жараёнида айрим оилалар фожиага учраган бўлса, бошқа бирлари шу фожиа ҳисобига, ўзгаларнинг бахтсизлиги эвазига мулкка, сиёсий мавқега ва имтиёзларга эга бўлди. Қулоқ хўжалиklarини аниқлашда, тақиблардан яшириниб юрган оила бошлиқларини тутишда ёрдам берганлар рағбатлантириб борилди. Топширилмай қолган пахтаси бор хўжалиklar ҳақида маълумот берганларга топилган пахта таннархининг 15% миқдориди мукофот тўланди<sup>12</sup>, республика олдидаги алоҳида хизматлари учун тайинланадиган шахсий пенсия олувчилар рўйхатига киритилди<sup>13</sup>. Қулоқлар хўжалиklари большевистик сиёсат қурбони бўлди. Компартия қарорларида "қулоққа қарши янада қатъийроқ ҳужум бошлаш"<sup>14</sup> асосий директивага айланди. Округ ижроқўмлари ҳузурда "Бой ва муштумзўрлар зулмидан жабрланган кишиларга ва

<sup>10</sup>ЎЗР МДА. Р-86 -фонд, 1-рўйхат, 6045 -иш, 108-112-варақлар; О'зСССЖ *Jinoyat qonunlari majmuyasi*. 1932 yil 1 apreliyacha bo'lgan o'zgarishlar va qo'shimchalar bilan . Toshkent. O'zdavnashr, 1932. 26-32-бетлар.

<sup>11</sup>История советского уголовного права. Герцензон А., Грингауз Ш., Дурманов Н., Исаев М., Утевский Б. Изд. 1947 г. Allpravo.ru. - 2003. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://www.allpravo.ru/library/doc101p0/instrum107/print501.html>.

<sup>12</sup>СССР Советлари МИҚнинг 1924 йил 31 октябрдаги "ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилигининг муҳим асослари"га биноан қабул қилиниб, 1926 йил 1 июлда юридик кучга кирган ЎЗССР Жиноят Кодексида жиноятлар икки тоифага; а) Совет тузуми асосларига қарши қаратилган; б) қолган бошқа жиноятларга бўлинди.

<sup>13</sup>ЎЗР МДА. Р-86 -фонд, 1-рўйхат, 6045-иш, 105-варақ.

<sup>14</sup>Ўша жойда. 7427-иш, 220-221-варақлар.

<sup>15</sup>КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т.4. 1927- 1931. Тошкент: Ўзбекистон, 1983. 53-бет.

4-son

хўжаликларга бир вақтлик қайтарилмайдиган ёрдам пуллари бериш фондлари" ташкил этилди<sup>15</sup>. Андижон округ ижроқўми 1930 йил 25 мартдаги № 59 мажбурий қарори билан барча райижроқўмлар ҳузурида шундай фондлар ташкил этди. Унинг маблағи пахта топшириш ва ғалла тайёрлаш режасини бажариш тўғрисида қишлоқ умумий мажлиси қарорларини бузганлардан ундириладиган жарима суммаларининг 25% ни ўтказиш орқали шакллантирилди<sup>16</sup>. Бу масалага жуда катта сиёсий тус берилди, қулоқларга қарши кураш фаолларининг зарар кўрган мол-мулки суғурта қилинган ёки суғурта қилинмаганидан қатъий назар тўланиши йўлга қўйилди<sup>17</sup>. Бу жараёни ўрганган хорижий тадқиқотчилар ҳам қишлоқ аҳолиси ўртасидаги гина-кудрат, ўзаро адоват ва ҳасад туйғулари большевиклар томонидан сунъий равишда кучайтирилганини таъкидлайдилар<sup>18</sup>.

Совет ҳокимияти сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш орқали колхоз тузумига қарши бўлган, сиёсий жиҳатдан фаол аҳоли қатламларини ҳуқуқий асосда чеклашга муваффақ бўлди. 1929-1936 йиллар давомида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабабларга кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг нафақат сиёсий, балки фуқаролик ҳуқуқлари ҳам чекланди. Аввало улар колхозларга қабул қилинмади, иш жойларидан бўшатилади<sup>19</sup>, касаба уюшмаларига аъзоликка қабул қилинмади. Товарлар ва озиқ-овқат карточкалари берилмади<sup>20</sup>, бирон-бир лавозимга тайинланиши<sup>21</sup>, олий ва ўрта-махсус билим юртига ўқишга киришига йўл қўйилмади<sup>22</sup>. Бу жараён 1936 йилда қабул қилинган янги СССР Конституциясидан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш чиқарилгунга қадар давом этди.

Ёппасига коллективлаштириш жараёнида суд қарори билан якка тартибда яшаш жойидан сургун қилиш жазо чораси билан бирга ғайриоддий бўлган маъмурий тартибдаги оилавий сургун, бадарға қилиш ва махсус (меҳнат) посёлкаларга мажбуран кўчириб жойлаштириш каби қатағон шакллари қўлланилди. Бу қатағон шаклининг ғайриоддийлиги шундан иборат эдики, биринчидан, қулоқ қилинган деҳқон билан бирга бегуноҳ бўлишига қарамай бутун

<sup>15</sup>Ўша архив. Р-837-фонд, 8-рўйхат, 424-иш, 13-варақ.

<sup>16</sup>ЎзР АВДА. 189-фонд, 1-рўйхат, 462-иш, 15-варақ.

<sup>17</sup>ЎзР МДА. Р-837-фонд, 8-рўйхат, 424-иш, 35-варақ.

<sup>18</sup>Ф и ц п а т р и к Ш. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. М.: 2001. 23 б.

<sup>19</sup>ЎзР АВДА. 186-фонд, 1-рўйхат, 76-иш, 516-518-варақлар.

<sup>20</sup>К р а с и л ь н и к о в С. А. На изломах социальной структуры: маргиналы в послереволюционном российском обществе (1917-конец 1930-х гг.). [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://zaimka.ru/sovet/krasiln1.shtml>

<sup>21</sup>Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. 171-бет.

<sup>22</sup>С л а в к о Т. Лицензы на материалах крестьянских судебных уральцев. Лишенных избирательных прав в 1918-1936 гг. Нижний Тагил, 2001.



4-sop

оиласи, бола-чақасидан тортиб, нуроний ота-онасигача қўшиб сургун қилинди. Иккинчидан, сургунда бўлиш муддати белгилаб қўйилмади. Бошқача қилиб айтганда, совет жиноят қонунчилигига янги, илгари ҳечам бўлмаган жазо чораси - мажбурий меҳнат билан бирга ўтадиган муддатсиз сургунни киритишни тақозо этар эди. Аммо, совет жиноят қонунчилигига ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмади.

"Қулоқлар сургунни" сиёсатини амалга ошириш меҳанизмларини ифодалаган асосий ҳужжат 1930 йил 4 февралда СССР МИҚнинг "Қулоқлар мол-мулкани мусодара қилиш, сургунга юбориш ва жойлаштириш тўғрисида"ги махфий йўриқномаси<sup>23</sup> ҳисобланади. Айнан, шу кунни совет тоталитар режими давридаги мудҳиш хатога йўл қўйилди. Жуда оғир оқибатларга олиб келган бу хато ижро ҳокимияти - ОГПУга суд ҳокимияти ваколатининг берилиши бўлди. СССР МИҚ Президиуми ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги кўрсатмаси<sup>24</sup> билан қулоқларни тугатиш кампаниясини ўтказиш даврида, ОГПУга суддан ташқари ишларни кўриш ваколатини<sup>25</sup> областлардаги ваколатли вакилликлари (ПП ОГПУ)га топшириш ҳуқуқини берувчи қарор чиқарди<sup>26</sup>. Гарчи қарорда областлардаги ПП ОГПУлар суддан ташқари ишларни оближроқўм\* ва прокуратура вакиллари иштирокида кўрилиши белгиланган бўлса ҳам, амалиётда бу органлар фаолияти назоратдан четда қолди.

1931 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистондан Украина ва Шимолий Кавказга партия ва совет ҳукумати белгилаган лимитдан ортиқ, 3500 хўжалик ўрнига 3837 хўжалик сургун қилинди<sup>27</sup>. Белгиланган лимит 337 тага ошириб бажарилган. Биргина Андижон туманидан 200 ўрнига 232 хўжалик сургун қилинган<sup>28</sup>. Шундан 3826 хўжалик Украинага ва Шимолий Кавказдаги махсус посёлкаларга етиб

<sup>23</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.1... 62-65-бет.

<sup>24</sup> Ўша жойда. 74-бет.

<sup>25</sup> СССР МИҚ Президиуми ўзининг 1927 йил 15 июндаги қарорига асосан ОГПУга оқ гвардиячилар, аксилнқилобчилар, жосуслар ва бандитларнинг ишларини суддан ташқари тартибда кўриш ваколатини берган эди. Қаранг: Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.1... 763-бет.

<sup>26</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.1... 66-бет.

\* Шу ўринда Сиёсий бюро ва МИҚ қарорларидаги сиёсий идора ва прокуратура билан бирга "учлик" таркибида ишлайдиганларга тегишли формулировкаларда номутаносиблик кўзга ташланади: Сиёсий бюро қарориди компартия обкоми вакиллари кўрсатилган бўлса, МИҚ қарориди оближроқўм вакиллари ҳақида сўз боради.

<sup>27</sup> Трагедия среднеазиатского кншлака...Т.1. 482-бет.

<sup>28</sup> Ўша жойда. 481-482-бет.

4-son

борган<sup>29</sup>.

1931 йилнинг 2 сентябридан Ўзбекистондаги 16 районда 3-гоифали бой-қулоқ хўжалиklarини ички мажбурий кўчириш бошланди. 1 октябригача 862 хўжалик янги ташкил этилган 5 та қулоқлар посёлкаси ва колхоз массивларидан ташқарига жойлаштирилган<sup>30</sup>. 1930-1931 йилларда Ўрта Осиёдан жами 6944 та "қулоқ" хўжалиги сургун қилинган, шундан 159 та хўжалик Қозоғистонга, 2213 та хўжалик Шимолий Кавказга, 3444 та хўжалик Украинага, 1128 та хўжалик эса Ўрта Осиё худудидаги меҳнат посёлкаларига мажбуран кўчириб жойлаштирилган<sup>31</sup>. Сургун қилинганларнинг фожиаси шундан иборат бўлдики, улар айрим ҳуқуқ ва эркинликлардан чекланган ҳолда расман озодликдан маҳрум қилинмаган бўлсаларда, амалда ноаниқ муддатга қатағон қилинганлар ҳолига тушдилар. Сургундан озод бўлиш жараёни 1946 йилдан бошланган бўлишга қарамай у қарийб 30 йил, 1959 йилнинг иккинчи чорагигача давом этди.

СССР ИИМнинг 1959 йил 27 мартдаги № 097 буйруғи билан махсус кўчкиндилар бўйича № 4 махсус бўлими ва унинг жойлардаги органлари тугатилиб, уларнинг ваколати тўлалигича маҳаллий ижроия кўмиталарга ўтказилди<sup>32</sup>. Шу тариқа Ўзбекистон ССРда 1930 йилларда коллективлаштириш жараёнидаги қатағонлар натижасида ташкил этилган сургун ўташ жойлари-махсус посёлкалар ва комендатуралар тизими барҳам топди.

Шу тариқа, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнида сиёсий қатағонлар объектга йўналтирилиши бўйича айрим шахс ёки бутун ижтимоий гуруҳга қаратилди. Ўзбек қишлоқларида катта нуфузга эга бўлган бой деҳқонлар, руҳонийлар ва бошқа мулкдорлар билан бир қаторда колхоз тузуми ва совет ҳокимиятининг бошқа аграр соҳадаги тадбирларига очиқ-ошқора қарши чиққан камбағал ва ўртаҳолларга нисбатан ҳам қўлланилди. Қўлланилиш хусусиятига кўра мўътадил ва шафқатсиз бўлди. Мўътадилда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмайдиган даражада маъмурий тартибда руҳий босим ўтказилди. Шафқатсизликда эса қатағон қилинувчи озодликдан маҳрум этилди ёки жисмонан йўқ қилинди. Қўлланиш миқёсига кўра яқка ва оммавий турга бўлинди. Большевиктик режим ва унинг аграр сиёсатида қарши фаол қаршилик қилаётган айрим шахслар ёки барча иштирокчилар оммавий қатағон қилинди. Айниқса, ёппасига коллективлаштиришнинг дастлабки ойларидаги оммавий норозилик ҳаракати иштирокчиларининг катта

<sup>29</sup>ЎзР ПДА. 58-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 121-варақ.

<sup>30</sup>Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.2. 120-125-бет.

<sup>31</sup>Земсков В. Н. Спецпоселенцы в СССР 1930 - 1960 гг. М.: Наука, 2003. 18-бет.

<sup>32</sup>РФ ДА. 9479-фонд, 1-рўйхат сўзбошиси.

4-son

қисмини қамраб олди. Кўзланган мақсад бўйича профилактик ва жазолаш турларига бўлинди<sup>33</sup>. Қатагон совет ҳокимиятига хавф туғдириши мумкин бўлган айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг у ёки бу ҳаракатларини олдини олиш мақсадида ўтказилди ҳамда совет ҳокимиятига қарши чиқишларни шафқатсизлик билан бостиришга ва уни жазолашга қаратилди.

Коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатагон функциялари ижтимоий табиатига кўра икки гуруҳга - бутун жамиятга ва муайян шахсга йўналтирилди. Биринчисида Совет жамиятининг маънавий ҳаёти ва эркинлигига кучли босим ўтказиш орқали қишлоқда ижтимоий қўрқув, мажбурий итоаткорлик юзага келтирилди. Меҳнатга ёки бошқа фаолиятга ноиқтисодий мажбурлов кучайди, зўравонлик меҳнатни ташкил этишнинг асосий омилига айланди. Жамиятнинг барқарорлигига хавф туғдириши мумкин бўлган ғоялар, хатти-ҳаракатлар устидан назорат ўрнатилди. Ижтимоий гуруҳлар ўртасида ўзаро адоват қўзғатилди, бир-бирига душманлик кайфияти кучайтирилди. Бу жамият ахлоқининг бузилиши, миллий, диний қадриятлар инқироzi, омманинг руҳий зўриқиши ва ижтимоий қўрқувнинг ёйилишига олиб келди.

Иккинчиси-шахсга йўналтирилган сиёсий қатагонлар қишлоқ аҳолисини большевикларнинг мавжуд сиёсий режимга мослашишга мажбур қилди. Деҳқонлар турли чеклаш ва қистовлардан, таъқибдан халос бўлиш учун большевистик сиёсий режимнинг талабларига мослашишга мажбур бўлди. Социализм ғоялари, шиорлари ва назариясига ишонч боглади. Кенг халқ оммаси онги ва тафаккурига таъсир ўтказувчи барча мавжуд усуллар, воситалар орқали марксизм-

<sup>33</sup>Қаранг: Гарипова Г.Р. Репрессия как социальное явление (Философский анализ). Автореф. дисс...канд. филос. наук. Уфа, 2003. 21-бет.

<sup>34</sup>Қаранг: К у й б и ш е в В. В. Кимки биз билан бирга бўлмаса, у бизга қаршидир. Тошкент. Ўздавнашр, 1931. 32-бет; Муштумзўр хўжаликлардаги батрак ва батрачкаларни қонун қандай ҳимоя қилади. Тошкент. Давлат меҳнат нашриёти Ўрта Осиё шубҳаси, 1930. 62-бет; Ўз ҳуқуқларини сақлаш учун батрак нималар билиши керак. Тошкент. Давлат меҳнат нашриётининг Ўрта Осиё шубҳаси, 1930. 61-бет; М о к е е в В. Батрак ҳамда камбағаллар бойларнинг эксплуатациясига қарши қандай курашуви керак. Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. 31-бет; К р и л е н к о Н. Зараркунандалик йўли билан синфий кураш. Тошкент: Ўздавнашр, 1931. 71-бет; Р о з е н т а л ь К. Зараркунандачилар қандай қилиб кризис тайёрладилар. Тошкент: Ўздавнашр, 1931. 24-бет; Л е м а н Н., Покровский С. Ўнг оғмачиликнинг мафкуравий манбалари. Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1931. 76-бет; Л и т в и н е н к о П., Р а с к и н Г., У н ж а қ о в С. Қишлоқда колхоз ҳаракати ва синфий кураш. Тошкент-Баку: Ўздавнашр, 1930. 47-бет.

4-son

ленинизм ғоялари сингдириб борилди. Расмий коммунистик мафкура ақлий фаолият ва ижод эркинлигини чеклаган ҳолда информацион вакуум ҳосил қилди. Турли ижтимоий гуруҳлар яқдиллиги ва оломон ҳамфикрлилигини қарор топтириш амалиёти қўлланилди.

Мафкуравий босим ўтказиш мақсадида жамиятда сунъий тарзда "муштумзўр", "халқ душмани", "зараркунанда" образлари шаклантирилди<sup>34</sup>. Сиёсий қатағон объекти бўлган бой деҳқонлар, мулкдорлар, ишбилармон ва тадбиркор ҳамда бошқаларга нисбатан салбий муносабат, уларга зарар етказишга интилиш кайфияти юзага келди. Бу йилларда "бизникилар - ёт унсурлар" атамаларининг кенг кўламда қўлланилиши шахсий муносабатлардаги зиддиятларни кучайтиришнинг ёрқин ифодаси бўлди. "Бизникилар" деб ҳисобланган большевиклар томонидан "ёт унсур"га нисбатан қўлланилган зўравонликларни, адолатли чора сифатида асослашга хизмат қилди.

Хуллас, Совет давлати ва большевиклар қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва бошқа аграр тадбирлардан кўзланган мақсадларига эришишнинг энг осон ва шафқатсиз усули сифатида қатағон сиёсатидан фойдаландилар. Синфий кураш ғояси билан қуролланган большевиклар маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари ҳамда камбағал-батрақларнинг фаоллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдилар. Қулоқлардан тортиб олинган мол-мулкнинг бир қисми камбағалларга ва колхозларнинг бўлинмас фондига бериш орқали, уларнинг бу сиёсатдан манфаатдорлиги таъминланди. Большевиклар қулоқларни турли чеклов ва таъқиблар билан "қамчилаган"лари ҳолда, колхозлар ва камбағалларга турли имтиёзлар орқали "ҳолва улашиш" сиёсатини қўладилар.

Совет суди ва суд функциясига эга бўлган "учлик"лар, ОГПУ, НКВД органлари, маҳаллий ижроия қўмиталари ва турли ижтимоий институтлар қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий, иқтисодий ва мафкуравий босим ўтказиш қуролига айлантилди. Коллективлаштириш жараёнидаги қатағонлар айрим ижтимоий гуруҳлар ва мансабдор шахслар фаолиятида муаммоларни зўравонлик йўллари билан ҳал қилиш тажрибасини мустаҳкамлади.

*Б. Расулов*

**Виды репрессий в процессе коллективизации 20-30х годов  
XX века в Узбекистане и их идеологически - правовое обоснование**

Статья посвящена вопросам политики репрессий большевиков в процессе сплошной коллективизации узбекских кишлаков в 20-30е годы XX века. Виды репрессий, имевших место в процессе

4-son

коллективизации в Узбекистане, и их идеологически - правовое обоснование, раскрыты на основе архивных документов и материалов. Констатируется, что основным фактором, определяющим размах и масштабы репрессий, являются большевики и Советская власть.

*B. Rasulov*

### **Types of repression during the collectivization of the 20-30s of the XXth century in Uzbekistan and ideologically - legal justification**

Article is devoted to Bolshevik policy of repression during the mass collectivization of Uzbek kishlaks in the 20-30th years of the 20th century. Types of repression that occurred during collectivization in Uzbekistan, and ideologically - the legal basis is disclosed on the basis of archival documents and materials. It is noted that the main factor determining the scope and extent of repression, are the Bolsheviks and the Soviet government.

*C. Давлатова*

### **СОВЕТ ДАВРИ ИЖТИМОЙ ИСЛОХАТЛАР ШАРОИТИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК**

Ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзида ўзига хос мавқега эга бўлган ҳунарларнинг тарихий асосларини тадқиқ қилиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Қолаверса, ҳар бир халқнинг ҳўжалик йўналишидаги этник хусусиятлари айнан халқ ҳунармандчилигида яққол намоён бўлади. Халқ анъанавий ҳунармандчилиги кишилик жамиятининг тарихи, маданияти ва ҳўжалигининг ажралмас бир бўлаги сифатида ўзининг қадимий тарихига эгадир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари ҳунармандчилик тарихида оғир давр сифатида таърифланади.

Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейинги фуқаролар уруши бутун халқ ҳўжалигига, жумладан ҳунармандчиликнинг ривожига ҳам қаттиқ зарба берди. Туркистон ўлкасининг Россия империяси билан мавжуд савдо-иқтисодий алоқалари узилиб қолди. Натижада, Ўрта Осиё давлатларига Россия империясининг маълум ҳудудларидан маҳсулотлар олиб келиш ва минтақадан турли хом-ашё олиб чиқиш кетиш тизимлари издан чиқди. Ўз навбатида, ички савдо алоқалари ҳам мазкур жараёнлардан зарар кўрди, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли

4-son

Ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш тизими бузилди. Бироқ, юзага келган ушбу вазиятнинг ўзига хослиги мавжуд эди. Уруш ва вайронагарчилик натижасида йирик саноатнинг инқирозга юз тутиши ва саноат моллари тақчиллигининг вужудга келиши, қолаверса, кустар (хонаки) ишлаб чиқаришни қайта тикланишига ва ривожланишига ҳам сабаб бўлди<sup>1</sup>. Масалан, Тошкентда ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш тизими ниҳоятда кенг ва турлича бўлиб, 1912 йилга оид манбаларга кўра 32турдаги устахоналар борлиги қайд этилади. Бу устахоналар пойабзал, баққоллик, мискарлик, темирчилик, чўян куйиш, чарм маҳсулотлари, заргарлик, ёғочсозлик, тунукачилик, гиламдўзлик, шойи ва бошқа матолар тўқиш, эгар-жабдук, сандиқ, қандолатчилик, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, умумий ҳисобда жами 500дан ортиқ бўлган<sup>2</sup>.

1913 йилда Туркистон ҳудудида кустар ҳунармандчилик соҳаларида банд бўлган усталарнинг сони(ҳисобга олингани) 100 минг кишидан иборат бўлса, фабрика ва заводлар ишчиларининг сони тахминан 18 минг кишини ташкил этган<sup>3</sup>. Бу йилларда шунингдек, ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари ҳам қисқариб борди. Тўқувчилик ва сопол буюмларни яшаш каби ҳаётий зарур соҳалар ўз ўрнини сақлаб қолган бўлса ҳам, бироқ маҳсулотларнинг сифати талаб даражасидан анча паст ҳолатга тушиб қолган эди. Зардўзлик ва бошқа қатор амалий безак санъати билан боғлиқ ҳунарлар қисқариб кетди. Кўплаб усталар ўз йўналиш ва соҳасини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Жумладан, бу даврда ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, кулолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик, кўнчилик, гиламдўзлик, каштачилик ва бошқа майда соҳалари ривож топган эди.

Туркистон ўлкасининг халқ хўжалиги Биринчи жаҳон уруши ва октябр тўнтаришидан кейин умумий вайронагарчилик ва қаҳатчиликни бошидан кечираётган эди. Большевиклар режимининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга, шу билан бирга иқтисодий усуллар билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсати очарчилик ва вайронгарчиликни янада чуқурлаштирди<sup>4</sup>. Шунингдек,

<sup>1</sup>М у р а в ь е в П. Организация народного хозяйства и кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана, 1920. №4. 6-бет.

<sup>2</sup>Д о б р о м ы с л о в А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. 410-бет.

<sup>3</sup>П а л е н К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему повелению сенатором -гофмейстером графом К. К. Паленом. Ч.2, СПб., 1909-1910 гг. 172-бет.

4-son

саноат ишлаб чиқаришни кескин камайиб кетиши ва Россиядан саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тобора қисқариб бориши натижасида, қимматчилик тўхтовсиз ортиб борди. Совет ҳукумати саноатнинг бутун-бутун тармоқларини национализация қилишга ўтди. 1918 йилнинг биринчи ярмига қадар ўлкамиз саноати 330дан ортиқ саноат корхонаси давлат мулки қилиб ўтказилди<sup>5</sup>.

Октябрь тўнтаришидан кейин зўравонлик билан советлаштириш ва ғайри миллий социалистик давлатчиликни қарор топтириш ленинча стратегияси фаоллик билан ҳаётга тадбиқ этила бошланди<sup>6</sup>. У Ўзбекистонда ҳам яққол қўлланила бошланди. Большевиклар ҳокимияти ўлка халқларининг ўзига хос миллий ривожланиши мумкинлигини сўздагина эълон қилиб, барча усуллар билан бу жараёнларга тўсқинлик қилди.

1918 йилда Туркистон АССР ХКК (Халқ комиссарлари кенгаши) қошида Кустар ҳунармандчилик бўлими ташкил этилади. Мазкур бўлимнинг вазифаларига: кустар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришни тадқиқ этиш, статистик-иқтисодий маълумотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқув курсларини очиш, мактаблар ташкил этиш, ўқув устахоналари яратиш, артеллар ташкил этиш, кустар ҳунармандчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва маҳсулотларни сотишда кўмак бериш каби масалалар кирган<sup>7</sup>. 1918 - 1920 йилларда ушбу бўлим қошида Тошкент шаҳрида минтақавий кустар ҳунармандчилик ташкилоти тузилади. Бу ташкилот бутун бир комплекс кўринишида бўлиб, ўз ичига ўқув-тажрибавий устахона ва кустар ҳунармандчилик буюмларидан ташкил топган музейни олган. Устахонада сополчилик, ипакчилик, гиламдўзлик, чармдўзлик ва мебель яшаш бўйича инструкторлар тайёрлаш ишлари олиб борилган<sup>8</sup>. Кустар ишлаб чиқариш масаласи бутун давлат миқёсида 1919 йилнинг 25 апрелида ўтган партиянинг VIII съезди диққат марказида турган. Съездда " Кустар ишлаб чиқаришга кўмак бериш чоралари тўғрисида"ги декрет қабул қилинади<sup>9</sup>. Мазкур ҳужжатда кустар ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилиши билан биргаликда, ҳунармандчилик турларини сақлаб қолишга қаратилган амалий чоралар дастури ўз аксини топган эди. Жумладан, кустар

<sup>4</sup>Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб // Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000, 102-бет.

<sup>5</sup>История народного хозяйства Узбекистана. Тошкент, 1962, Т.1. 30-бет; Яна қаранг: ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 375-йиғма жилд, 33-варақ.

<sup>6</sup>Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2000. 48-бет.

<sup>7</sup>ЎзР МДА. Ф.И-1, 2-бўлим, 6-рўйхат, 534-иш, 7-варақ.

<sup>8</sup>Ўша жойда.

<sup>9</sup>ЎзР МДА. Фонд 398, 1-рўйхат, 4-иш, 45-варақ

4-son

хунармандчилик соҳалари усталарини ўзаро бирлаштириш йўли орқали сақлаб қолиш мумкинлиги гоёси 1919 йилда ишлаб чиқилган эди, натижада айнан шу йилдан бошлаб, Туркистонда дастлабки артеллар тузила бошланди.

Туркистон раҳбарлари ўлкадаги саноат ишлаб чиқариш жилловини тезроқ қўлларига олишга интилиб, фабрика- заводлар билан бир қаторда кўпгина хунармандчилик ва ярим хунармандчилик типидagi корхоналарни ҳам умумийлаштирилди, буни хўжалик заруратдан эмас, балки бугун саноат ишлаб чиқаришни жадал умумлаштириб, марказий ҳукуматга ҳисобот бериш ва "социализм"га тез суръатлар билан ўтишга интилиш деб баҳолашни тақозо этади.

Ўрта Осиё шароитида хунармандчиликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган кулолчилик оғир йилларда ҳам йўқолиб кетмади, аксинча, кулолчилик маҳсулотларига нисбатан маҳаллий аҳоли эҳтиёжини ортиши бу соҳани кенгайтиришга сабаб бўлди. Кейинчалик, чинни ва фаянсдан ясалган маҳсулотларни олиб келиш қайта тиклангандан сўнг, кулолчилик маҳсулотларининг аҳоли маиший хўжалигида мавқеи пасая бошлади.

XX асрнинг 20-30-йилларида миллий кулолчиликни қайта тиклашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширила бошлади. Жумладан, барча кулолчилик марказларида артеллар тузилиб, турли хил ўқув курслари ташкил этила бошланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли миллий кулолчиликнинг сир-саноатлари ва технологиясининг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолишга эришилди.

XX асрнинг 20-йилларида маҳаллий саноатни ривожлантиришда тамал тошлари қўйилган давр сифатида намоён бўлди. Мазкур даврда Россиянинг баъзи бир ҳудудларидан ишлаб чиқаришни хом-ашё базасига яқинроқ жойлаштириш мақсадида, Туркистон ўлкасига саноат ускуналарини олиб келиб ўрнатилди. РСФСРдан ипак йиғириш ва ипак мато тўқиш фабрикалари кўчириб келиниб, Фарғона ва Марғилон шаҳарларига жойлаштирилди. 1921 йилнинг сентябрида Фарғона ипак йиғирув фабрикаси ишга туширилди<sup>10</sup>. Ушбу ҳодисанинг аҳамиятини тўлиқ тушуниш учун, мустамлака даври мобайнида, империя маъмурияти томонидан ўлкада биронта ҳам тикув-йиғирув фабрикаси қурилмаганлигини келтириш мумкин. Яъни, совет ҳокимияти томонидан ўлкага ишлаб чиқариш ускуналарини олиб кирилиши ўша давр учун ўта аҳамиятли воқеа ҳисобланган.

1925 йилда ўлкадаги артеллар устидан бошқарувни амалга ошириш мақсадида Ўзсаноатбирлашмаси(Ўзпромсоюз) ташкил этилади. Бу ташкилот артелларнинг ишлаб чиқариш жараёнини жиҳозлаш, хом-ашё билан таъминлаш ва маҳсулотларни сотиш ишларини ташкил қилиш билан шуғулланди. Мазкур ташкилотнинг самарали фаолияти

<sup>10</sup>История Узбекской ССР. Ташкент, 1957. Т. 2. 126-бет.



4-son

натижасида кўплаб хунармандчилик артеллари ўз иш фаолиятини сақлаб қолишга эришди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида хунармандчилик артелларини интенсив равишда ташкил этилиши билан характерланади. 20-йилларнинг ўрталари ва 30-йиллар давомида ипакчилик, каштадўзлик, зардўзлик, мисгарлик каби хунарлар қайта тикланади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, совет даврида тортиб олинган тарихий маданий-моддий ва санъат ёдгорликларидан иборат хунармандчилик маҳсулотлари мусодара қилинди ва марказий музейларга жўнатилди. Жумладан, 1924-1934 йиллар давомида Бухоро музейидан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каштачилигининг ироқи услубидаги 20дан ортиқ чойшаблар, палаклар, гулкўрпалар, сандалпўш, болишпўшлар, такялар; 514 хилдаги ноёб шойи ва ярим шойи газламалар ўзбек хунарманд усталари тўқиган хонатлас, духоба, адраслар тўпи билан; 618га яқин кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, кандакорлик буюмлари ва бошқа нодир хунармандчилик маҳсулотлари олиб кетилган ва ҳозирга қадар Москва, Петербург музейларида сақланмоқда<sup>11</sup>.

Анъанавий хунармандчиликнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланган зардўзлик нисбатан кечроқ, яъни 20-йилларнинг охирига келиб қайта тикланди. Ушбу соҳа XIX асрнинг охирларида асосан тор доираларнинг талабини қондиришга хизмат қилган бўлса, қайта тиклангандан сўнг кенг оммага мўлжалланган шакллари пайдо бўла бошлади. 1930 йилда зардўзликнинг маркази ҳисобланган Бухоро шаҳрида зардўзлик артели ташкил этилади.

Гидамдўзлик ҳам 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, минтақанинг турли нуқталарида қайта тикланади. Халқ хунармандчилигининг мазкур соҳасини кейинги тараққиётини белгилаб бериш мақсадида, 20-йилларнинг охирида Андижоннинг Ойим қишлоғида тукли (ворсовый)гилам тўқиш, Қашқадарёнинг Қамаш қишлоғида туксиз гилам тўқиш артеллари ташкил этилади. Ушбу артелларда тукли ва туксиз гиламлар тўқилган<sup>12</sup>. Мазкур гиламларни тўқиш технологиясини фақат катта ёшдаги аёллар билган. Ўлка ҳудудида тукли гилам тўқиш анъаналарини бузилишида совет давлатининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати натижасида аёлларнинг колхозга тортилиши бу соҳани аста-секин унутилишига олиб келди. Қолаверса, айнан ушбу сиёсат натижасида алоҳида йирик ва мураккаб гилам маҳсулотлар тўқишнинг хом ашё

<sup>11</sup>Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. (1865-1990 йиллар). Тошкент: Шарқ, 2000. 366-бет.

<sup>12</sup>М о ш к о в а В. Г. Ковроделие // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. Москва, 1955. 70-бет.

4-son

базаси ҳисобланган кўй жуни танқис бўлиб қолди. Хом ашёнинг кескин камайиши натижасида, қишлоқ ҳудудларида кўп меҳнат ва жун талаб қилмайдиган шолчалардан шахсий эҳтиёж ва савдо учун кенг миқёсда фойдаланила бошланди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида гиламларда маълум бир сюжет ва портретни акс эттиришга уринишлар амалга оширилади ва гиламдўз усталарга кавказ гиламларининг мотивлари асосида таълим берила бошланади. Бу саъй-ҳаракатлар 1941 йилга келибгина ўз самарасини беради, яъни, айнан шу йилда дастлабки портретли гилам тўқилади<sup>13</sup>. Ушбу ҳолат бир томондан минтақа гиламдўзлигида маълум бир маънода олға силжишни белгилаган бўлса, бошқа томондан миллий хусусиятга бўлган эътиборни сусайишига олиб келган.

1927 йилда Самарқандда, 1928 йилда Бухоро ва Марғилонда ипак мато ишлаб чиқариш саноат корхоналари ишга туширилади. 1934 йилда Тошкент текстил комбинати ва Самарқанд ипак мато тўқиш фабрикалари ишга туширилади<sup>14</sup>. Самарқанддаги фабрика Ўзбекистонда кустар ишлаб чиқаришдан йирик ишлаб чиқаришга ўтишдаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилди. Кустар ишлаб чиқариш корхоналари шу давргача аҳолининг шойи ва атласга бўлган талабини қондириб келмоқда эди. Текстил саноатининг ривожланиши билан аҳоли томонидан кўлда тўқилган ип (х/б) матоларга бўлган талаб кескин камайди. 1940 йилга келиб мамлакатимизда сатин, чит, шифон, кашмир ва бошқа сунъий матоларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди<sup>15</sup>. 1940 йилда Республикамиз ип-газламалар ишлаб чиқиш бўйича иттифокда иккинчи ўринга кўтарилди.

Хунармандчиликнинг этикдўзлик тури билан Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида асосан шаҳар аҳолиси машғул бўлган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, XX асрнинг биринчи чорагида Зарафшон ва Хоразм вилоятларида ушбу соҳа билан 61,9% қишлоқ аҳолиси шуғулланишган. Зарафшон вилоятида этикдўзлик билан шуғулланувчи аҳолининг 72,3% қишлоқ аҳолисини ташкил этган<sup>16</sup>. Бу соҳа билан шуғулланувчи хунармандларнинг устахоналари турли маҳаллаларда жойлашган бўлиб, бозорга яқин ёки узоқлигининг аҳамияти йўқ эди, чунки тайёр маҳсулот бозор кунлари бозорларда сотилар эди. Бу ҳолат, айниқса, Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарига тегишли бўлиб, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига эса қисман тегишлидир.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Совет давлати саноати учун оғир

<sup>13</sup>Кўрсатилган асар... 46-бет.

<sup>14</sup>Ф а х р е т д и н о в а Д. А. Декоративно - прикладное искусство Узбекистана. Ташкент, 1972. 66-бет.

<sup>15</sup>Ўша жойда.

<sup>16</sup>ЎзР МДА. 837-фонд, 16-рўйхат, 27-иш, 155-варақ

4-son

синов йиллари бўлди. Кўплаб саноат корхоналарини фронтга яқин жойдан мамлакатнинг ички ҳудудларига кўчиришга тўғри келди. Уруш йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган кўплаб корхоналар қатори Ижевск ипакчилик фабрикаси, кўплаб заргарлик устахоналари ҳам бор эди. Оғир шароитларга қарамасдан, ҳукумат томонидан амалий ҳунармандчилик соҳаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди<sup>17</sup>. Турли хил ўқув комбинатларида маҳаллий усталарни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Уруш йилларида маҳсулотлари аҳоли учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган тўқувчилик ва кулолчилик каби ҳунармандчилик соҳаларига катта эътибор қаратилди. Бир неча бор кулол ва тўқувчи усталарни тайёрлаш мақсадида Тошкент, Риштон, Шаҳрисабз, Марғилон ва бошқа қатор шаҳарларда махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Фабрика газламаларининг аҳоли орасида оммавий тарқалишида трикотаж маҳсулотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикада XX асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб трикотаж саноати шакллана бошлаган. Жумладан, бу даврда Кўқон, Андижон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида трикотаж фабрикалари ишга туширилди ва мазкур фабрикаларда эркаклар, аёллар ва болаларнинг турли-туман устки ва ички кийимларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди<sup>18</sup>.

Урушдан кейинги йилларда саноатнинг кўплаб соҳалари тиклана бошланди. Шу ўринда кўплаб ҳунармандчилик артеллари ишларини ривожлантириш ва хом ашё билан таъминлаш яхши йўлга қўйилади. Маҳсулотларнинг турлари ҳам кенгаяди. 1949 йилда Марғилон шаҳрида ипак матолари тўқиш фабрикаси ишга туширилади. 1953 йилда эса Тошкент шаҳрида Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган чинни заводи ишга туширилди. Ушбу корхона фаолиятига кўплаб кулолчилик артелларининг маҳоратли усталари жалб этилди.

Совет давлатининг аёлларни ҳам меҳнатга жалб этиш сиёсати натижасида, кўп йиллар давомида ўзбек аёллари томонидан уй шароитида тикилган кашта, сўзана, гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш кескин қисқариб кетди. Айниқса, гиламдўзлик соҳасида коллективлаштириш сиёсати натижасида аҳолининг хусусий чорва сонининг қисқариши ва бунинг оқибатида хом ашё базасининг кескин равишда қисқариши ушбу соҳага сезиларли равишда салбий таъсир ўтказиб, гилам ва турли хил кашталар тикиш технологиясининг узвийлиги, давомийлигига путур етди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейинги давр миллий

<sup>17</sup>Фахретдинова Д. А. Декоративно - прикладное искусство ... 89-бет.

<sup>18</sup>Олимбоев Э., Давидов Ш. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси. Тошкент, 2002. 26-бет.

4-son

хунармандчиликнинг гиламдўзлик соҳасида эски технологияларнинг қайта тикланиш ва гиламларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ишлаб чиқаришни янгидан қайта ташкил этиш даври бўлди. Гиламдўзлик цехлари 1946 йилда Самарқанд ва Китоб; 1947 йилда Хива, Андижон ва Термиз; 1949 йилда Шаҳрисабз ва 1954 йилда Хўжайли шаҳарларидаги артелларда ташкил этилди<sup>19</sup>. Ушбу артелларда туркменистонлик махсус моҳир усталар таълим берганлар. Натижада бу даврда тўқилган гиламларда туркман гиламчилик анъаналари кенг миқёсда акс этганлигини кузатиш мумкин. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, аксарият хонадонларда мебелларнинг пайдо бўлиши, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси хонадонлари деворлардаги гилам, сўзана ва палакларни аста-секинлик билан ўз ўрнини мебелларга бўшатиб бера бошлади. Бу ҳолат ўз навбатида мазкур маҳсулотларга нисбатан бўлган эҳтиёжнинг кескин тарзда камайишига олиб келди.

Шунингдек, бу йилларда анъанавий бўлмаган санъатнинг ривожланиши, анъаналарнинг чекиниши ва санъатга янгиликнинг кириб келиши хунармандчилик маҳсулотларининг амалий безак санъати даражасига айланиши кузатилса, ўз ўрнида анъанавий бўлмаган бадиий хунармандчилик турининг ривожланишига олиб келади.

1960 йилда Ўзбекистон бўйича оммавий тарзда миллий хунармандчиликнинг турли соҳалари артеллари асосида ишлаб чиқарувчи корхона ва фабрикалар ташкил қилиш тадбирлари амалга оширилди<sup>20</sup>. Бунга сабаб, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши халқаро барқарорлик мустақамланиб, СССРнинг эркин дунё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши эди<sup>21</sup>. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатди. Шу боис, Марғилонда "Атлас" корхонаси, Наманган ва Қўқонда ипакчилик фабрикалари, Шаҳрисабзда "Хужум" фабрикаси, Бухорода зардўзлик фабрикаси, Хивада гиламдўзлик фабрикаси, Тошкентда заргарлик фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналар ишга туширилади. 1970 йилда Самарқанд шаҳрида чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрика ҳам очилади. Албатта, мазкур корхоналар ўз-ўзидан қисқа муддат ичида ташкил топишида уларга анъанавий хунармандчилик асослари хизмат қилди. Қолаверса, корхоналарда маҳаллий хунарманд усталар фаолият олиб бордилар. Саноат ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан аҳолини қўшимча тарзда маҳаллий хунармандлар томонидан яқка тартибда ишлаб чиқилган маҳсулотлар билан

<sup>19</sup>Мошкова В. Г. Ковроделие... 65-бет.

<sup>20</sup>Фахретдинова Д. А. Кўрсатилган асар. 92-бет.

<sup>21</sup>Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-жилд. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 601-бет.

таъминлашга эҳтиёж камайиб борди, натижада миллий хунармандчиликда фақат юксак бадий маҳоратли буюмларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Аммо, бу йўналишда ҳам хунармандчилик буюмлари саноат маҳсулотлари билан рақобатлашишига тўғри келди. Маҳаллий хунармандлар ушбу рақобатга бардош бериш мақсадида ўз буюмларининг нархини пасайтиришга мажбур бўлдilar. Натижада, хунармандлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг сифати ва амалий безак нуқтаи назаридан бирмунча ёмонлашди. Ушбу давр хунармандчилик буюмларида содаллашиш тенденциялари кўзга ташланади. Республиканинг қишлоқ ҳудудларида хунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёж доимо юқориликча қолган, мазкур ҳолат анъанавий хунармандчилик соҳаларини бир текисда ривожланишига замин яратган. Қолаверса, 70-йилларда анъаналарнинг чекиниши ва амалий безак санъатига янгилик киритиш масаласи долзарб муаммога айланади.

1980-90-йилларга келиб, Республикадаги мавжуд қатор трикотаж корхоналари янги ускуналар билан жиҳозланди ва янгилари қурилди. Айнан шу йилларда Республикадаги энг тўнғич "Малика" бирлашмаси, Бухоро, Самарқанд трикотаж фабрикалари, Қўқон пайпоқ -тўқув комбинати тубдан реконструкция қилинган. Шунингдек, Жиззах ва Қорасув пайпоқ фабрикалари ишга туширилди. 1985 йили Хўжаобод, 1986 йил Шаҳрихон, 1986 йил Чортоқ трикотаж-тикувчилик фабрикалари фойдаланишга топширилди<sup>22</sup>. 1988 йил Марғилон шаҳридаги аврли газламалар "Атлас" ишлаб чиқариш бирлашмасида Москва, Тошкент, Иванова шаҳарлари илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйди. Бирлашма маҳсулотлари АҚШ, Ҳиндистон, Польша, ГДРда ўтказилаётган ярмаркаларда иштирок этган. Ўзбекистонда анъанавий қадриятлар тизимининг қайта тикланиши билан боғлиқ жараёнлар бадий-маданий ҳаётни жонлантириб, миллий матоларга ва либосларга бўлган эътиборни кескин оширди. Бу эса шубҳасиз, халқ миллий хунармандчилиги ижтимоий мақомининг юксалишига олиб келди.

Умуман олганда, Совет даврида анъанавий хунармандчиликда кескин ўзгаришлар даври бўлиб, хунармандчилик айрим турларининг камайиб, йўқ бўлиб кетиши ва янги турларини ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Қолаверса, Ўзбекистон ўзининг кўп тармоқли иқтисодий салоҳиятли, малакали кадрлари билан СССРнинг ЎИЁК мамлакатлари билан ишлаб чиқариш алоқалари тизимида нуфузли ўринлардан бирини эгаллаган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. Тошкент, 2006. 320-321-бетлар.

4-son  
 хунармандчилик ривожда янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қоидалари замирида қайта тикланди. Ўзбекистонда маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари хунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги хунармандчилик корхоналари ташкил этилди. Хунармандчилик фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади, унинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди.

Республика халқ амалий санъати ва хунармандлари усталарининг "Усто" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиши, ҳамда Ўзбекистон Президентининг "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони<sup>23</sup> ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда хунармандчиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

*С. Давлатова*

#### **Традиционные ремесла в условиях социальных реформ в советский период**

В данной статье на основе архивных материалов автором исследуется в развитие традиционных ремесла в условиях реформы общественной собственности в советский период (1997-1991). В частности, рассматривается деятельность кустарных производств и экономических отношений в сфере ремесленного производства.

*S. Davlatova*

#### **Traditional handicraft under conditions of social reforms during soviet period**

In this article on the basis of archival materials author analyzed the development of national handicraft of Uzbeks during social reforms, which took part in Soviet period (1917-1991). Particular, activity of little private production and economic relationships in sphere workmanship well researched.

<sup>23</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатининг янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" // Халқ сўзи. 1997, 1 апрел.

*Г. Ганиева*

## ГЕНДЕРНАЯ СТРАТИФИКАЦИЯ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Гендерное равенство в образовании - это одно из важнейших условий реализации прав человека. Образование является не только личным благом каждого человека, но и неперенным условием общественного развития.

Система образования в Республике Узбекистан, финансируемая главным образом государством, не делает различия между мужчинами и женщинами, так как равноправие полов гарантировано Конституцией РУз (статья 41)<sup>1</sup>.

Основными принципами государственной политики в области образования на современном этапе являются:

- гуманистический, демократичный характер обучения и воспитания;
- непрерывность и преемственность образования;
- обязательность общего среднего и доступность среднего специального, профессионального и высшего образования;
- общедоступность образования в пределах государственных образовательных стандартов;
- поощрение образованности и таланта.

Узбекистан по основным показателям уровня образования находится в числе ведущих государств мира и, несмотря на все сложности переходного периода, стране удалось не только сохранить достижения в этой области, но и создать качественно новые условия для развития образования, соответствующие рыночным реформам.

В республике разработан и принят закон "Об образовании" (1997) и Национальная программа по подготовке кадров, которые предусматривают равные права женщин и мужчин на выбор профессии и получение образования в любом учебном заведении.

Необходимо учесть и то, что гендерный вопрос и гендерные отношения стали важным звеном концепции развития человечества в мировом масштабе, и данную проблему в Узбекистане следует рассматривать как органическую часть общемировой проблемы гендерного равенства. В мировом содружестве на протяжении прошедшего периода были заключены соответствующие конвенции, международные договора и соглашения, в том числе Пекинская Декларация принята в 1995 году<sup>2</sup>. Узбекистан в числе одной из первых

<sup>1</sup>Конституция Республики Узбекистан . Ташкент: Узбекистан, 2003. С.40.

4-sop

стран Центральной Азии предпринял шаги по предоставлению женщинам равных прав с мужчинами и ратифицировал Конвенцию о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (CEDAW), и многие ее положения были включены в национальное законодательство<sup>3</sup>, что свидетельствует о значимости гендерного вопроса и гендерного равноправия, и о необходимости серьезного изучения и разработки, конкретных мер для его решения.

Весьма полезным было издание в Узбекистане и нормативных документов по международному праву<sup>4</sup> и законодательных актов, направленных на гендерное равноправие и обеспечения правовых гарантий женщин в области социально-экономической жизни, охраны материнства и детства.

Комитет ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин на 907-м и 908-м заседаниях 20 января 2010 года рассмотрел четвертый доклад Узбекистана (CEDAW/C/UZB/4)<sup>5</sup>, в котором особо было отмечено, что законопроект Республики Узбекистан "О гарантиях равных прав и возможностей женщин и мужчин" разработанный в 2008 году, является позитивным шагом в достижении гендерного равенства.

Гендерные аспекты развития жизни общества являются одним из наиболее важных и актуальных вопросов во всей истории развития социума с древнейших времён и до наших дней. В Узбекистане данная проблема, получила новые подходы, однако, ещё не все её аспекты разработаны. Являясь, одной из важнейших тем всего комплекса социально-гуманитарных наук, гендерная проблематика включает в себя разработку, социальных моделей участия женщин и мужчин в развитии общества, определяя их положение и роль в институтах семьи, политической структуре, экономике, культуре и образовании, и др.

Гендерная система - это социально сконструированная система

<sup>2</sup>Национальный доклад Республики Узбекистан об исполнении положений Конвенции "О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин" / Национальный центр республики Узбекистан по правам человека. Ташкент, 1999. С.119. Национальная платформа по улучшению положения женщин в Узбекистане и повышению их роли в обществе / "Гендер и развитие", ПРООН, Комитет женщин Узбекистана. Ташкент, 1999. С.106.

<sup>3</sup>Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1999.

<sup>4</sup>Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, принятая Генеральной Ассамблеей ООН 18 декабря 1979 года. Ташкент.: Бюро "Гендер и развитие", 1998. С.18; Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Ташкент: Адолат, 2002. С.270; Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси. Ташкент, 2004. С.656.

<sup>5</sup>Четвертый периодический доклад CEDAW/C/UZB/4, ООН. 2010.



неравенства по полу, являющаяся одним из способов стратификации (расслоение общества, в основе которого лежит неравенство по признаку пола) общества, который в сочетании с такими социально-демографическими факторами, как раса, национальность, класс, возраст организует систему социальной иерархии.

Категория гендера, так же как концепции класса, расы и этничества, является аналитическим инструментом для понимания социально-общественных процессов. В этой связи гендерное образование приобретает особое значение в трансформации общественного сознания, поскольку в сфере образования гендерный баланс должен присутствовать при планировании, реализации и оценке любых программ, видов деятельности, и проектов развития.

Исследований по женскому вопросу во второй половине XX века в Узбекистане, в историческом, философском, педагогическом<sup>6</sup> аспектах было проведено очень мало. Но, к сожалению, почти во всех работах положение женщин рассматривается в отрыве от гендера, то есть без сравнительного анализа данных по мужчинам и женщинам в контексте общих проблем.

Положение начало меняется к середине 1990 - х годов, после принятия в Узбекистане 1995 году Пекинской Декларации и ратификации Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (CEDAW). Произошли реальные изменения в концепции решения женского вопроса в республиках Центральной

<sup>6</sup>А м и н о в а Р. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1975; А л и м о в а Д. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941гг). Ташкент: Фан, 1987; Она же. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы. Ташкент: Фан, 1991; И б р а г и м в а З. Коммунисты Узбекистана - организаторы патриотических подвигов женщин республики в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. Москва, 1953; С у л а й-м о н о в а Х. Женщина Узбекистана - активный участник коммунистического строительства. Ташкент. АН Уз ССР, 1955; У б а й-д у л л а е в а Р. Женский труд в сельском хозяйстве Узбекистана. Ташкент. Фан, 1969; А б б а с о в а Л., Р а х и м б а б а е в а Т. Участие женщин в культурном строительстве Узбекистана в годы войны // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1975. №5. С.61-63; Политико-массовая работа науки в Узбекистане. Ташкент, 1975. №5. С.46; Б е г м а т о в а С. Деятельность компартии Узбекистана по подготовке женских кадров в период строительства социализма. Ташкент: Фан, 1977; М а д р а х и м о в а Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. Тошкент: Фан, 1981; И б р а г и м о в а А. Женщины Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Ташкент; 1987.

4-son

Азии и в частности Узбекистане. В научном направлении в этой сфере также произошли качественные сдвиги.

Д.А. Алимовой были опубликованы ряд аналитических работ посвященных гендерным проблемам<sup>7</sup>. В социально - философском плане была написана докторская диссертация Н.М. Муравьевой<sup>8</sup>, в которых были рассмотрены ряд вопросов касающихся гендерной культуры и семейных отношений.

В области правоведения была представлена докторская диссертация Г.А. Маткаримовой<sup>9</sup>, в которой впервые были комплексно изучены вопросы гендерного равенства, национальный, международный и правовой опыт.

Надо особо отметить работы директора Ташкентского центра гендерных исследований Д.А. Алимджановой<sup>10</sup>, которая провела ряд исследовательских работ посвященных гендерной чувствительности, а также уместно отметить работы зарубежных исследователей<sup>11</sup>, где анализируются гендерные вопросы.

Гендерные исследования в настоящее время являются чрезвычайно актуальными не только научными выводами, но и практической значимостью, так как позволяют выявить неравенство между женщинами и мужчинами в определенных сферах. Это касается и сферы образования, аналитическое исследование которой имеет большое значение для правильной оценки реального положения женщин и мужчин в различных его областях, приоритетов профессионального выбора карьеры и др.

Гендерная стратификация в системе образования подразумевает анализ следующих сторон и процессов в современном образовании:

- феминизация образования (значительное преобладание женщин на таких уровнях системы, как детские сады и школы) и связанное с этим процессом падение престижности педагогических профессий

<sup>7</sup>А л и м о в а Д. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазибалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. Ташкент: Фан, 1999. С.16-20; Она же. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари // Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. Ташкент. 2005. С.5-9. Она же. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин // Ташкентская правда. 1997, 26 март.

<sup>8</sup>М у р а в ь ё в а Н. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин.: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. Ташкент, 2003. С.26.

<sup>9</sup>М а т к а р и м о в а Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве.: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. Ташкент, 2005. С.41.

<sup>10</sup>А л и м д ж а н о в а Д. Гендер в теории и практике развития. Сборник "Введению в практику и гендерных отношений". Ташкент, 2007. С.126-157.

4-son

в обществе;

- содержание образования (анализ учебных программ, учебников с точки зрения гендерного равенства);

- стиль преподавания и взаимодействия с учащимися, обнаруживающий гендерные стереотипы.

Гендерное равноправие в сфере образования является важным индикатором уровня развития демократии в обществе.

Можно констатировать, что достаточно высокий уровень образования и абсолютная доступность получения образования для всех граждан республики независимо от пола является характерной чертой социального развития Узбекистана и что население республики обладает практически абсолютной грамотностью. Широко развита сеть профессиональных колледжей, лицеев и высших учебных заведений. В системе высшего образования в республике существуют 63 ВУЗа, где обучаются 263,6 тысяч студентов<sup>12</sup>. Как свидетельствуют статистические данные, соотношение количества мужчин и женщин, обучающихся в различных видах образовательных учреждений непропорционально. В таких специальных профессиональных учебных заведениях, как колледжи, лицеи доля женщин немного преобладает, в остальных же видах образовательных учреждений превалирует доля мужчин. По республике во всей системе образования обучаются более 7,4 млн. человек, из них 3,5 млн. - женщины (47,3 % от общего числа обучающихся женщин)<sup>13</sup>. К началу 2006 - 2007 учебного года в образовательной системе республики функционировало 99

<sup>12</sup>Douglas Northrop. Veiled empire: gender and power in Stalinist Central Asia. 2004, USA.

Benningson A., Group M. The Islamic threat to the Soviet State. L., 1983; Мишель Андре. Долой стереотипы! Париж: Юнеско, 1986. С.32-33; Randal W. Women in Politics: An International Perspective. Chicago, 1987; Bryson V. Feminist. Political. Theory. Foreword, 1992; Милетт К. Теория сексуальной политики // Вопросы философии. Москва: 1994, №9.

С.23-58; Mapping the women's movement. Feminist politics and social transformations in the North. Ed. by M. Threlfall. London, 1996; Симон де Бовуар. Второй пол. // Москва: Прогресс, 1997. Факт и мифы; Feminism and new democracy. Resisting the political. Ed. by Jodi Dean. London: 1997; Post - Soviet Women: from the Baltic to Central Asia / Мару

Висклеу. Cambridge: 1997; Элиот П., Менделл Н. Теории феминизма // Гендерные исследования: феминистская методология в социальных науках. Харьков: ХЦГИ, 1998. 15-16-бет; Kari R. Russian women and their organizations. Macmillan Press ltd. 2000. www.gender.ru; mcgs@inecon.ru; mcgs@online.ru

<sup>13</sup>Гендерное равенство в Узбекистане (Факты и цифры 2000 - 2004г.) Статистический сборник. Ташкент, 2005. С.53.

<sup>14</sup>Там же.

4-son

академических лицеев и 953 профессиональных колледжей. В академических лицеях обучалось 53,1 тысяч учащихся, в профессиональных колледжах 1021,9 тысяч. На этот период в процентном соотношении лицеях обучалось 37,6% девушек и 62,4% юношей, а в колледжах 48,1 % девушек и 51,9% юношей<sup>14</sup>.

В 2006 - 2007 учебном году в академических лицеях республики было занято 4,6 тыс. штатных преподавателей, профессиональных колледжах - 48,5 тыс. Из общего числа штатных преподавателей академических лицеев - 98% имеют высшее образование, в профессиональных колледжах этот показатель составляет - 93,8%. Численность поступивших в 2006 - 2007 учебном году в ВУЗы в бакалавриат составила 55,5 тысяч человек, из них на платно-контрактной основе - 33,4 тысяч человек (61,2 процента общего приема в бакалавриат). От общего числа поступивших студентов в бакалавриат 40,9% составляют девушки<sup>15</sup>.

А также в 2006 - 2007 учебном году в магистратуру принято было 5641 человек, из них на платно - контрактной основе - 4132 человек (73,2 процента). От общего числа поступивших студентов в магистратуру составляют 36,2 % женщины<sup>16</sup>.

Для анализа изучаемой проблемы в апреле 2011 года было проведено анкетирование и интервью на тему "Гендерное равенство в системе образования" среди населения Юнусабадского и Мирзо Улугбекского района города Ташкента. В данной работе приняли участие 100 человек (студенты колледжей, лицеев, ВУЗов и представители махаллинских комитетов) из них 67 женщин и 33 мужчин<sup>17</sup>, из которых каждая пятая женщина имеет высшее образование, что является высоким качественным показателем уровня образования.

Так женщинам с неполным и полным средним образованием (который составлял 39%) был задан вопрос "Какую профессию хотели бы иметь?" ответы распределились, следующим образом: собираются поступать в ВУЗы и получить образование по специальностям педагогика - 33 %, медицина - 22 %, экономика, финансы - 24 %, информационных технологий - 13 %<sup>18</sup>.

Нами был проведен опрос среди мужчин на тему: "Должна ли

<sup>14</sup>Начальное и среднее образование в Узбекистане 2006 - 2007. Статистический сборник. Ташкент, 2007. С.3.

<sup>15</sup>Там же. С.4-5.

<sup>16</sup>Там же.

<sup>17</sup>Анализ результатов анкетирования и интервью проведенного автором Г. Г а н и е в о й в апреле 2011 года на тему "Гендерное равенство в системе образования" среди населения города Ташкента Юнусабадского и Мирзо Улугбекского района.

<sup>18</sup>Там же.

женщина получить высшее образование?". Преобладающее большинство ответили, что женщина должна стремиться получить высшее образование для того, чтобы устроить свою жизнь и воспитывать детей. А мужчины, не видящие смысла в получении образования женщин объясняют свое негативное отношение тем, что им трудно будет выйти замуж, найти работу по специальности и месту жительства, материальными трудностями в период учёбы.

Результаты исследования показали, что в последние годы происходят существенные изменения в плане личностного самоутверждения женщин в обществе и семье. Преобладающее большинство считают, что этап интеграции женщин в современное общество осознание своих прав, своих возможностей является важным фактором демократического развития общества.

Выбор специальностей обучения в учебных заведениях между женщинами и мужчинами заметно отличается. Как правило, студентки высших и средних специальных учебных заведений в получении специальностей отдают предпочтение таким отраслям как просвещение, здравоохранение, мужчины - промышленность, сельское хозяйство, строительство, просвещение. На выбор специальностей женщинами и мужчинами влияют чаще всего сложившиеся стереотипы мышления, т.е. деление труда на "женский" и "мужской", традиции в семье и факторы экономического порядка. К примеру, женщины не всегда выбирают профессии связанные с компьютерными технологиями и другими техническими видами профессий, а мужчины связанные с педагогическим воспитанием молодого поколения.

Большинство девушек предпочитают получить высшее медицинское и педагогическое образование. Поощрение девушек заниматься традиционно женскими профессиями и концентрация их преимущественно в сфере образования, здравоохранения, культуре и с меньшей долей в системе юриспруденции и в некоторых отраслях экономики ведёт к тому, что женщины занимают впоследствии относительно низкооплачиваемые должности.

Гендерная стратификация в школьном контексте проявляется в том, что если в школе есть мужчины, то, скорее всего, они - руководители. Учащиеся видят каждый день, что начальники - это мужчины, а подчиненные - женщины. Согласно данным социологических исследований автора, окружающие относятся к мужчинам-учителям особенно начальных классов как к специалистам, выполняющим гендерно нетипичную работу<sup>19</sup>. Кроме того, некоторые предметы и дисциплины идентифицируются у школьников с полом преподавателя. Тем самым программируется и выбор профессии в

4-son

зависимости от пола - математика, программирование, физика предпочтительнее для мужчин, а литература, иностранный язык, биология - для женщин. Также на руководящих должностях доминируют мужчины так, например, в школах работает всего 32,8% учителей - мужчин, а среди директоров 69,9%<sup>20</sup>.

В престижных высших учебных заведениях в составе персонала мужчин значительно больше, хотя в годы переходного периода, когда зарплата преподавателей вузов значительно уменьшилась, количество мужчин и женщин в высшем образовании почти сравнялось. На начало 2004 - 2005 учебного года в ВУЗах страны преобладали мужчины, и их соотношение было 60,2% мужчин и 39,8% женщин<sup>21</sup>. Однако, среди руководящего состава вузов преобладание мужчин становится намного заметнее. Например, в республике всего 63 ВУЗа, но из них только 2 возглавляются женщинами-ректорами. Таким образом, в образовательных учреждениях не только предоставляются возможности продвижения, но и ограничиваются возможности высокой карьеры для женщин.

К сожалению даже при наличии значительного кадрового потенциала женщин - специалистов с высшим и средним образованием их доля среди руководителей и ответственных работников весьма незначительна. И занимают такие руководящие должности женщины во многом связанные с воспитанием молодого поколения как дошкольные учреждения, школы и другие организации.

Исходя, из вышеизложенного большое внимание следует уделять информационно просветительской и воспитательной работе по изменению некоторых традиционных стереотипов, основанных на превосходстве одного пола над другим, развивать систему профессиональной переподготовки кадров, повышать их квалификацию, создать условия, для реадaptации согласно требованиям рынка труда.

Можно ли как-то изменить эту ситуацию? Здесь существуют разные точки зрения. Некоторые исследователи полагают, что равенство мужчин и женщин будет возможно, если "изменятся разделение труда в домашнем хозяйстве и семье, условия самого труда в направлении повышения его роли в социальной идентификации и его смысловое

<sup>19</sup>Анализ результатов анкетирования и интервью проведенного автором Г. Г а н и е в о й в апреле 2011 года на тему "Гендерное равенство в системе образования" среди населения города Ташкента Юнусабадского и Мирзо Улугбекского района.

<sup>20</sup>Женщины и мужчины Узбекистана 2000-2004. Статистический сборник. Ташкент, 2005. С.61.

<sup>21</sup>Женщины и мужчины Узбекистана 2000-2005. Статистический сборник. Ташкент, 2007. С.78.

С другой точки зрения, как считает У. Бек "социальное неравенство мужчин и женщин встроено в основную схему индустриального общества, в соотношении производства и воспроизводства труда внутри семьи и труда с целью заработка, равноправия нельзя достичь в рамках этих институциональных структур, изначально ориентированных на неравноправие. Добиться качественного равноправия за пределом мужской и женской роли возможно, лишь продуманно изменяя совокупную институциональную систему развитого индустриального общества"<sup>23</sup>.

Однако при анализе социального контекста функционирования образовательных учреждений необходимо понимать, как различный опыт и стереотипы в отношении молодёжи влияют на их достижения в системе образования. Работникам системы образования необходимо быть более сензитивными к тем формам и моделям межличностного взаимодействия, которые устанавливают гендерное неравенство. Важно понимать, что несбалансированные в гендерном отношении учебные планы и материалы ограничивают социальное и культурное развитие, как мальчиков, так и девочек.

На уровне образовательной политики и управления образовательным учреждениям необходимо стремиться к следующему:

- повышению престижности работы в сфере образования и гендерного баланса;
- обязательному введению гендерных курсов в программу подготовки педагогических кадров;
- проведению гендерной экспертизы школьных учебников;
- коррекции стилей преподавания, при этом учитель и учащийся выступают партнерами, которые совместно и активно планируют изменения, контролируют успехи и оценивают качество достигнутого, открыто обсуждают конфликты и находят способы их разрешения.

Данную проблему следует рассматривать как органическую часть общемировой проблемы гендерного неравенства, которая свидетельствует о значимости вопроса гендерного равноправия, также необходимости его серьёзного изучения для разработки конкретных мер для его достижения.

Таким образом, гендерная стратификация в системе образования и современное состояние данного вопроса, требует инновационных подходов и выявления новых кардинальных изменений в подходах к пониманию гендерного развития в системе образования. Решение

<sup>22</sup> и д е р Р. Социальная история семьи в западной и Центральной Европе. М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 1997. С.249.

<sup>23</sup> Б е к У. Общество риска. На пути к другому модерну. М.: Прогресс - Традиция, 2000. С.184.

4-son

таких задач, как внедрение и разработка учебных пособий и учебной программы по гендерному образованию, изучение важнейших гендерных проблем и важных социальных вопросов, играющих значительную роль в общественном развитии, даст большую возможность для гендерного развития молодёжи. Также будет содействовать практическому воплощению социального равенства мужчин и женщин в обществе.

*Г. Фаниева*

**Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги гендер  
стратификацияси**

Ушбу мақола таълим тизимида эркак ва аёлларнинг тенг имкониятлари, таълим тизимини юқори самарадорлигини оширишда гендер фарқларнинг стратификацион жараёнлари ва гендер масалалари, муаммолари таҳлил этилган. Муаллиф томонидан ушбу масала юзасидан олиб борган социологик тадқиқотлари натижалари мақолада таҳлили баён этилган, мавзу юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

*G. Ganieva*

**Gender stratification in education system  
of Republic Uzbekistan**

In this article are considered gender equality in formation and stratification processes in Uzbekistan, also analyzed gender aspects of development of life society and the most important and actual questions of the problem.



*Тарихшунослик**Н. Мустафаева***МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

XVIII асрнинг машхур немис файласуфи И.Г.Гердер ўзининг "Инсоният фалсафасига доир гоёлар" номли фундаментал асарини ёзишга киришаётганда "маданият иборасидан кўра ноаниқроқ сўз бўлмаса керак", деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам қайд этилган фикрлар мутафаккирнинг "маданият" тушунчасини аниқлашдаги асосий қийинчиликларни, унинг мураккаб, қарама-қарши ва кўп қиррали моҳиятини тўғри тушунганлигидан далолат беради. Ҳар бир инсон бу иборани ўз дунёқарашидан келиб чиқиб тушунади. Шунинг учун ҳам "маданият" тушунчаси ҳақида аниқ бир ягона тўхтамли изоҳ яратилмаган. Зеро "маданият" сўзининг моҳияти шу қадар кенгки, уни бир сўз билан таърифлаш имконияти йўқ. 1952 йилда америкалик олимлар А.Кребер ва А.Клакхонлар маданиятнинг 164та тавсифини ва 100дан ортиқ унинг моҳиятини очишга қаратилган интилишларни ҳисоблаб чиқдилар. 1964 йилда улар тўплаган таърифлар 257тага етиб, ҳозирда бу сон икки баробар ортган<sup>1</sup>. ЮНЕСКО экспертларининг тахминича, ушбу рақам 600га қараб яқинлашмоқда. Дунё олимларининг маданиятга бу қадар қизиқиши унинг тушунча сифатида ўзига хос мураккаблиги ва доимий тараққиётда бўлган кўп қиррали кўриниш эканлигини исботлайди. Дарҳақиқат, маданият шу қадар чексизликка эга бир тушунчаки, унинг чегарасини аниқлаш ва маълум меъёрга солиб қўйиш тўғри эмас. Шунинг учун ҳам унинг турлари, мазмун-моҳияти, имкониятлари доираси жуда кенг ва доимий ривожланишда эканлигини эътироф этиш лозим.

Инсонлар маданиятни ҳис қилиши ва тушуниши бевосита уларнинг ҳаёт тарзи, ўзаро мулоқотга киришуви, ижтимоий муносабатларнинг характери ва бошқа бир қанча омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедиясида: "Маданият - жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. Маданият тушунчаси муайян тарихий давр, конкрет жамият, элат ва миллат, шунингдек инсон фаолияти ва турмушининг ўзига хос соҳаларини изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода "маданият" атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти

<sup>1</sup>Человек в мире культуры. Под общей редакцией Ю.А.Харина. Минск: НПООО ПИОН. 1998. 12-бет.

4-son

соҳасига нисбатан ишлатилади"<sup>2</sup>, деб таъриф берилган. Умуман лотин тилидан европа халқлари учун кириб келган "cultura" ибораси инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, инсонга таълим-тарбия бериш мазмунини берса, "маданият" сўзи арабчадан туркий халқлар тилига ўрнашиб, унинг мазмуни "мадина" - шаҳарни англатади. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳрои турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик - кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик - шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган. Шунга мувофиқ, мусулмон дунёси фалсафасида, илм аҳли дунёқарашида маданият талқинига айнан шу нуқтаи-назардан ёндашув устуворлик қилади.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк мутафаккирларнинг илмий меросида ҳам "маданият" тушунчаси, унинг моҳиятини очишга интилиш кучли бўлганлигини кузатамиз. Шунингдек, инсонларнинг маданийлик даражасини белгилаш бевосита ва билвосита ижтимоий ҳаёт, улар яшаётган жамиятнинг ички ва ташқи ҳолати, сиёсий жараёнлар билан боғлиқликда талқин этиш устуворлик қилади. Ўрта аср Шарқ маданиятининг буюк намоёниси Абу Наср Форобийнинг фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, "олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади", бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Маълумки, Форобий қарашлари Афлотун, Арасту назариялари остида шаклланган бўлиб<sup>3</sup>, алломанинг эзгулик ва яхшилик категориялари хусусидаги фалсафий қарашларида яққол намоён бўлади ва бу тасаввурларни умумий ҳолда "фозиллик" иборасида қўллади. Форобий жамият ўз ривожига етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритар экан, "фозил жамият ва фозил шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бундай мамлакатда ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўз истаган ёки танлаган касб-ҳунари билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар"<sup>4</sup>, деб ёзади. Мутафаккир ўз қарашларида "фозиллик" ибораси остида "маданийлик" мазмунини беради. Ҳаёт, жамиятнинг мавжудлигининг маънавий асосларини аллома "тенглик", "биродарлик", "озодлик", "ҳақиқат", "гўзаллик", "инсонийлик" каби тушунчалар орқали таърифлашга интилади ва улар инсонлар ҳаётининг

<sup>2</sup>ЎзМЭ. Т.5. Тошкент, 2003. 372-бет.

<sup>3</sup>Алломанинг "Афлотун қонунлари" (Талхису навомиси Афлотун), "Арасту фалсафаси" (Фалсафату Аристотулус) асарларини келтириш ўринли // Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. Toshkent, 2004. 57-159-betlar.

<sup>4</sup>Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. Toshkent, 2004. 37 bet; Маънавият юлдузлари. Тошкент, 1999. 68-бет.

асосий мақсадларидан бўлиши керак, деган ғояга урғу беради. Умуман олганда, Форобийнинг бу фикрлари асосида Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Масалан, Алишер Навоий етук аҳдоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш билан бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқликни тушунди. Ўрта аср мутафаккирлари юқорида қайд этилган инсонпарварлик тушунчалари орқали маданиятнинг ҳолати ва турларини очишга интиланлар.

Шарқ тарих фалсафасининг асосчиларидан бири Ибн Халдун<sup>5</sup> ўзининг "Муқаддима" асарида жамият ва инсонлар ҳаётини "умрон" - цивилизацияга таққослайди. Унинг барча кўринишларини умумлаштирилган ҳолда, уч босқичга ёки турга тақсимлайди. Ўрни "ваҳшийлик" - инсонларни ўтроқ ҳаёт кечиргунгача бўлган даври, "бадавия" - кўчманчи ҳаёт кечирувчи, ярим маданиятли, "шаҳарий" - юқори даражадаги хўжалик ва иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланган жамият. "Шаҳарий" маданиятга ўтганда жамоалар ўртасидаги тенглик йўқола боради ва бир-биридан фарқланувчи "табақа"лар вужудга келади. Улар орасида ҳокимиятга интилувчи гуруҳ тўпланиб, давлат тузадилар. Албатта мутафаккир асарининг бош моҳиятида ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқликда фалсафий мушоҳадалар ётса-да, шу билан бир қаторда, турли-туман халқлар, қабилалар ҳамда цивилизацияларнинг тараққиёти ва таназзули масалалари ҳам тақдим этилган. Ибн Халдун цивилизацияни табиат қонуниятига таққослайди ва унинг қулаш ҳамда бошқа цивилизацияга ўз ўрнини бериш жараёнини - "асабийлик" даври деб баҳолаб, уни Мағриб тарихи мисолида таҳлил қилиб беради. Мутафаккирнинг назарий фикрича, ўта ривожланиб кетган жамият охир-оқибат таназзулга юз тутиши мумкин<sup>6</sup>.

XX аср бошлари Туркистон жадидлари маданият ва маърифатни ижтимоий тараққиётнинг бош омили деб билдилар. Улар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳолатини инобатга олган ҳолда халқнинг миллийлигини сақлаб қолиш билан бирга турмуш тарзини замонавийлаштириш маданиятликнинг бир белгиси деб ҳисобладилар. Жадидлар ҳам дунё мутафаккирлари сингари "маданият"

<sup>5</sup>И б н - Х а л д у н. Введение (фрагменты). В кн.: Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1961., Бациева С.М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна "Мукаддима". М., 1965; Игнатенко А.А. Ибн-Хальдун. М., 1980.

<sup>6</sup>О р а з б а е в а А. И. Цивилизация кочевников евразийских степей. Алматы: Дайк Пресс, 2005. 20-бет.

4-sop

иборасини кўпроқ "тараққиёт" маъносида қўллаганлар. Ислоҳ дунёси вакиллари сифатида маданият ҳақида мушоҳада юритганларида, мусулмон фалсафасидагидек улар ҳам тараққиётнинг ваҳшийлик, бадавийлик ва маданийлик босқичларини санаб ўтадилар, ҳамда мутамаддун, яъни цивилизация - маданиятли жамият яратиш учун илм, ҳунар, дин зарурлигини уқтирадилар. Улар маиший турмуш ва ахлоқ мукамаллиги маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми эканлигига урғу бердилар<sup>7</sup>. Уларнинг бу қарашлари Европада маърифатпарварчилик давларидан бошланган маданият масалаларининг назарий жиҳатларига ўхшаш эди. Бу табиий эди албатта, чунки улар Афлотун, Суқрот, Арасту қарашлари билан бир қаторда, И.Кант, Ш.Сеньобосс, О.Конт асарлари билан ҳам яқиндан таниш бўлганлар<sup>8</sup> ва шу билан бирга Шарқ фалсафасининг ҳам билимдонлари эдилар. Шунинг учун уларнинг назарий хулосаларининг аксариятида немис файласуфи И.Кантнинг тафаккур мукамаллиги концепциясига яқин бўлган - инсон маданийликка таянган ҳолда ўз олдига мақсадлар қўйиши мумкин, маданиятнинг "тарбия маданияти" ва "билим маданияти" мавжуд каби фикрлари билан ҳамоҳангликни кузатиш мумкин.

Маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари хусусида фикр юритганда бевосита жаҳон илмий адабиётларида ишлаб чиқилган қарашлар, концепцияларни баъзиларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки айнан Фарб фалсафий тафаккурида маданият назариясига оид турли-туман мунозаралар, ёндашувлар вужудга келдики, улар бугунги кунга қадар маданиятшунослик назариясини такомиллаштиришда энг муҳим асосни ташкил этадилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Фидокор" газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида таъкидлаганидек: "Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлигини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин. ...Мен Фарб фалсафасида барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. ...Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур"<sup>9</sup>.

Маълумки, Европада "маърифатпарварлик" ғоялари XVIII асрда кенг тарқалди. Айнан шу даврдан бошлаб маданият замирида

<sup>7</sup>И н д а м а с. Маданият тўлқинлари // Садои Туркистон, 1914. №9. 11 май, В а с л и й С. Маданият // Садои Фарғона. 1914. № 71. ва б.

<sup>8</sup>А л и м о в а Д. А. История как история, история как наука. В 2-х томах. Т.2. Феномен джадидизма. Тошкент, 2009. 81-82-бетлар.

<sup>9</sup>К а р и м о в И. А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000. 27-28-бетлар.

цивилизациялар пайдо бўлганлиги хусусидаги фикрлар ривожланиб, уларнинг фалсафий талқинида бу икки ибора тенг маънода қўлланила бошлади. Шу билан бирга бу даврда маданият ва цивилизацияларнинг "танқиди" ҳам вужудга келди. Масалан, Ж.Ж.Руссо "маданий миллатларнинг" бузилганлиги ва ахлоқан тубанлашганлигини тараққиётнинг илк даврларида бўлган халқлар ахлоқининг соддалиги ва софлигига қарши қўйди<sup>10</sup>. Немис файласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг йўлини ахлоқий (И.Кант), эстетик (Шиллер) ёки фалсафий (Гегель) онг доирасидан қидирдилар. Улар бу онг соҳаларини ҳақиқий маданият ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар.

Умуман XIX аср - XX аср ўрталари дунё ижтимоий тафаккурида турли маданиятларнинг келиб чиқиш сабабларини тушуниш, ўрганишга қизиқиш янада ортди. Бу давр Фарб фалсафий тафаккурида "локал цивилизация" деган қарашлар вужудга келди. Бугунги кун маданиятшунослик фанида "маданиятнинг моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашув ҳар бир миллий маданиятнинг бетакрорлигини, унда умуминсонийлик ва ўзига хослик мавжудлигини эътироф этишни назарда тутати"<sup>11</sup>, - деб тушунтирилади. Бу ғоялар Н. Я. Данилевский, О. Шпенглер, А. Тойнби каби мутафаккирларнинг асарларида қайд этилиб, улар ўз нигоҳларини ижтимоий ҳаётнинг цивилизацияон тузилмасига эътибор қаратдилар. Улар ижтимоий ҳаётнинг асосини турли даражадаги бир-биридан алоҳида бўлган циклли "маданий - тарихий типлар" ёки "цивилизациялар" ўз тараққиёти босқичида туғилиш, ривожланиш, кексалик ва қулаш даврларидан ўтайди, деган фикрга урғу берганлар.

Мазкур "маданият цикллари назарияси"дан фарқли равишда немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) "инсоният ягона келиб чиқиш ва ягона ривожланиш йўлига эга"<sup>12</sup> деган ғояни ўртага ташлади. Шунга кўра у инсоният босиб ўтган жуда катта йўлни 4та йирик маданий типдаги босқичга бўлади:

- ибтидоий давр - маданиятнинг прометей типи (мил.авв 5000й.)
- қадимиятнинг буюк маданиятлари даври (Қадимги Миср, Шумер, Бобил, Ҳиндистон, Хитой маданияти)
- "ўқ атрофидаги вақт" - маданиятнинг умуминсоний асосларининг вужудга келиши, шахсларнинг шаклланиши (мил.авв 7-1 асрлар). У маданиятшуносликка "ўқ атрофидаги вақт" - "осевое время" тушунчасини киритди. Ось - бу марказ, таянч, мазмунан вақт нуқтасидир.

<sup>10</sup>Жуковский С. Т., Жуковская И. Г. Россия в истории мировой цивилизации. IX-XX вв. М., 2000. 142-бет. Шунингдек: <http://www.countries.ru/library/culturologists/russo.htm>

<sup>11</sup>Madaniyatshunoslik asoslari. Тошкент, 2006. 49-бет.

<sup>12</sup>Ясперс Карл. Смысл и назначение истории. Москва. 1991. 31-бет.

4-sop

— Юқори давр (импер даври) - фан ва техника ривожига суянади.

Ясперс бунда Европадаги илмий-техника цивилизациясининг шаклланиши билан боғланади. XVII-XX асрлар)<sup>13</sup>

Ясперс бу типологиянинг евроцентрик кўринишга эга бўлишини истамаган ва тарихий вақт ўқи барча инсониятга тааллуқли деб ҳисоблайди. Унинг концепцияси бўйича энг зарур таянч нуқтаси, яъни маркази сифатида муҳим тарихий воқеалар кўрсатилади ва улар инсоният тарихини тубдан ўзгаришига ҳам сабаб бўлган. Ясперсга кўра, ибтидоий давр - бу тарихгача бўлган давр. Чунки инсон бунда вақт оралигини билмаган ҳолда тарихдан айро яшаган. Бу даврда аста-секин тил, меҳнат қуроллари, оловнинг пайдо бўлиши натижасида инсониятнинг бир-бирига яқинлашуви вужудга келди. Ясперс коммуникация алоқаларининг пайдо бўлишини маданий босқичнинг муҳим жиҳати сифатида қаради. Мил. авв. 4 минг йилликларга келиб, инсоният ривожига янги босқич - тарихий давр вужудга келади. Қадимий буюк маданиятлар, давлатларнинг, ёзувнинг пайдо бўлиши, сув ресурсларидан фойдаланиш технологияларининг яратилиши бунга асосий омил бўлиб хизмат қилган. Ясперс 3-босқични инсоният тарихида "ўқ атрофидаги вақт" деб атар экан, у бу даврда маданий тўнтарилиш бўлиб ўтди, деб таъкидлайди. Яъни бу тўнтарилишлар бир-биридан алоҳида уч регион - Шарқда (Хитой, Ҳиндистон), Яқин Шарқда Фаластин, Эрон, Фарбда қадимий Юнонистонда содир бўлди. Ясперс "ўқ атрофидаги" вақтни диний фалсафанинг пайдо бўлишига боғлайди: "Бу босқичда биз ҳозиргача фикрлаётган ва бугунги кун кишилари ҳаётини йўналтираётган дунё динларига асос солинди"<sup>14</sup>. Унинг фикрича, Хитойда Конфуций ва Лао Цзи, Ҳиндистонда буддизм, Эронда зардуштийлик, қадимий Юнонистонда Гомер эпослари асосидаги юнон фалсафасининг вужудга келиши даврдан турли мифологиялардан илмий тафаккурга ўтиш даври бошланганлигини кузатиш мумкин. Айнан шу даврдан бошлаб турли минтақаларда илмий, фалсафий билимлар, санъат ва дунё динларининг пойдеворлари қўйилди. Бу эса келгуси маданиятлар ривожини белгилашда муҳим омиллардан бўлди. "Ўқ атрофидаги вақтда" инсониятнинг маънавий бирлиги шакллана бошлади ва халқлар тарихий тараққиётга тортила бошлади. Ясперс бунини Фарбда герман ва славян, Шарқда эса япон, корейс, малайзий халқлари тарихи билан боғлиқликда кўрсатади. Мессопотамия мисолида аввал форс, кейин ислом, Мисрда рим-христиан, кейинрок ислом маънавий дунёсига кириш жараёнларини кўрсатар экан, "ўқ атрофи"даги гоюларни қабул қилмаган халқлар тарихдан ажралиб қолганлар ёки йўқ бўлиб кетганлар.

<sup>13</sup>Р о м а н о в Ю. И. Культурология. СПб.: Питер, 2008. 49-бет.

<sup>14</sup>Я с п е р с К. 32-бет.

4-son

Маданиятнинг 4 даврини янги илмий техника даври деб атаган Ясперс, маданиятларнинг янги типларини шаклланишини Европадаги ренессанс даври билан боғлайди. Буюк географик кашфиётлар натижасида Европа цивилизацияси дунёнинг бошқа ўлкалари билан алоқага кирди. Замонавий босқичда эса бу инсониятнинг глобал умумийлигига хос Европа маданиятининг бошқа дунё маданиятларига таъсирини кўрсатиш жараёни бошланди. Лекин шу билан бирга Ясперс Европа маданиятини "ўқ атрофи" деб қарашга қарши бўлди. Чунки тарихий жараёнларнинг заминини техника эмас, балки маънавий асос ташкил этади.

XX аср биринчи ярмида жаҳонда содир бўлган туб ўзгаришлар кўплаб жаҳон мутафаккирларини маданият масалаларига янгича концепциялар нуқтаи-назаридан ёндашишларига олиб келди. Маданиятга оид бу концепциялар бир неча муаммолар доирасида таҳлил этила бошлади. Жумладан, "маданият ва цивилизация", "маданиятнинг замонавий таназули", "маданият цикллари", "оммавий маданият", "маданият ва илмий-техника тараққиёти" ва ҳ.к.

"Маданият ва цивилизация" концепцияси доирасида фикр юритган рус файласуфи Н.А.Бердяев (1874-1948) бу икки ибора ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатади. Унинг "ижтимоий ҳаётда маънавий устунлик маданиятга тегишли. Жамиятнинг мақсади сиёсат ва иқтисодда эмас, айнан маданиятда амалга ошади. Жамоатчиликнинг сифат ва қадриятлари маданиятнинг сифат даражаси билан ўлчанади"<sup>15</sup> деган фикри К.Ясперснинг қарашлари билан яқиндир. Н.Бердяев маданиятнинг асосий қонуниятини - ворисликда кўради, яъни бу маданиятнинг консерватив ибтидоси бўлиб, келажакка интилувчи ва янги қадриятларни яратувчи ижодкорликдир. Маданиятнинг консерватив компонентларини эътиборга олган ҳолда, Бердяев уни инқилоб билан зиддиятда кўрди. Энг аввало мутафаккир маданият ва цивилизацияни аниқ ажратди. "Маданият қанчалик қадимий бўлса, у шунчалик аҳамиятли ва гўзалдир. Маданият доимо ўзининг қадимий келиб чиқиши, буюк ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги билан гурурланади", "цивилизация ўзининг яқин ўтмишини қадрлаб, қадимий ва чуқур илдизларини изламайди. У бугуннинг кашфиёти билан гурурланади. Унинг аждодлари йўқ"<sup>16</sup>. Айтиш лозим, Н.Бердяев цивилизациянинг умумий характерига кўпроқ урғу беради ва бу ҳодисани барча халқларда бир-бирига ўхшаш белгилар билан намоён бўлишини таъкидлайди. "Миср, Бобил, Юнонистон ва ҳ.зо маданиятлар каби қадимий халқларнинг маданияти илк босқичларидаёқ ўзига хос ва қайтарилмас индивидуалликка эга.

<sup>15</sup>Б е р д я е в Н. Философия творчества культуры и искусства. М., 1994. 524-бет.

<sup>16</sup>Б е р д я е в Н. Философия... 527-бет.

4-son

Маданиятнинг қалби мавжуд. Цивилизациянинг эса фақат усул ва қуроллари бор"<sup>17</sup>. Олим маданиятнинг туб илдизини дин билан боғлайди.

Дарҳақиқат, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсоният тарихида ягона цивилизациялар кенг тараққий эта бошлади. Илмий - техника янгиликлари, замонавий жаҳон инфраструктуралари ва телекоммуникация инсонни ҳақли равишда макон ва законни забт этишига олиб келди. Қитъалар, халқлар, мамлакатлар яқинлашуви содир бўлди. Телевидение инсоннинг кундалик ҳаёти давомида дунёда содир бўлаётган турли-туман жараёнларнинг гувоҳига айлангирди. К.Ясперс бу ҳақда шундай ёзган эди: "бизнинг ҳозирги кунимизда инсониятнинг реал равишдаги умумийлиги мавжуд...эндиликда сўз ўзининг ички моҳиятига асосланган ўзаро алоқадорлик ҳақида эмас, балки бўлинган, лекин ички тарафдан доимий мулоқотда бўлган умумийлик ҳақида боради"<sup>18</sup>. Шундай қилиб, ҳозирги кунга келиб маданият ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларига оид кўплаб қарашлар вужудга келган. Бу қарашлар уч йўналишда умумий, босқичли ва локал-тарихий нуқтаи-назардан талқин қилинмоқда. Цивилизацияларни локал-тарихий жиҳатдан ўрганишда маданиятшунослик, социологик, этно-психологик, географик ёндашувлар мавжуд<sup>19</sup>.

Бугунги кунда дунё олимлари Япония, Жанубий Корея каби Осиё давлатларини аънаналарга содиқлик асосида Фарб техноген ютуқларини ўзлаштириб, аънавий маданиятга, ўз идентиклигини сақлаб қолган ва ривожлантираётган цивилизациялар сифатида баҳоламоқдалар<sup>20</sup>.

Маданият тарихи фалсафасига доир назарий фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, уларда энг аввало жамият ривожининг ўзига хослигини аниқлаш кучли бўлиб, турли ёндашувлар, яъни тарихий жараёнларга маданий типлар, даврлаштириш мезони орқали, тараққиёт ўлчови нисбатида таҳлил этилганлиги кузатилади. Бундай турли талқинларнинг бўлиши табиий, чунки тарих турли ижтимоий давр, маданият, цивилизацияларни ўз ичига олар экан, ҳар бир жамият ривожини ўзига хослик хусусиятлари билан тараққий этади ҳамда ҳар хил маънавий қадриятлар, диний, мафкуравий ва х.к. жиҳатларни ўзида акс эттиради. Шунингдек бу концепцияларда жамиятнинг бир тизимда ривожланиши эмас, аксинча хилма-хил маданиятлар ва цивилизациялар мавжудлиги, уларга хос бўлган турли сифатлар билан

<sup>17</sup>Б е р д я е в Н. Философия... 526-бет.

<sup>18</sup>Я с п е р с К. Смысл и назначение истории. М., 1991. 153-бет.

<sup>19</sup>А х м е д о в а Э., Г а б и д у л и н Р. Культурология и мировая культура. Тошкент, 2001. 17-бет.

<sup>20</sup>Мировое политическое развитие: век XX. М., 1994. 297-бет.



тараққий этилиши билан боғлиқ кўптимли ривожланиш ғояси тақдим этилди. Лекин бу тарихий жараёнларда барча жамият учун маданиятнинг аҳамияти беқиёслиги исботланди. Маданиятнинг фалсафий англаш ва асослаш билан боғлиқ ҳар бир қарашда инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳ (социум) оламида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари, таҳлилий услублари ишлаб чиқилди. Маданият ва цивилизациялар талқинида Ғарб файласуфлари халқлар ва регионларнинг маданий ривожини алоҳидаликка эга эканлиги (Гердер, Данилевский. А.Тойнби), барча маданиятларнинг ўз қиммати мавжудлиги (К.Ясперс, Н.Бердяев) ҳақидаги хулосаларга келдилар. Демак, инсоният цивилизацияси ўз бошидан юксалиш ва қулаш, турғунлик ва уйғониш, буюк мақсадлар сари интилиш, ўтиш давлари, тараққийпарвар ғояларнинг кучайиши сингари босқичларни босиб ўтган. Ҳеч бир жамият бу босқичлардан аниқ ритм ва кетма-кетликда, бир хил кўринишда, бир вақтда ўтмайди ва табиийки, ҳар бир босқич маданиятнинг ривожини ҳам зиддиятли ва нотекис кечади, ҳаракатланади. Масалан, Ясперснинг "ўқ атрофи" концепцияси асосларини XX аср Ўзбекистон тарихига, хусусан, маданияти тарихига қўллаш мумкин. Яъни, бу даврнинг асосий тарихий воқеликлари - I ва II жаҳон урушлари, 1917 йил февраль инқилоби ва октябрь тўнтариши инсоният тарихи ва маданиятидаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Айниқса шу даврнинг мафкуравий қарашлари ва уларнинг кишилар онига сингдирилиши масалалари четда қолмаслиги, маданиятда устувор бўлган ҳолатлар, ҳар бир даврга хос хусусиятларнинг ғоялар ривожига таъсири, анъаналар, янгиликлар ва уларнинг қабул қилиниши каби жиҳатлар чуқур таҳлилга тортилиши зарур. Чунки тарихий даврларни, айниқса маданият тараққиётини кўплаб хусусиятлар орқали алоҳида белгилаш, фарқлаш ва таққослаш мумкин. Шундай хусусиятлардан бири бу жамиятдаги ижодкорлик, яратувчанлик каби имкониятларнинг сифат ва сон жиҳатдан ўлчанишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов: "Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади"<sup>21</sup> ва "Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда"<sup>22</sup>,

<sup>21</sup>Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, 2008. 28-бет.

<sup>22</sup>Ўша ерда. 30-бет.

4-son

- деб жуда тўғри таъкидлаган. "Маданият - таълим - тарбия билан, ижтимоий талабларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, цивилизация давлатнинг пайдо бўлиши, жамият аъзоларининг фуқаролик туйғуси, давлат қонунларига нисбатан ҳурмат ҳиссини шаклланиши билан боғлиқ"<sup>23</sup> деган таърифга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми ва у функционал жиҳатларга эга ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилади.

*Н. Мустафаева*

### **Теоретические аспекты вопросов культуры**

В настоящей статье предпринята попытка характеристики как самого понятия "культура", так и некоторых известных теоретических интерпретаций, связанных с данным явлением в мировой историографии. Обращаясь к наследию видных восточных мыслителей Средневековья (ал-Фароби, А. Навои, ибн-Халдун), автор отслеживает эволюцию понятия "культура" на протяжении нескольких столетий вплоть до джадидской историографии конца XIX - начала XX столетия. Отдельное внимание в статье уделено рассмотрению теоретических конструкций, связанных с понятием "культура", разработанным представителями европейских гуманитарной мысли первой половины XX века (К. Ясперс и Н. Бердяева). В статье также дана характеристика таким конструкциям, как "культура и цивилизация", "современный кризис культуры", "массовая культура", "цикличность развития культуры" и т.д. В заключении автор предлагает теоретические выводы об использовании указанных теоретических конструкций в изучении культурных и цивилизационных процессов в истории Узбекистана XX века.

*N. Mustafaeva*

### **Some features of the phenomenon of the "culture"**

The article attempts to characterize both the concept of "culture", and some prominent theoretical interpretations connected with the given phenomenon in a world historiography. Addressing to a heritage of prominent medieval thinkers (e.g. al-Farabi, Alisher Navoi, Ibn-Haldun), the author follows the evolution of concept "culture" throughout several centuries up to Djadid's historiographies of the fall of 19th - beginning of the 20th century. The important attention in article is given to the consideration

<sup>23</sup>Маданиятшунослик асослари. Тошкент, 2006. 50-бет.

4-son

of the theoretical frameworks that connect with concept "culture", developed by representatives of European humanitarian thought of the first half of the 20th century (K.Jaspers, N.Berdjaev and etc). In article also is characterized such frameworks, as "culture and a civilization", "modern crisis of culture", "mass culture", "recurrence of development of culture" etc. As concluding remarks the author offers theoretical suggestions about the usages of these theoretical frameworks in studying of cultural processes in Uzbekistan history in the 20th centuries.

*Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида**Мамедова Рена***ПЕРСОЯЗЫЧНЫЕ ИСТОЧНИКИ О ПОХОДЕ НАДИР ШАХА АФШАРА В МАВЕРАННАХР И ХОРЕЗМ**

Поход персидского правителя Надир-шаха в Мавераннахр и Хорезм, предпринятый им после завоевания Индии в 1153/1740 г., нашел широкое освещение в персоязычной историографии. В письменных источниках событиям данного похода уделено особое внимание, однако характер описания не везде одинаков. Как можно заметить, это обусловлено целым рядом факторов, как-то: мировоззрение, социальная принадлежность, особенности образования и, в конце концов, личными позициями и симпатиями авторов. В рамках настоящей статьи будет предпринята попытка освещения некоторых деталей похода иранского правителя Надир-шаха в Мавераннахр и Хорезм на основе материалов следующих сочинений персоязычных авторов: "*Тарих-и джахангуша-и Надири*" и "*Инша*" или "*Мунша'ат*" Мирза Мехди хана Астрабади, "*Алам арай-и Надири*" Мухаммеда Казима Марви, "*Байан-и ваге*" Абдул Карима Кашмири и "*Тарих-и Надиршахи*" Мухаммеда Шафи' Техрани.

**Характеристика персоязычных источников и их авторов**

Мирза Мехди хан Астрабади - мунши аль-мамалик, а позднее придворный историограф "*ваге невис*" Надир-шаха, автор придворной хроники "*Тарих-и джахангушай-и Надири*" и сборника "*Инша*" или "*Мунша'ат*". Его работы характерно отражают официальную позицию двора Надир-шаха и, что немаловажно, представлены дипломатические письма Надира, адресованные среднеазиатским правителям.

Мухаммед Казим Марви - армейский писарь, а позднее финансовый служащий, создал труд "*Алам арай-и Надири*", пронизанный искренностью человека, свободного от цензуры; он не боится высказывать свою точку зрения по различным вопросам, что безусловно отличает его сочинение от предыдущего. Сведения Мухаммеда Казима, лично принимавшего участие в боевых действиях в Мавераннахре, отличаются высокой степенью достоверности и заслуживают должного внимания.

Абдул Карим Кашмири, сопровождавший Надир-шаха при

возвращении из Индии, также являлся очевидцем похода иранского правителя в Бухару и Хорезм, и в произведении "*Байан-и ваге*" привел детальные описания указанной военной кампании.

Сочинение "*Тарих-и Надиршāхи*" Мухаммеда Техрани Вареда, посвященное истории правления Надир-шаха, также затрагивает события, связанные с походом иранского правителя в Мавераннахр и Хорезм. Так, например, важного внимания заслуживают сведения автора о моральном духе и настроениях в войсках Надир-шаха в период описываемой военной кампании, а также характере взаимоотношений, установившихся в его военной иерархии. Следует также отметить приведенные автором объективные сведения о некоторых кровавых событиях, имевших место в ходе военных походов Надир-шаха.

В целом, несмотря на обилие фактического материала, исторические произведения указанных авторов, требуют от исследователей критического прочтения и тщательного сопоставления со сведениями других источников, ибо содержащиеся в них сведения нередко бывают противоречащими друг другу.

### Покорение Надир-шахом Бухарского ханства

Обилие сообщений источников о масштабных мероприятиях, связанных с подготовкой похода войска Надир-шаха в Мавераннахр, свидетельствуют о том, что иранский правитель давно вынашивал планы данной экспедиции. По сведениям из "*Байан-и ваге*", Надир-шах, еще будучи в Дели, "приказал отправить 1000 плотников из Дели, Лахора, Пешавара, Кабула и Кандахара в Балх, дабы к приходу его победоносной армии было изготовлено 1000 кораблей и мостов для транспортировки зерна, которое должно было поставляться кораблями всюду, где располагалась армия". Поэтому по его письменному приказу еще до отправления в Индию, правитель Балха должен был "все зерно, которое поступало в "саркар", собирать и хранить, чтобы во время похода в Хорезм, его можно было использовать как провиант". [1 ("*Байан-и ваге*"): С. 67 - 68].

Согласно сведений источников, 7 джамади II 1153/30 августа 1740 г. войско Надир-шаха выступило к Балху со стороны Маручага, Чичкину и Андхуда [1 ("*Байан-и ваге*"): С. 66] и подошло к Гушхане, что в I фарсахе от города. Сардар Балха Нийаз Мухаммед Кушбеги, назначенный Надиром вали Балха, был удостоен титула хана, по сообщениям Мирза Мехди хана, за то, что "по высочайшему указу спустил на воды Аму 1100 кораблей, которые вмещали 1000 манов груза, и [ожидал] наготове. Было решено наполнить корабли зерном

4-son и припасами, погрузить артиллерию, ... [и] переправить по воде" [3 ("Тарих-и джахангушай-и Надири"): С. 349]<sup>1</sup>.

17 джамади' I 1153/10 августа 1740 г. армия Надира вошла в Келиф и через 10 дней марша вдоль Джейхуна (Амударьи - ред.) достигла 27 джамади' I 1153/20 августа Керки. Здесь к войску иранского правителя присоединился Рахим Бий, сын Хаким Бия Аталыка, одного из именитых вельмож Бухарского ханства. Он вместе с правителями Хесара и Гарши и большинством деревень по ту сторону Джейхуна прибыли Надир-шаху с изъявлениями верности. Далее, иранская армия, пройдя 10 привалов, дошла до Чарджуя. Так как здесь находился понтонный мост через Джейхун и пересечение всех коммуникаций Туркестана, Чарджуй был выбран исходным пунктом операции; был отдан приказ привести здешний лагерь в состояние боевой готовности [3 ("Тарих-и джахангушай-и Надири"): С. 187]

По приказу Надир-шаха "специалисты по строительству мостов в течение 4-5 дней на переправах перекинули множество прочных мостов через воду, чтобы два навьюченных верблюда могли пройти на высоте навстречу друг другу"<sup>2</sup>.

Основные силы иранского правителя постепенно переправились через мост и, наконец, 14 джамади' II того же года Надир-шах лично перешел через Джейхун. В это время Хаким Бий Аталык, везир и советник правителя Бухары, со всей знатью и высокопоставленными людьми прибыл с изъявлениями верности шахиншаху. Они приехали с предложениями, чтобы Надир шах на некоторое время остался в Караколе и был гостем аштарханидского правителя Абулфайз-хана. Надир-шах в целом приняв условия бухарской стороны, потребовал к себе самого Абулфайз-хана, а его высокопоставленного посланника одарил 1000 индийскими ашрафи, 25 кусками златотканной йаздской ткани, превосходным халатом и иракским скакуном с золотой сбруей [1 ("Байан-и ваге"): С. 68 - 69].

По сообщению Мухаммада Казима, Хаким Аталык сообщил о решении шаха Абулфайз-хану, однако правитель Бухары под влиянием поступивших сообщений из Мийанкала о приближении помощи бухарскому войску из населенных пунктов по р. Сейхун и вилайатов Ходжанд, Ташкент, Гоуган и др., а также с границ Кашгара, несмотря на протесты Хаким Аталыка решил оказать сопротивление иранскому правителю [4, ("Алам арвай-и Надири"): С. 799; 1 ("Байан-и ваге"): С. 69].

<sup>1</sup>Согласно Мухаммеду Казиму, число имевшихся в наличии кораблей, полных провианта, составляло 1500 [4, ("Алам арвай-и Надири"): С. 787]

<sup>2</sup>В "Тарих-и джахангушай-и Надири" говорится, что мосты были построены за 3 дня [3 ("Тарих-и джахангушай-и Надири"): С. 350].

Автор "*Байан-и ваге*" отмечает также, что Абулфайз-хан изначально не согласился на встречу с шахом и выбрал путь войны [1 ("*Байан-и ваге*")]: С. 69].

На следующий день сражение между двумя правителями началось с сильной атаки бухарских войск, однако когда в бой вступили артиллерия и занбаракы Надир-шаха, по сообщению придворного летописца, "противника (бухарцев - *ред.*) обуял ужас и сильное изумление" [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 791].

Однако, сумев вовремя перестроиться войско бухарского правителя снова перешло в атаку, но было вынуждено в конечном итоге отступить, под давлением основных сил Надир-шаха. Абулфайз-хан, потеряв значительные силы, вынужден был вместе с Хаким Бием Аталыком и другими вельможами ханства изъявить покорность Надир-шаху [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 792 - 794; 3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С.350-51]. Бухарский правитель преподнес Надиру многочисленные подарки и дары, в числе которых были меч и кольчуга Амир Темура Гурагана, и шлем и кольчуга Чингиз-хана. Так же, как в случае с правителем Индии, Надир послал Насрулла Мирзу и Али Кули хана встретить гостей и оказал Абулфайз-хану радушный прием [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 794].

После входа Надира в Бухару была прочитана хутба и отчеканена монета с его именем. Правитель и народ Бухары обязались снабжать иранскую армию провиантом [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 796], а насагчи Надира следили за сохранением порядка и безопасности в городе [1 ("*Байан-и ваге*")]: С. 70].

Таким образом, все земли Мавераннахра с востока до северо-востока, от Бухары до Самарканда перешли в указанный период под власть Надир-шаха. В это же время по совету Хакима Бия Аталыка несколько бегляреби и военачальников с отрядами были направлены в Самарканд для усмирения мятежного племени йуз, проявлявших неповиновение [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 799]. Лутф Али хану, назначенному командующим указанным отрядом, было поручено после устранения мятежа поднять надгробный камень с могилы Амир Темура Гурагана, представляющий собой монолитный кусок яшмы, который хранился в соборной мечети города, и перевезти в Мешхед [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 799].

Мухаммед Казим сообщает, что после этого Надир взял в свою армию около 30000 представителей узбекского населения и поручил командование ими одному из сыновей Хакима Бий Аталика [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 797], по сведениям "*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*" и "*Байан-и ваге*" - 20000 человек [3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 351; [1 ("*Байан-и ваге*")]: С. 74].

4-son

15 раджаба 1153/16 октября 1740 г. Надир-шах удостоил Абулфайз-хана титулом шах, возложив на его голову корону, украшенную драгоценными камнями [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 797]. Дружественные отношения были закреплены заключением двух брачных союзов: Надир шах и его племянник Али Кули хан женились на дочерях Абулфайз-хана [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 801]<sup>3</sup>. Затем Надир включил в свое войско 40000 узбекских солдат из армии Абулфайз-хана, заверив правителя Бухары, что в случае мятежа последний может использовать людей из иранской свиты [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 801-802]. Таким образом, забрав солдат из свиты бухарского правителя, Надир-шаха усилил свою армию и ослабил силы Абулфайз-хана.

Следующим объектом экспансии Надир-шаха являлся Хорезм.

### Битва за Хорезм

Из Бухары Надир-шах по совету Абулфайз-хана посылает гонца с посланием правителям Туркестана. Текст этого письма имеется в сборнике писем "*Инша*" или "*Мунша'ат*" Мирза Мехди хана свиты [5, ("*Мунша'ат*")]: Л. 409-а - 410-а). Письмо было написано Мирза Мехди ханом, сопровождавшим Надир-шаха в этом походе, до 16 раджаба 1153/7октября 1740 г. [3 ("*Тāрих-и джāхāнгушā-и Нāдири*")]: С. 353].

В письме говорится, что "Ильбарс-хан, правитель Хивака (Хивы - ред.), должен знать, что его [Надира] меч расширил владения Ирана до Адама, Басры, Маската и Хорасана, империю Хиндустан до Джоханабада и Акбарабада, [от] Дели до Ланкнахаура и Лахора, Рохтаса до границ Бенгала, [от] Бампура до границ страны Серандип, [от] Джамму, Кашмира, Джасармира, Татта, Синд Талпура, Лахджарата, Мултана, Шикарпура, Кабула, Кандахара, Балха, Бадахшана, Кундуза, Хатлана до границ Кафир сийахпуша, Бухары, Самарканда и страны Фергана". Все великие правители мира выразили ему свою покорность. Так как Хорезм - соседняя страна, то "хан [Ильбарс] должен был придти и посетить его [Надира] и присоединиться к нему в газават-и Хиндустан (священный поход в Индию - ред.). "Хан не только забыл сделать это, - писал Надир, - он [Ильбарс] даже предпринял поход на Мешхед, но был наголову разбит". Далее Надир указывает, что, вернувшись из победоносного похода в Индию, он пришел в Бухару с дружественным визитом к Абулфайз-

<sup>3</sup>В "*Байāн-и вāге*" говорится, что Надир женился на сестре Абулфайз-хана, а Аликули-хан - на дочери. [1 ("*Байāн-и вāге*")]: С. 71].



шаху, и даже после этого Ильбарс-хан не пришел получить шахского расположения. А когда Надир-шах узнал о ночной атаке на Чарджу по приказанию Ильбарс-хана 3000 йомутов, его "ярость не знала границ". В заключение разгневанный Надир добавляет: "Сейчас отправляется персидский эльчи вместе с двумя слугами Абулфайз-шаха. Хан должен незамедлительно направиться к шахскому двору или [в обратном случае] готовиться к ужасным последствиям".

Согласно Л. Локхарту, Надир-шах из Бухары по совету Абулфайз-хана посылает гонца к Ильбарс-хану "вместе с двумя хаджи из Джуйбара" [6 ("Nadir Shah"): С. 189 - 190], а нападение йомутов на Чарджу произошло после того, как Надир выступил из Бухары [6 ("Nadir Shah"): С. 190]. Однако, как видно из текста письма, Надир был еще в Бухаре, когда йомуты напали на Чарджу, что означает, что он сначала послал письмо, после чего выступил из Бухары.

Ильбарс-хан, согласно Л. Локхарту, после получения письма с угрозами пришел в ярость и велел умертвить посланников Надир-шаха [6 ("Nadir Shah"): С. 190]. В своей хронике Мирза Мехди хан отмечает, что Надир-шах 16 раджаба 1153/Октября 1740 г. выступил из Бухары в Хорезм [3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 353].

Описывая сражение завоевание Хорезма, Мухаммад Казим отмечает, что вблизи местности Фетак между армией Надира и силами Ильбарс-хана произошло ожесточенное сражение, и войско последнего вынуждено было отступить в сторону крепости Хазарасп, у стен которой вновь произошло столкновение, в котором Ильбарс-хан потерпел поражение. Хивинский правитель укрылся со своими приближенными за прочными стенами крепости, ров вокруг которой заранее был заполнен водой из Джейхуна [4, ("*Алām ārāй-и Нāдири*")]: С. 808 - 810; 3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 355].

Надир-шах, узнав об укреплении крепости Хазарасп, больших запасах провианта и невозможностью приблизить свою артиллерию на нужное расстояние к крепости, чтобы предпринять фронтальную лобовую атаку [6 ("Nadir Shah"): С. 192], решил действовать по иному плану. По имевшимся у него данным, семья и казна Ильбарс-хана находились в крепости Ханка. Именно по ней Надир-шах и решил нанести основной удар, чтобы выманить осажденных из Хазараспа. Узнав о выступлении Надир-шаха на Ханка, хивинский правитель поспешил на помощь своей семье [4, ("*Алām ārāй-и Нāдири*")]: С. 811; 3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 355; 1 ("*Байāн-и вāге*")]: С. 81] и прибыл в Ханка в то же самое время, когда надировское войско приближалось с другой стороны. Хивинский правитель попытался перейти в наступление, однако, несмотря на мужественное сопротивление, ему вместе со сторонниками пришлось укрыться в

4-son

крепости [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 811 - 812; 2, ("*Тāрих-и Нāдиршахи*")]: С. 255].

Защитники крепости оказывали мужественное сопротивление в течение 3 дней, стены крепости получили сильные повреждения от тяжелой артиллерии Надира, многие сторонники покинули Ильбарс-хана, бежав в сторону Ургенча [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 812 - 813]. Неуверенный в поддержке своего войска, Ильбарс вынужден был признать поражение.

Мухаммед Казим пишет, что Надир-шах был близок к помилованию Ильбарс-хана [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 814], когда последний в сопровождении всех своих эмиров и высокопоставленных людей государства предстал перед иранским правителем. Однако, затем, вспомнив его "черные дела и убийство своих посланников", решил наказать вместе с его 20 сановниками [3, ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 357], а правление Хорезмом доверил Тахир-хану, одному из своих приближенных [4, ("*Алām ārāy-и Нāдири*")]: С. 817; 2, ("*Тāрих-и Нāдиршахи*")]: С. 257].

После падения Ханка Надир-шах направился в Хиву. Жители Хивы под предводительством Абдурахман-бека решил оказать сопротивление и не вступать в переговоры с представителями Надира. Шахское войско начало атаку с обстрела города из 18 орудий и 16 мортир. Кроме того, нападающие посредством подкопов сумели спустить воду из окружавшего город рва. В конце концов, горожане после двух дней мужественного сопротивления были вынуждены и, выбрав представителей из военачальников и авторитетных лиц (ришсефидов), направили их в шахский лагерь с просьбой о прощении. Их просьба была принята и город открыл врата [6 ("*Nadir Shah*")]: С. 193 - 194].

В Хиве по приказу Надир шаха было освобождено 12000 иранцев, взятых в плен Ильбарс-ханом во время его походов в Хорасан [3 ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 359]<sup>4</sup>. Всем им был дан провиант и средство передвижения, чтобы вернуться в родные края, к тому же было решено, что часть их разместится в построенной в 4 фарсангах от Абиварда по приказу Надира крепости Чашма-и Халджан, переименованной в последствии в Хивабад [3, ("*Тāрих-и джахāнгушā-и Нāдири*")]: С. 359] Автор "*Байāн-и вāге*" сообщал, что каждому освобожденному пленному было подарено 5000 иранских динаров, что равнялось 10 индийским рупиям [1, ("*Байāн-и вāге*")]: С. 89].

По сообщению источников Надир-шах провел в Хиве 15 дней, взял в свою армию 4000 хивинский воинов, назначил правителем (заммам-и омур) Хорезма Тахир-хана и 17 рамазана/7 декабря 1740

<sup>4</sup>В "*Байāн-и вāге*" сообщается о 7000 пленных [1 ("*Байāн-и вāге*")]: С. 89].

г. выступил из Хивы в сторону Чарджу.

Так завершился завоевательный поход иранского правителя Надир-шаха Афшара в Мавераннахр и Хорезм.

В целом, сведения сочинений персоязычных авторов, повествующих о походе Надир-шаха в Мавераннахр и Хорезм, позволяют осветить новые аспекты, связанные с ходом одного из важнейших событий региональной истории XVIII столетия.

#### Список использованной литературы:

1. بیان واقع، سرگذشت احوال نادر شاه و سفرهای مصنف خواجه عبدالکریم ابن خواجه عاقبت محمود کشمیری، به تصحیح و تحقیق دکتر کی. بی. نسیم، لاهور، ۱۹۷۰.
2. تاریخ نادرشاهی "نادرنامه"، تألیف محمدشفیع تهرانی "وارد"، به اهتمام رضا شعبانی، تهران، ۱۳۴۹.
3. جهانگشای نادری، تألیف میرزا مهدی خان استرآبادی، به اهتمام سید عبدالله انوار، تهران، ۱۳۷۷.
4. عالم آرای نادری، تألیف محمد کاظم مروی وزیر مرو، به تصحیح دکتر محمدامین ریاحی، جلد دوم، تهران، ۱۳۵۸.
5. Мунша'ат, рук. Института рукописей НАН Азербайджана, ш. М-139
6. Lockhart L., Nadir Shah. A Critical Study Based Mainly Upon Contemporary Sources, London, 1938

*Мамедова Рена*

#### Форсийзабон манбаларда Нодиршоҳ Афшарнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга юришлари ҳақида

Бу мақола форсийзабон манба ва китобларга асосланиб, Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга қилган ҳарбий ҳаракатларига бағишланган. Бир-биридан фарқ қилувчи ҳарбий ҳаракатларнинг тасвири бу манбаларда етарлича тасвирланган. Мақолада асл, тўғри ва ишончсиз маълумотларнинг таққосланишига ҳаракат қилинган.

*Mammadova Rena***Persian Written Sources about Nadir Shah's Campaign  
to Transoxiana and Khwarazm**

This article is dedicated to Nadir Shah's campaign to Transoxiana and Khwarazm and based on information from the works written in Persian. Sufficient consideration is given in these sources to the description of this campaign which differs from one to another. In this article there been made an attempt at comparison of sources which sometimes disprove, sometimes prove and sometimes even complete the information containing in these works.

*Ёш тадқиқотчи минбари*

*Ф. Жуманиёзова*

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРДА ТУРКИЙ  
ТИЛЛИ ЭТНОСЛАР ЎРНИ  
(ТЎХОРИСТОН ВА КОБУЛ ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)**

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида юз берган этник жараёнларда туркийзабон этнослар фаол иштирок этган. Айниқса, VI аср охирларида Турк хоқонлиги чегаралари фарба Византия, жанубда Ҳиндистон, шарқда Хитой чегараларигача бориб етгач, табиийки, мазкур мамлакатларнинг этник тарихи у ёки бу даражада туркий этнослар билан боғлиқ ҳолда кечган.

Одатда Хунлар давлати таназули ва Ички Осиё ҳудудида турлитуман қабилавий бирлашмалар шаклланиши билан алоқадор ҳисобланган туркий халқлар этногенези жараёни кўплаб тарихчи, турколог ва археолог олимлар томонидан ўрганилган. Аммо ушбу тадқиқотларда туркий қавмларнинг асосан Марказий Осиёнинг дашт ҳудудлари, хусусан Олтой, Жанубий Сибир, Мўғулистон каби минтақалардаги этник тарихига эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан олганда, илк ўрта асрларда Турк хоқонлигининг жанубий ҳудудларидаги воҳаларда, айниқса, ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон ҳамда Шимолий-Фарбий Покистон ҳудудларида яшаган туркий этнослар тарихини ёритиш долзарб масалалардан биридир.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, баъзи тадқиқотларда илк ўрта асрларда Амударёнинг жанубидан то Синдгача чўзилган улкан минтақада юз берган этник жараёнларда туркий тилли этносларнинг иштироки инкор этилган. Айниқса, бу мазмундаги фикрлар Кобул водийсидаги этник ҳолатга хосдир. Ҳатто, туркий қавмлар ва туркий сулола бошқарувчилари Ҳиндикушдан нариги томонга ўтмаган, деган фикр ҳам мавжуд бўлиб<sup>1</sup>, бу масала ниҳоятда изоҳ талабдир.

Маълумки, тарихий Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудларидаги мавжуд текислик ва тоғли воҳалар аҳолисининг аксарияти шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилишиб, уларнинг хўжалик ҳаётида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат катта ўрин тутган. Дарвоқе, илк ўрта асрларда Тўхористон (Қадимги Бақтрия) ва Кобул водийси маҳаллий ҳинд, эроний ва туркий қавмларнинг

<sup>1</sup>K u w a y a m a Sh. Historical notes on Kapisi and Kabul in sixth-eighth centuries. Zinbun, Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University, 1999, No. 34. Part.1. P. 53.

4-sop

ўзаро муносабатлари қоришган ҳудуд сифатида бир қатор ёзма манбаларда қайд этилади. Қуйида кўриб ўтадиганимиздек, Тўхористон бу даврда қадимги маҳаллий аҳоли (тўхорлар ва каписаликлар), эфталийлар ҳамда туркий тилли элатлар яшаган ўлка сифатида хитой ва араб манбаларида тилга олинади. Бинобарин, араблар босқинидан олдин Амударё ва Сирдарё оралиғи (Трансоксиана) аҳолиси ниҳоятда қоришиқ бўлган ва унинг салмоқли қисмини туркий этнослар ташкил қилган<sup>2</sup>. Умуман олганда, Тўхористон ва Кобулистон ҳудудларидаги аҳолининг бир қисмини туркий тилли аҳолидан иборат эканлиги мазкур минтақада милоннинг дастлабки асрлариданоқ Кушон салтанати, Хионийлар ва Эфталийлар давлатларига асос солган этносларнинг туркийлар билан у ёки бу даражада алоқадорлиги билан изоҳланади<sup>3</sup>. Бу даврда айниқса, Тўхористонда туркий этник қатламнинг салмоғи ортган бўлиб, археологлар мазкур ҳудуднинг VI охиридан то VIII аср бошларигача бўлган даврини "тўхорий-туркий даври" деб атайдилар<sup>4</sup>.

Тўхористон ва Кобул водийсидаги этник жараёнларда туркий қатламнинг фаол иштироки уларнинг мазкур ҳудудлардаги сиёсий таъсири билан боғлиқ эди. Маълумки, туркий тилли қавмлар 580-йилларда Тўхористон, Кобулистон ҳамда Хуросоннинг катта бир қисмидаги воҳа ҳукмдорликларини ўз қўл остига олади. Аммо, уларнинг хоқонлик таркибига киритилиши турли тиллардаги манбаларда батафсил келтирилмасдан, бир-икки жумла орқали ифодаланган, холос. Хусусан, хитой йилномаларида Турк хоқонлигининг илк фаолияти ёритилаётганда Ту-кюе (турк)лар Ида (Эфталийлар) давлатини мағлуб этиши қисқача баён қилиниб, унинг таркибидаги Фарбий ўлкалар хоқонлик томонидан қўлга киритилгани баён этилади<sup>5</sup>. Византия манбаларида эса 568 йилда Византияга борган хоқонлик элчиларининг Эфталийларнинг батамом тор-мор этилгани ва унинг қўл остидаги ҳудудлар уларнинг қарамоғига ўтганини таъкидлагани айтилади<sup>6</sup>. VI асрнинг сўнгги чорагида хоқонликнинг жануби-фарбий чегараси Амударёгача етганлиги Ўрхун-Энасой

<sup>2</sup> Frye R. N, Salyan A. M. The Turks in Khurasan and Transoxania at the time of the Arab conquest // The Moslem World. XXXV. Hartford, 1945. P.311.

<sup>3</sup> Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Индия в древности. Москва: Наука, 1985. 420-421-бетлар.

<sup>4</sup> Литвинский Б. А., Соловьев Б. С. Средневековая культура Тохаристана. Москва: Наука, 1985. 48-бет.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I. Москва - Ленинград, 1950-1953. 229-бет.

<sup>6</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Медини мурра - Культурное наследие. № 1. Астана, 2009. 100-101-бетлар.

битиктошларида Турк хоқонлигининг "Темир Қапиғ" ўлкасини қўлга киритиши тарзида тасвирланади<sup>7</sup>.

Шунингдек, VI асрнинг сўнгги чорагида Шимолий Афғонистон ҳудудида турк аскарлари ҳаракат қилгани хусусида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Жумладан, венгр эроншуноси Я. Харматта 569-570 йилларда Турк хоқонлиги ва Эрон ўртасидаги тўқнашув ҳақида ёзар экан, 575-580 йилларда Кобул ва Гандхара атрофларида турк қўшинлари ҳаракат қилганини таъкидлаб, бунинг исботи сифатида араб шоири ал-Аша (вафоти 622 йил)нинг 575-580 йиллар оралиғида ёзилган шеърда учрайдиган *'Turkun wa Kabulu'* (турклар ва Кобул [халқи]) иборасини келтиради<sup>8</sup>. Агар юқорида келтирилган далилга таянсақ, бу ҳолатни хоқонликнинг Кобул ва унга туташ вилоятларни ўз таркибига қўшиб олиш учун дастлабки ҳаракатларига алоқадор, деб ҳисоблаш мумкин. Шунга ўхшаш Кобул ҳукмдорлари ва туркларнинг бирга эслатилиши Сосонийларнинг илк ҳукмдорлари ҳатти-ҳаракатларига бағишланган ярим афсонавий "Корнамаги Ардашири Папагон" ("Ардашир Папак ўғлининг фаолияти ҳақида китоб") номли паҳлавий тилли асарда қуйидагича зикр этилган: "У Рум ва Ҳиндистондан товон ва ўлпон талаб қилди ва Эроншаҳрни чиройлироқ, кучлироқ ва шуҳратлироқ қилди. Ва Рум қайсари Шаҳриёр, Кобул ва Ҳиндистон подшоси тегин, турк хоқони ва бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорлари унинг саройига илтифотли саломлар билан келишди"<sup>9</sup>. Тибет манбаларида ҳам эътиборга лойиқ этногеографик атама учрайди. Масалан, VIII-IX асрларга тааллуқли тибет манбаларида қўлланилган "Другу-йул", яъни "Турклар мамлакати/Туркистон" атамаси остида Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудлари билан биргаликда Тўхористон ва Кобулистон<sup>10</sup>

<sup>7</sup>Култегин битиктоши, шарқий томони, 2-сатр; Билга хоқон битиктоши, шарқий томони 4-сатр.

<sup>8</sup>Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule// History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris. 1996. P. 368. ал-сАша (вафоти 622 й.) қаламига мансуб бўлган бу шеър VII асрнинг бошида тузилган ан-Набиға аз-Зубяний девонида учрайди. Шеърнинг тўлиқ матни ҳақида қаранг. Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente in Neupersischen. Band II. Wiesbaden. 1965. 490.

<sup>9</sup>Книга деяний Ардашира сына Папака. Транскрипция текста, перевод со среднеперсидского, введение, комментарий и глоссарий О. М. Чунаковой. Москва. 1987. 62-63, 83-бетлар.

<sup>10</sup>Тўхористон ва Кобул водийсига нисбатан тибет манбаларида ушбу атаманинг ишлатилиши асосида ҳар иккала ҳукмдорликнинг хоқонликка тобе бўлганлиги ва ўша пайтда аҳолисининг катта бир қисмини туркий этнослар ташкил қилганлиги ётади (Қаранг. Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A.D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. Budapest. 1979. P. 281).

4-sop

хам тушунилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хуллас, юқорида келтирилган турли тиллардаги ёзма манбалар маълумотлари VI асрнинг охирларидан бошлаб Тўхористон ва Кобул водийсида туркий тилли этносларнинг сиёсий ҳукмронлиги ёйила бошланганини кўрсатади.

Аммо, мазкур ҳудудларда туркий тилларда сўзлашувчи этносларнинг мавжудлигини фақат минтақада Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилиши билан боғлаш асоссиз бўлиб чиқади. Чунки қандайдир бир неча ўн йиллик ичида туркий қавмлар мазкур ҳудудга келиб шаҳарлар барпо этган ёки мавжуд шаҳарлар аҳолисининг катта қисмини ташкил қила бошлаган, деб хулоса чиқариш ўз изоҳини талаб қилади. Таъкидлаш ўринлики, Марказий Осиё минтақасининг Амударё - Сирдарё оралиғида, шу жумладан, Тўхористонда хоқонлик турклари келгунига қадар ҳам мазкур ҳудудлар аҳолисининг бир қисмини туркий тилли қатлам ташкил этар эди<sup>11</sup>. Шунингдек, улар баъзи тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, қандайдир ёлланма аскарлар гуруҳи ёки фақатгина маъмурий бошқарувдаги ҳукмрон табақа эмас, балки мазкур ҳудуд аҳолисининг муҳим бир бўлаги эди<sup>12</sup>. 629-645 йилларда Тўхористон ва Кобул водийсига ташриф буюрган хитойлик роҳиб Сюан Цзан келтирган маълумотларга кўра, Тўхористон таркибига кирган воҳаларда хоқонликнинг нуфузли туркий уруғлари яшаган. Жумладан, Кумедда тардуш, Шуман ва Ахарунда Хису (ўғуз?) турклари, Хуттал ва Вохонда туркий этносларнинг яна бир йирик гуруҳи истиқомат қилган<sup>13</sup>. Мазкур ҳудуд Фарбий Турк хоқонлиги таркибига киритилгач эса, Тўхористон воҳаларида яшовчи туркийзабон аҳолининг сони кўчиб келаётган ва аста-секин бу ерларда ўтроқлашиб бораётган қабилалар ҳисобига кўпайиб бораверган. Бироз кейинроқ (яъни, VIII асрдан кейинги давр) Тўхористон воҳаларига қарлуқларнинг катта бир гуруҳи келиб ўрнашган. Чунки, хитой йилномалари ҳамда мазкур ҳудудларга ташриф буюрган хитой сайёҳларининг (Сюан Цзан, Хой Чао, У Кун) сайёҳатномаларида (VII-VIII асрлар) уларнинг бу ҳудудларда мавжудлиги ҳақида сўз юритилмайди. IX-X асрларга оид Абу Жаъфар ат-Табарийнинг "Тарих ар-расал ва-л-мулук" ва муаллифи номаълум асар "Худуд ул олам"дагина Тўхористондаги туркий тилли қарлуқлар ҳақида маълумотлар қайд этилган<sup>14</sup>. Хуллас, Тўхористонга кўчиб келган

<sup>11</sup>М а л и к о в А. Тюрки в Тохаристане в VI-VIII вв.//ИМКУ.№30. 194-бет.

<sup>12</sup>F r u e R. N, S a y i l i A. M. The Turks in Khurasan... P. 308.

<sup>13</sup>Б о б о ё р о в Ф. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон // Мозийдан садо. Тошкент. 2002. №4. 11-бет.

<sup>14</sup>А б д у л л о е в Д. Топонимия средневекового Афганистана по сочинению Х в. "Худуд ал-алам" в свете археологических материалов и современных карт// Записки Восточного отделения Российского археологического общества (ЗВОРАО). Новая серия. Т. П. XXVII. Спб. Петербургское востоковедение. 2006. 58-бет.



қарлуқлар Вахш водийси ва унга қўшни воҳаларда ўрнашиб, ушбу ҳудудда азалдан мавжуд бўлган туркий тилли қатламга қўшилган<sup>15</sup>.

Тўхористон таркибидаги воҳалардан бири Хуттал аҳолиси юзасидан яна бир муҳим маълумот мавжуд. Хусусан, 726 йилда саёҳат қилган Хой Чао Хутталга ташрифи чоғида у ерда яшаган қавмлар ҳақида гапириб, "ҳукмдор тукюе (турк)ларнинг бош уруғидан. Маҳаллий аҳоли юзта уруғдан. Мамлакатнинг ярим аҳолиси ху (маҳаллий аҳоли)дан, қолган ярми эса турклардандир" дея таъкидлайди<sup>16</sup>. Демак, ушбу маълумот туркий қавмлар мазкур ҳудуд аҳолисининг асосий қатлами эканига тўғридан-тўғри ишорадир.

Масала юзасидан ёзма манбаларда келтирилган маълумотларни археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Археологик топилмаларга қараб, туркий қавмларнинг Тўхористон воҳаларига кириб келиши иккита йўл орқали амалга оширилган, деб хулоса қилиш мумкин. Айниқса, туркий тилли аҳоли ҳудуднинг шимолий-шарқи қисмида жуда сезиларли бўлиб, уларнинг оммавий равишда миграцияси Шерободдарё водийси орқали, иккинчиси эса Вахш водийси бўйлаб амалга оширилган<sup>17</sup>. Шерободдарё водийсидан топилган кўплаб содда нақшлар туширилган қўлда ясалган сопол буюмлар бу ҳудудга туркий этнослар келиб ўрнашганлигини кўрсатади<sup>18</sup>. Шунингдек, Тўхористонга Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳамда Суғддан кўплаб туркий қабилалар кўчиб келиб, уларнинг асосий катта қисми Шерободдарё водийсига ўрнашган эди<sup>19</sup>. Айниқса, бу миграция жараёни Тарду-шад Тўхористон ябғуси қилиб тайинланган даврга (VII аср биринчи чорағи) тўғри келади ва бу даврда Етгисув ҳамда Суғддан туркий қатламнинг оммавий равишда Тўхористон ҳудудига кўчиб келиши кузатилади<sup>20</sup>. Бинобарин, араб-форс манбаларида Юқори Тўхористонда туркий қабилалардан тардуш, қарлуқ ва канжина каби туркий тилли қавмлари яшаганлиги ҳақида маълумот

<sup>15</sup>Л и т в и н с к и й Б. А, С о л о в ь е в В. С. Средневековая культура... 146-бет.

<sup>16</sup>F u c h s W. Huei-Chao's Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preussischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. Klasse. 1938. P. 452; Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726)//Вестник древней истории. 1. Москва, 1952. 189-бет.

<sup>17</sup>П у г а ч е н к о в а Г. А., Р т в е л а д з е Э. В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры(древность и средневековье). Ташкент: Фан. 1990. 135-бет.

<sup>18</sup>М а л и к о в А. Тюрки в Тохаристане ... 197-бет.

<sup>19</sup>Б о л е л о в С. Б. Комплекс керамики VII-VIII веков из Северного Тохаристана. Древняя и средневековая культура Сурхандарьи. Сборник научных статей, посвящённых археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. Ташкент. 2001. 79-бет.

<sup>20</sup>К а м о л и д д и н о в Ш. С. Историческая география... 9-бет.

4-son

учрайдики<sup>21</sup>, фикримизча улар айнан шу даврга тааллуқлидир.

Шу билан бирга, қуйидаги археологик материаллар ҳам Тўхористонда туркий этнослар яшаганлигини кўрсатади. Масалан, Файзободдан (Жанубий Тожикистон) топилган VI-VIII асрга тегишли ҳайкал ҳамда балбаллар<sup>22</sup>, Қундуздан (Шимолий Афғонистон) топилган Тўхористон ябғулиги даврига (630-750 йиллар) оид Ж. Хаскин томонидан "қисик кўзликлар" (монголоид) номи берилган ҳайкаллар тўплами<sup>23</sup> шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Шимолий Тўхористон ҳудудида топиб ўрганилган Болаликтепа деворий суратлари ҳам мазкур ҳудуддаги туркий этнослар билан боғлиқ этносиёсий муҳитни ўзида акс эттиради. Сўнгги маълумотларга кўра, ушбу деворий суратлар VI аср охири - VII аср биринчи чорагига тегишли бўлиб, улар бевосита мазкур ҳудудда туркий сулола ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади<sup>24</sup>. Умуман олганда, Болаликтепа деворий суратларидаги персонажлар тўлиқ қадимги туркий тош ҳайкалларининг маълум бир гуруҳига алоқадорлигини кўриш мумкин. Юқоридагилар билан бирга, Кофирқалъадан топилган заргарлик буюмлари ва найза учлари, Ажинатепадан топилган мис тўқаларда туркийларга хос белгилар мавжудлиги сезилади. Бундан ташқари, VII-VIII асрларда Шимолий Тўхористон ҳудудида қадимги туркий ёзувдан фойдаланилганлигини кўрсатадиган далилларнинг учраши ҳам туркий тилли этносларнинг мазкур ҳудудларда бирмунча кенг тарқалганини тасдиқлайди<sup>25</sup>. Хуллас, VI-VIII асрларга тегишли бўлган кўплаб археологик топилмалар қадимдан Тўхористон воҳалари туркий қабилалар жойлашган этноҳудуд бўлганлигидан дарак беради.

Тарихан Тўхористон билан боғланган ва унга қўшни бўлган Кобулистонда ҳам туркий тилда сўзлашувчи қавмлар истиқомат қилганлигини тасдиқлайдиган маълумотлар талай. Маълумки, илк ўрта асрларда Кобул водийсида хилма-хил тиллар (шарқий эроний тиллари, шунингдек, санскрит, пракрит, дард ва бурушаски)да сўзлашувчи аҳоли қоришиқ ҳолда яшаши баробарида, туркий тилда сўзлашувчи аҳоли ҳам аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этган<sup>26</sup>.

<sup>21</sup>Esin E. Tabari's report on the warfare with the türkiš and the testimony of eighth century Central Asian art // Central Asiatic Journal. Vol. XVII. Otto Harrassowitz. Wiesbaden. 1973. P.133.

<sup>22</sup>П у г а ч е н к о в а Г. А., Р т в е л а д з е Э. В. Северная Бактрия... 135-бет.

<sup>23</sup>E s i n E. Butan-I Halac (M.VIII.-X yuzyillarda Halac kulturunun sanat eserlerinde akisleri)//Turkiyat Mecmuasi. Cild XVII. Istanbul. 1972. S.47.

<sup>24</sup>С о л о в ь е в В. С. Северный Тохаристан в раннем средневековье. Елец, 1997. 120-бет.

<sup>25</sup>А н н а е в Т. Д. Раннесредневековая поселения Северного Тохаристана. Тошкент: Фан, 1988. 76-бет.

<sup>26</sup>H a r m a t t a J., L i t v i n s k y B. A. Toharistan and Gandhara... P. 384.

Бинобарин, араб истилосига қадар Кобул водийсида туркий тилли аҳоли истиқомат қилгани ҳамда бу ҳудудда келиб чиқиши туркий сулолага мансуб бўлган Кобул тегиншоҳлари давлати то IX асргача фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур сулола ҳокимияти нафақат Кобулда, шунингдек, унга туташ Сейистон, Ар-Рухаж, Фазна, Пешовар, Сват, Кашмир ва Синдгача бўлган ҳудудда ўрнатилган бўлиб, уларнинг вакиллари ўзларининг она тили бўлган туркий тилни узоқ вақтгача сақлаб келганлар<sup>27</sup>.

Манбаларда Кобулистондаги туркий қавмлар ва туркий сулоланинг эслатилиши VII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Масалан, "Тан шу"даги маълумотларга қараганда, Фарбий турк ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618-630 й.) Боси (Форс/Эрон) ва Гибин/Каписа (Кобулнинг шимолий қисми)ни бўйсундирган<sup>28</sup>. 627/629-645 йилларда Марказий Осиё орқали Ҳиндистонга борган хитойлик роҳиб Сюан Цзан 630-йилларда Тўхористондан Кобул орқали ҳинд тупроқларига қадам қўяр экан, бу ерда тукюе (турклар/Ашина турклари) ҳокимияти эндигина ёйилаётганлигига гувоҳ бўлган эди. Роҳиб Ҳиндистондан қайтаётганда (640-йиллар) Шимолий Ҳиндистондаги воҳа давлатларидан бири Фу-ли-ши-са-тань-на (Кобулистон) ҳукмдорининг тукюелардан эканлигини қайд этган<sup>29</sup>. Айниқса, Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида келтирилган Кобулнинг илк туркий ҳукмдори - Барҳатакен ҳақидаги афсона Кобул водийсида азалдан туркий тилли аҳоли мавжудлигини тасдиқлайди<sup>30</sup>. Фикримизча, Кобулда мазкур туркий ҳукмдорнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ушбу афсона прототурк этник жамоаси шакллана бошлаган даврга бориб тақалувчи этнофольклор хотираларга алоқадордир.

Араб манбаларида келтирилган маълумотларда туркий аҳоли вакиллари ва кобулшоҳлар (Кобулдаги туркий ҳукмдорлар унвони) Кобул водийсида араб истилочиларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган куч сифатида тасвирланади. Хусусан, араб муаллифларидан бири Халифа ибн Ҳаййат (ваф. 860) ўзининг "Тарих" номли китобида ҳижрий 46/666 йилда Кобул водийси туркийларидан иборат қўшин ҳамда Кобулшоҳ қўшинлари араблар устидан ғалаба қозонгани ва

<sup>27</sup>Д а в ы д о в А. Д. Топонимика Афганистана как исторический источник // Восток. Москва: Наука, 2001. 18-бет.

<sup>28</sup>E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne gore Turkistan. (Basilmamis doktora tezi). Hacettepe Universitesi. Sosyal Bilimler Enstitusu. Ankara. 2003. S. 161.

<sup>29</sup>E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne gore... S. 180-181.

<sup>30</sup>А б у Р а й х о н Б е р у н и й. Танланган асарлар / Арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов ва Ф. Жалолов тарж. Масъул муҳаррир: Ф. Жалолов, А. Ирисов. Т. 2. Тошкент, 1963. 311-312-бет.

4-son

уларни Кобулдан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлгани қайд этилади<sup>31</sup>. Умуман олганда, VII асрнинг биринчи ярмида Кобул водийси ва унга туташ ҳудудларда туркий қавмлар етакчилик қилувчи этносиёсий муҳит мавжуд эди. Буни ўтган асрнинг охирларида Шимолий Афғонистон ҳудудидан топилган ва фан оламига маълум қилинган VII аср биринчи ярми ва VIII аср бошларига тааллуқли бақтрий тилли хужжатлардаги айрим маълумотлар ҳам ойдинлаштиради. Масалан, ушбу хужжатларда ҳам этноним, ҳам давлат номи сифатида қўлланилган "турк" атамасига алоқадор , *т о р к о, т о р о с а н з о, с џ р о т о р к о* каби иборалар аниқланган<sup>32</sup>. Яқинда Н. Симс Виллиямс томонидан нашр қилинган "Turks and other peoples in the Bactrian documents" номли мақолада бақтрийча хужжатларда турк атамасининг *torko* (693-747 йиллар), *torosanzo* < \**torko*+ - *sanzo* ( 700 й.), *dorko*, (714 й.) каби шакллари ва 10 дан ортиқ туркийларга тегишли унвонлар ҳамда шахс номлари учраши кўрсатиб берилди<sup>33</sup>.

Тарихан Шимолий Ҳиндистонга тегишли Гандхарада (Шимолий-Фарбий Покистон) VIII асрнинг биринчи ярмида туркий тилли аҳоли яшаганини тасдиқлайдиган маълумотларнинг учраши эса илк ўрта асрларда туркий этнослар тарқалиш географиясининг ниҳоятда кенгайганлигини кўрсатади. Хусусан, 723-729 йилларда Гандхарага ташриф буюрган сайёҳ Хой Чао мазкур ҳудуддан ўтар экан, "туkjо [турк] ҳукмдорининг отаси ўзининг қабиласи, аскарлари ва чорвасига эгалик қилган ҳолда Гибин (Каписа) ҳукмдорига бўйсунгани ва кейинроқ тукjоэларнинг ҳарбий кучлари юксалгач, у Гибин ҳукмдорини ўлдириб, мамлакатнинг танҳо ҳукмдорига айлангани"ни ёзади<sup>34</sup>. Бироз кейинроқ, бошқа бир роҳиб У-Кун 753 йилда Гандхарага ташрифи мобайнида у ерда туркий шаҳзода ва малика томонидан қурилган Эл-Тегин (*Ye-li T'e-le*) ва Хотун (*Ke-ho-tun*) номлари билан аталувчи ибодатхоналарни кўрганлигини зикр қилади<sup>35</sup>.

Шунингдек, илк ўрта асрларда туркий тилли қабилалар яшаган чекка жанубий ҳудуд - Зобулистон этносиёсий ҳолатига алоқадор маълумотлар ҳам етиб келган. Хусусан, бу масалада "Янги Тан сулоласи тарихи"да келтирилган маълумот муҳимдир: "*Сиуй*

<sup>31</sup>B a l o c h N. A. Milattan sonra yedinci ve onuncu yuzyillarda turk davletlerinin ve prensliklerinin tarihi perspektifi isiginda Beyruni'nin Kabul ve Pesaver'in turk yoneticilerine isaretinin degerlendirilmesi. Uluslararası Ibn Turk, Harezmi, Farabi, Beyruni ve Ibn Sina sempozyumu bildirileri. Ankara. 1990. S.26.

<sup>32</sup>S i m s - W i l l i a m s N. Bactrian Dokuments from Northern Afghanistan I. Legal and Economic Dokuments. Oxford, 2000. P. 346.

<sup>33</sup>S i m s - W i l l i a m s N. Turks and other peoples in the Bactrian documents // Otuken'den Istanbul'a. Turklerin 1290 yili (720-2010). Istanbul. 2011. S. 20.

<sup>34</sup>F u c h s W. Huei-Chao's Pilgerreise... S. 445.

<sup>35</sup>E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne gore... S. 161.

мамлакати Тўхористоннинг жануби-ғарбида жойлашган... Хукмдори Хе-си-на шахрида ўтиради... Мамлакатда турклар, каписаликлар ва тўхорлар қоришиқ ҳолда яшайдилар. Каписа мамлакати хукмдори уларнинг қўшинларидан фойдаланиб арабларга қарши кураш уюштиради<sup>36</sup>. Юқоридаги маълумотдан англашиладики, Зобулистондаги этник жараёнларда маҳаллий аҳоли билан биргаликда туркий этнослар ҳам иштирок этган.

Мазкур хитойча маълумотларни араб манбаларида келтирилган маълумотлар тўлдирди. Масалан, машҳур Уммавийлар ноиб ал-Хажжаж Сейистонда яшовчи гузз (ўғуз) ва халаж (халач) каби туркий қавмларига қарши кураш олиб боргани<sup>37</sup>, Фазна ва Буст шаҳарларининг туркий хукмдорлар қўлида бўлгани<sup>38</sup> каби маълумотлар шулар жумласидандир. Шунингдек, Маъсудийнинг "Муруж ал-заҳаб" асарида Сейистон, Буст ва ар-Рухжада гуззлар ва халачлар яшаганлиги айтилади<sup>39</sup>. Маълумки, бу вақтда ўғузлар ва халачлар туркий тилли қабилалар орасида энг нуфузлиларидан бўлган.

Илк ўрта асрларда Шимолий Афғонистон ҳудудида яшаган туркий тилли қабилалар ҳақида сўз юритилганда, асосий туркий қатлам халачлардан иборат бўлгани таъкидланади. Япониялик тадқиқотчи М. Инаба ўз тадқиқотларида VII асрдан то IX асргача бўлган даврда Ҳиндикушнинг жанубида фаолият юритган туркий бошқарувчилар ва у ерда жойлашган туркий қабилалар халачлардан эканлигини олға суради<sup>40</sup>. Аммо халачлар мазкур ҳудудларга қачон келиб ўрнашгани номаълум. Бу ҳудудда уларнинг манбаларда илк марта эслатилиши VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Яъни бақтрий тилидаги ҳужжатларда халачлар номи биринчи марта *х а л а с о* шаклида 669 йилга тегишли Самингонда ёзилган ҳужжатда келтирилади<sup>41</sup>. Кейинги даврларга тегишли бўлган мусулмон манбаларида эса мазкур ҳудудда яшаган халачлар ҳақида маълумотлар кўп учрайди. Масалан, Истахрийнинг "Масолик ал-мамолик" асарида "Халачлар турклардан бир синф бўлиб, эски замонда улар Ҳинд ва Сейистон ҳудуди оралиғига, гурларнинг орқасига келиб жойлашган" деган маълумот бор<sup>42</sup>. Баъзи манбаларда эса Кобул ва Вохон ҳудуди ҳамда Хутталнинг ортидаги ерлар то Ҳиндистонга қадар Халач диёри сифатида эслатилган<sup>43</sup>.

<sup>36</sup>Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 177-178.

<sup>37</sup>Frye R. N., Sayili A.M. The Turks in Khurasan ... P. 314.

<sup>38</sup>Sesen R. Islam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Turk ülkeleri. Ankara. TTK. 2001. S. 20.

<sup>39</sup>Sesen R. Islam Coğrafyacılarına göre... S. 56.

<sup>40</sup>Minoru Inaba. The Identity of the Turkish to the Hindukush from the 7th Centuries A. D. Zinbun, 2005, No. 38, P. 1-19.

<sup>41</sup>Sims-Williams N. Turks and other peoples... S. 21.

<sup>42</sup>Sesen R. Islam Coğrafyacılarına göre...-S. 162.

<sup>43</sup>Уша жойда.

4-son

Ушбу улкан ҳудудда халач туркчаси расмий тил бўлган. Чунки араб манбаларидан бирида рутбил унвонли Фазна ҳукмдори билан Кобулшоҳ ўзаро мактублашганлиги ва ўша мактуб "халач тили"да ёзилганлиги зикр этилган<sup>44</sup>. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, илк ўрта асрларда халач турклари Шимолий Афғонистон ҳудудида зич ҳолда яшаган деб хулоса қилиш мумкин. Маълумки, кўпчилик олимлар ўрта асрларда Афғонистон ҳудудида яшаган халач туркларини эфталийларнинг кейинги авлодлари сифатида қарайдилар<sup>45</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрларда Тўхористон ва Кобул водийсида туркий тилли этник қатлам анча сезиларли нуфузга эга бўлган. Ушбу ҳудудда Фарбий Турк хоқонлиги фаолияти ўрнатилмасидан олдин ҳам этник жараёнларда туркий қавмлар иштирок этган, деб ҳисоблаш учун етарли асослар бор. Бу мазкур ҳудудларда ҳукм сурган Кушонлар, Хионийлар ва Эфталийлар каби давлатлар асосчиларининг туркий тилли этнослар билан этник яқинлиги ёки улар орасида туркий элементлар учрашига доир фикрларнинг мавжудлиги асосида ҳам ўз тасдиғига эга. Фарбий Турк хоқонлиги Амударё жанубидан то Синдгача бўлган ҳудудда ҳокимияти ёйилгач эса бу ҳолат мазкур ҳудуд аҳолисининг этник структурасига сезиларли таъсир кўрсатган, албатта. Натижада Тўхористон, Кобул водийси ва Зобулистонда туркий этник қатламнинг салмоғи ошган.

*Ф.Жуманиязова*

**Место тюркоязычных этносов в этнических процессах эпохи  
раннего средневековья  
(на примере Тохаристана и Кабульской долины)**

В статье на основе данных письменных источников на различных языках и археологических источников освещается расселение тюркских этносов (тардуш, тюрки хи-су, карлуки, халаджи, гуззы, тюрки кенджина др.) на территории Тохаристана и Кабульской долины и их участие в этнических процессах на данной территории. Данные археологии и письменных источников показывают, что тюркские этносы составляли значительную часть населения, упомянутых выше регионов.

<sup>44</sup>T e z c a n M. Kusanlar, Akhunlar ve Eftalitler//Tarihte Turk - Hint Iliskileri Sempozyumu Bildirileri. Ankara, 2006. S.181-182.

<sup>45</sup>M i n o r u I n a b a. The Identity of the Turkish... P.10-16.

*F. Jumaniyazova*

**The role of the Turkish - speaking ethnic groups in the ethnic processes of the Early Medieval Ages (in the example of Tokharistan and Kabul Valley)**

In article on base of the given written sources on different languages and archeological sources is illuminated settling Turkic ethnic groups (Tardush, Xsi-su Turks, Qarluq, Haladj, Oghuz, Kenjina Turks and others) on territory Toharistan and Kabul valley and their participation in ethnic process on given territory. The archeological data and written sources show that Turkic groups formed the much of the population, mentioned above region.

*С.Назарова*

**XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ:  
ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР**

XX асрнинг 20-30 йиллари Ўзбекистон маданияти тарихида мураккаб давр ҳисобланиб, бу хусусият ўша йилларда тараққий қилган саҳна санъатига ҳам тааллуқлидир. 20-йилларда бошланган маданий қурилишнинг давлат дастурида миллий маданиятларни ривожлантириш масаласи қўйилган бўлса-да, аммо улар бир-бирига қарама-қарши, баъзида тўсиқларга дуч келиш ҳолатлари билан амалга оширилди. Буйруқбозлик, турғунлик иллатлари, айниқса 20-йиллар охири 30-йилларда кучайиб кетган тоталитар тузум маданиятнинг барча йўналишлари каби, мусиқа санъати тараққиётида ҳам ўзининг изини қолдирди. Гарчи бу масалага бўлган эътибор "ҳал қилинган", "юксак ютуқларга эришилган" муаммолар доиралар сирасига киритилган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида унинг ечилмаган жиҳатлари, тараққиётига тўсиқ бўлувчи иллатлар талайгина эди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, миллий зиёлилар халқ санъатини ривожини учун жон куйдириб, ўз саъй-ҳаракатларини шу соҳа тараққиётига йўналтирдилар.

XX асрнинг 20-йилларида анъанавий ўзбек мусиқа маданияти турли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бу йилларда ўзбек мусиқа санъатининг мавжуд ҳофизчилик йўналишининг такомиллашувини кузатиш мумкин. Устоз-шогирд анъанаси асосида авлоддан-авлодга ҳофизчилик санъатига октябрь тўнтаришидан кейин эътибор қаратила бошланди. Бунга шу йилларда очилган мусиқа билим юртлари, консерватория, мусиқа мактаблари, техникумлар каби ўқув

4-son

муассасалари асосий туртки бўлди.

Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов ва бошқа ўзбек ҳофизлари халқ орасида мақом жанрида куйлаганлар. 20-йилларнинг бошларидан эса улар турли мусиқий ижодий жамоалар таркибига, яъни бирлашган ансамблларга тортила бошладилар. Шундай ансамбллардан бири, 1926 йилда ташкил топган этнографик мусиқали ижодий гуруҳи эди. Унинг ташкил топиши ўзбек мусиқа маданияти тарихида янги саҳифани очиб берди, деб айтиш мумкин. Ансамбл таркиби—Уста Олим Комилов (чангчи ва доирачи), Абдуқодир Исмоилов (найчи), Аҳмаджон Умрзоқов (қўшнаичи), Тўхтасин Жалилов(ғижжакчи) Юсуфжон Шакаржонов (қизиқчи), раққослар Худойберди ва Ота Хўжа, Муҳаммад Бобохожи, раққоса ва қўшиқчи Тамарахонимлардан ташкил топган эди<sup>1</sup>.

Бироқ бу жамоани молиявий қўллаб - қувватлаш масалалари ҳукумат томонидан етарли даражада бажарилмаган. Бу ҳақда Муҳиддин Қори Ёқубов ўз хотираларида шундай маълумотларни келтиради: "...ҳукуматдан ёрдам сўраб 5000 рубль миқдорида маблағ ажратилишини сўрадим. Бу ташаббусимга ишончсизлик билдирилди, аммо маблағ берилишига ваъда қилинди. Берилган 1000 рубль миқдорида маблағ эвазига машҳур мусиқачи, қўшиқчи ва раққосларни йигиб бир ойлик машқлар бошланди. Шу давр оралиғида у 500-600 га яқин ўзбек халқ ва классик қўшиқлари йиғилди. Машқлар даврида Халқ маорифи комиссарлиги маблағнинг қолган қисмини ажрата олмади ва бунинг натижасида труппага ойлик маошни тўлай олмаганимдан отамдан қолган ҳовлини сотишга мажбур бўлдим. Тайёрланган концерт дастури Ўзбекистон МИК (ЦИК)нинг сессиясида кўрсатилгандан кейин, Халқ маорифи комиссарлиги қолган 4000 рублни ажратди"<sup>2</sup>. Ушбу маълумотлар ўзбек санъаткорларининг фидойи бўлганликларини, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай санъат ривожини учун саъй-ҳаракатларини аямаганликларини яққол кўрсатиб беради.

Мазкур мусиқий гуруҳнинг ижодий фаолияти борган сари кенгайиб борди. Нафақат халқ орасида, балки бутун мамлакат доирасида катта эътибор қозонди. 1927 йилнинг 20 апрелидан бошлаб труппа Россия ва Кавказ бўйлаб гастрол сафарига чиқди. Улар Москва, Нижний, Пермь, Вятка, Вологда, Ленинград, Минск, Киев, Харьков, Семфилополь, Севастополь, Ялта, Новороссийск, Сухуми, Батуми,

<sup>1</sup>Музыкальная культура Советского Узбекистана. Очерки. Ташкент, 1955. 96-бет.

<sup>2</sup>Театральное искусство Узбекистана в документах, воспоминаниях, фотографиях (1917-1927гг.) Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архиви. №693/3 954-бет.



4-sop

Тифлис, Баку, Полторацк (Ашхобод) каби жами 25та шаҳарда ўзбек мусиқа маданиятини намоиш этиб келдилар<sup>3</sup>.

1929 йилнинг апрел ойида мазкур этнографик мусиқа ансамбли экспериментал (тажрибавий) мусиқа театрига айлантирилди. У биринчи Ўзбек Давлат мусиқали театри сифатида 1929 йил 7 ноябрдан ўз фаолиятини бошлади. Мусиқали театр ўзининг илк намоишлариданоқ совет ҳукуматининг ўша йиллардаги олиб бораётган сиёсати масалаларини ҳам саҳна кўриниши орқали томошабинга етказишга ҳаракат қилди. Бу табиий эди. Зотан 1920-30 йилларнинг долзарб мавзулари сифатида "Ҳужум" ҳаракати, ер-сув ислоҳати жараёнлари театрлаштирилган асарларда намоён этилиши, халқ орасида тарғибот - ташвиқот вазифасини ҳам бажарар эди. Шу мақсадда 1929-1930 йиллар оралигида Ўзбек Давлат мусиқали театри республика бўйлаб қатор гастролларни уюштирди<sup>4</sup>. Албатта, бу саҳна асарлари совет воқелигини улуғлашга, уни оқлашга қаратилган бўлсада, ўзбек мусиқа санъатининг профессионаллашувига ҳам жуда катта туртки бўлганлигини таъкидлаш зарур.

1930-йилларга келиб Ўзбек Давлат мусиқали театри номи тез-тез ўзгариб турганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1933 йили Ўзбек давлат мусиқали театри рус опера ва балет театри билан қўшиб юборилиб, Свердлов номидаги бирлашган театр номини олди<sup>5</sup>. Жамоа бу даврда рус театри билан бир бинода ижод этиб, унинг маъмурий, хўжалик, молиявий, бадий раҳбарлиги битта бўлган. Ўзбек ва рус театрлари бир бинода ижод қилиб фаолият юритган бўлсалар ҳам, лекин саҳна асарларининг намоиш этилиши бир хилда бўлмаган. Масалан, 1936 йилнинг январ ойи репертуарида жами 43 та саҳна асари намоиш этилган бўлса, шундан 29таси рус театрига, 14 таси Ўзбек давлат мусиқали театрига тўғри келади<sup>6</sup>. Бу рақамлар ўзбек тилида қўйиладиган спектаклларга талаб юқори бўлишига қарамай, асосий эътибор рус тилида қўйиладиган саҳна асарларига берилганлигини кўриш мумкин.

1936 йилга келиб, Ўзбекистон ҳукумати Ўзбек мусиқа жамоасининг қўлга киритаётган ютуқларини, ушбу санъат турига халқ орасида талабнинг ортиб бораётганлигини инобатга олиб Свердлов номидаги бирлашган театрни иккига бўлиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан эътиборан Ўзбек Давлат мусиқали театри Акмал Икромов

<sup>3</sup>Ўша асар. 999-бет.

<sup>4</sup>ЎзР МДА. Р-2062-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 2-варақ.

<sup>5</sup>ЎзР МДА. Р-2062-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 44-варақ.

<sup>6</sup>Театр им. Свердлова. Материалы и документы 1935г. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архиви № 325/5. 1-бет.

<sup>7</sup>ЎзР МДА. Р-837-фонд, 14-рўйхат, 74-иш, 165-варақ.

4-son

номи билан юритилиб, мустақил жамоа сифатида фаолият юритди<sup>7</sup>. Бироқ бирлашган театр иккига бўлингандан кейинги 1936 йил июн ойидан йил охиригача бўлган бюджети тақсимоотида рақамларнинг бир-биридан кескин фарқини кўрамиз. Масалан, ўзбек театрига 616.500 рубль берилган бўлса, рус театрига 1.149.700 рубль ажратилган. Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики, рус театри ўзбек театрига нисбатан кўпроқ эътиборда бўлган<sup>8</sup>.

1939 йилда, Ўзбек Давлат мусиқали театрига Ўзбек Давлат опера ва балет театри мақоми берилди. Театр жамоасининг бир қисми эса шу йили ташкил топган Муқимий номидаги мусиқали театр таркибига киритилди. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ўзбек мусиқали театри босқичма-босқич ривожлана бориб опера ва балет театри даражасигача кўтарилди. Ютуқлар билан бирга бу даврда камчиликлар, етишмовчиликлар ҳам бўлган. Буни Ўзбек Давлат мусиқали театри раҳбари Муҳиддин Қори Ёқубовнинг 1930 йил 20 сентябрда Халқ маорифи комиссарлигига йўлланган ҳукуматдан ёрдам сўраган маълумотида кўриш мумкин. Унда ёзилишича, Театр биносининг йўқлиги, актёрлар учун ётоқхона ва жамоанинг репетиция хоналарининг мавжуд эмаслиги каби ҳолатлар жамоанинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилган, иш сифатига салбий таъсир этган<sup>9</sup>.

Театр фаолиятининг илк йилларида сахна асарларига қараганда концерт дастурларига кўпроқ эътибор берилган. Бунинг асосий сабаби сахна декорацияларига маблағнинг етарли эмаслиги, шунингдек, халқнинг куй ва кўшиққа бўлган муҳаббати бўлиб, театр жамоаси буни инобатга олиб, пуллик концертларга қараганда бепул концертлар кўпроқ намойиш этган.

Театр жамоасининг биринчи сахналаштирилган пьесаларидан "Аршин мал алан", "Ризаворчи", "Ҳалима" асарлари ҳисобланади. Мусиқали драма жанридаги илк ўзбек асарларидан бири Ф.Зафарий қаламига мансуб бўлган "Ҳалима" пьесасидир. Асар профессионал жиҳатдан яхши ишланганлиги сабабли халқ орасида машҳур бўлиб кетди, уни бир марта кўрган томошабин яна кўриш учун келар эди. Бироқ мазкур сахна асари ўз даври матбуотида кескин танқидга учрайди. Танқиднинг мазмуни асарда "гўё" давр мавзуси етарли ёритилмаганлиги, унда фақат ўз эрки-озодлиги учун курашмаган икки инсон муҳаббатигина келтирилганлиги, асар якуни уларнинг ўлими билан тугаганлиги важ қилиб кўрсатилди. Чунки ўша йиллардаги асосий фикрлардан бири: "Томошабин пьесани кўргандан

<sup>7</sup>ЎзР МДА. Р-837-фонд, 14-рўйхат, 74-иш, 165-варақнинг орқа тарафи.

<sup>9</sup>ЎзР МДА. Р-844-фонд, 5-рўйхат, 94-иш, 21-23-варақлар.

4-son

кейин илгари аёлларнинг мавқеи қай даражада ёмон бўлганлигини кўриши совет ҳукумати бераётган ҳуқуқлари билан ва аёлларнинг эришаётган ютуқларини таққослаши керак" деган фикрлар устуворлик қилди<sup>10</sup>. Шу сабабли 1933 йили асар театр репертуардан олиб ташланди. Пьеса халқ орасида катта қизиқиш уйғотганлиги инobatга олиб Ўзбекистон КП МҚ котиби А.Икромовнинг шахсан аралашувидан кейин, "Ҳалима" спектакли яна саҳна юзини кўрди<sup>11</sup>.

Шунингдек, бу йилларда қадимий мумтоз адабиёт намуналарига мурожаат ҳам кузатилади. Ёзувчи Хуршиднинг "Фарҳод ва Ширин" ва "Лайли ва Мажнун" мусиқали драмалари саҳна юзини кўрди<sup>12</sup>.

1933 йили В.Ян ва А.Чўлпоннинг "Ҳужум" номли комедия жанридаги театр томошаси саҳналаштирилди. У фақатгина бир марта - 1933 йилнинг 14 феввалида қўйилди, холос. Унда ўша давр учун муҳим мавзу - аёлларнинг озодликка чиқариш ҳаракати кўрсатилсада, бироқ у репертуардан олиб ташланди. Бунга сабаб эса асар муаллифларидан бири А.Чўлпоннинг миллатчиликда айбланишни бошланганлигида эди<sup>13</sup>.

Шу қаторда айтиб ўтиш жоизки, 1924 йилдан бошлаб ўзбек саҳна санъати учун малакали кадрлар етказиб бериш масаласи кўтарилди. Шу мақсадда совет ҳукумати иқтидорли ёшларни Москвага ўқишга юборишни режалаштирди. Ёшлар Москвадаги "Ўзбек маорифи уйи" қошидаги драматик студияда ўз малакаларини оширдилар. Улар орасида Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятгов, Сора Эшонтўраева, Етим Бобожонов, Л.Назруллаев, С.Табибуллаев ва бошқалар келажакда Ўзбекистон халқ артисти унвони даражасигача эришишганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида Москвадаги Ўзбек Драма студиясида таҳсил олган талабаларнинг Ўзбек Давлат драма театри ходимларига йўллаган мактуби сақланади. Унда ёзилишича: "... биз сизларда мавжуд бўлган ўзбек пьесаларининг русча таржимасини юборишингизни сўраймиз. Шунингдек, бизга моддий томондан ёрдам керак. Сизлар ўзингиз ҳам яқинда талаба бўлгансиз.

<sup>10</sup>Материалы к истории Узбекского музыкального театра 30-е годы (на спектакля Уз.гос.муз. театра). Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти. Тошкент, 1955. №557. 130-бет.

<sup>11</sup>Ўша асар. 42-бет.

<sup>12</sup>Музыкальная культура Советского Узбекистана. Очерки. Ташкент, 1955. 101-бет.

<sup>13</sup>Материалы к истории Узбекского музыкального театра 30-е годы (на спектакля Уз. Гос. муз. театра) Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архиви. Тошкент, 1955. №557. 66-бет.

<sup>14</sup>XXV лет ордена Ленина Гос-го Узбекского акад. театра драмы им. Хамзы. Творческий путь. Ташкент, 1945. 12-13-бет.

4-son

Ҳозирда стипендияни 3 рубль 50 тийин миқдориди оламиз ва 10 рублгача оширишга ваъда беришяпти. Аммо орамизда оилали талабалар ҳам бор. Ҳамда Москвадалигимизда бўлаётган ҳамма воқеаларни кўргимиз, эшитгимиз келади, бунинг учун барча театр, кино, музейларга ташриф этиш истаги мавжуд. Уларни амалга ошириш учун эса маблағ керак"<sup>15</sup>. Унинг мазмунидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек талабалари Ватандан йироқда бўлганларида ҳам ўзбек санъатини бошқа халқлар орасида тарғиб қилиш истагида бўлганлар. Аммо иқтисодий қийинчиликлар ҳамма вақт ҳам барча ниятларни амалга ошишига имкон бермаган.

1925 йили яна бир гуруҳ ўзбек йигит-қизлари Сайфи Олимов, Ҳалима Носирова, Назира Алиева, Ҳакима Хўжаева, Зухур Қобулов ва бошқалар Баку шаҳридаги театр техникумига ўқишга юборилдилар. 1927 йили Москва ва Баку студияларида таҳсил олган ўзбек талабалари Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг театр саҳналарида рус ҳамда жаҳон адабиёти асарларига бўлган эътибор ортди. Хусусан улар иштирокида Гоццининг "Маликаи Турандот", Мольернинг "Ҳасис", "Жорж Данден", Гоголнинг "Ревизор", Ж.Жабборлининг "Ойдин", У.Ҳожибековнинг "Аршин мал алан" саҳна асарлари намоиш этилди. Кейинчалик улар ўз спектакллари билан Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд бўйлаб гастроллар уюштирдилар.

20-йиллар маданий ҳаётида рўй берган ижобий воқеалардан яна бири ўзбек мусиқа меросини тўплаш, ўрганиш, таҳлил этиш ҳисобланади. Ўлка мусиқа меросини ўрганишда этнографик бўлимнинг таркиб топиши ва унинг фаолиятида В.А.Успенскийнинг хизматини алоҳида эътироф этиш зарур<sup>16</sup>. В.А.Успенский 1923 йили Бухорога экспедиция уюштириб, устоз санъаткорлар Ота Жалил Носиров ва Ота Фиёс Абдуғанилардан "Шашмақом"нинг бутун циклини ёзиб олиб, мосламасисиз нотага туширди. 1925 йилга келиб В.А.Успенский халқ ҳофизи Ш.Шоумаровдан Тошкент мақомлари циклини ёзиб олади. Успенский фақатгина мусиқий меросни йиғибгина қолмасдан, уни тадқиқ этган мутахассис ҳамдир. 1927 йили унинг "Ўзбекларнинг классик мусиқаси" номли мақоласи нашр этилди<sup>17</sup>. Унда муаллиф мақомларнинг форс-араб тилларидан келиб чиққанлигини исботлашга уринди. Шу йили А.Фитратнинг ҳам "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" номли асари чоп этилиб<sup>18</sup>, унда муаллиф, ўзбек мусиқасини икки турга: классик ва халқ мусиқасига

<sup>15</sup>ЎзРМДА. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 305-иш, 121-варақ.

<sup>16</sup>ЎзР МДА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 272-иш, 89-варақ.

<sup>17</sup>Успенский В. Классическая музыка узбеков. Сб. Советский Узбекистан, Ташкент. 1927.

<sup>18</sup>Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1927 (Бу китоб 1993 й. "Фан" нашриётида қайта нашр этилган).

4-sop

бўлади. "Шашмақом"га тўхталиб, унинг қисмларини тўлиқ тасвирлайди, шунингдек, мусиқачи ҳофизлар ва миллий мусиқа асбобларини ҳам келтириб ўтади. Шунингдек, муаллиф ўзбек мусиқаси тарихини ҳам тўлиқ ёритишга интилди. Унинг туркий халқлар мусиқаси араблар истилосидан аввал ҳам мавжуд бўлганлиги ва улар бахшилар мусиқаси сифатида сақланиб қолганлиги ҳақида маълумотлари ҳозирга қадар қимматлидир. Фитратнинг ушбу рисоласи ўзбек мусиқа маданияти тарихини ўрганишдаги илк асарлардан бири ҳисобланади.

Ўзбек мусиқа маданиятининг ривожига санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг хизмати катта. Институт 1928 йили Самарқандда мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институти сифатида очилди. Институтнинг бош мақсадлари миллий маданий меросни ўрганиш ва уни тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Институтнинг илк фаолияти давриданок ўзбек халқ мусиқасини ўрганиш ҳамда композитор ва мусиқашуносларни тайёрлашдан иборат эди. Шу мақсадда институт раҳбари Н.Н.Миронов олий билимгоҳга халқ мусиқасининг усталари: Ота Жалил Носиров, Ота Гиёс Абдуғани, Домулла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов ва бошқа санъаткор, созандаларни жалб этади. Н.Н.Миронов нашр эттирган "Музыка узбеков" (Самарқанд, 1929), "Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока" (Самарқанд, 1931), "Песни Бухары, Ферганы и Хивы" (Ташкент, 1931) асарлар институт фаолиятининг самарасидир<sup>19</sup>.

Хулоса қилиб ўтадиган бўлсак, ўзбек мусиқа маданияти тарихи ХХ асрнинг 20-30 йилларида туб ўзгаришларни кечирди. Бу даврда турли мусиқа мактаблари, техникумлар, консерваториялар ташкил топди. Турли муаммоларнинг бўлишига қарамай, мусиқа маданиятининг турлари, йўналишлари шаклланди, мусиқа профессионал - мусиқий театр даражасига кўтарилди, шунингдек ўзбек мусиқаси нота ёзувига ўтди. Бу даврда турли мусиқали ансамбллар ташкил топади. Мусиқали этнографик ансамбл асосида ўзбек мусиқали драма театри ташкил топди. Ўзбек Давлат мусиқали театри этнографик труппа миқёсидан опера ва балет театри даражасига етди. Бу даврда санъатшунослик илмий - тадқиқот институти ўз фаолиятини ўзбек мусиқа маданиятини илмий таҳлил қилиш билан бошлади. Бу эса ўзбек миллий мусиқа маданиятининг келгуси ривожига салмоқли ҳисса бўлди, деб айтиш мумкин.

<sup>19</sup>История Узбекской Советской музыки. Т.1. Ташкент, 1972. 54-бет.

*C. Назарова*

**Узбекское музыкальное искусство в 20-е годы XX века: проблемы и достижения**

В статье рассматривается развитие узбекского музыкального искусства. Начиная с 20-х годов XX века музыкальное искусство Узбекистана поднялось на новую, более высокую степень развития. В эти годы музыкальный этнографический ансамбль стал до уровня театра оперы и балета.

*S. Nazarova*

**Uzbek music culture in the twenties of 20th century: problems and achievements**

The article analyzes the development of uzbek music culture. From the beginning of the 20cs of 20 century, music culture of Uzbekistan rocs on the new high stage of development. In this years, musical ethnographical ensemble rose to the level of opera and ballet.

*Тарихчи кутубхонасига***РЕЦЕНЗИЯ НА МОНОГРАФИЮ  
Р.ДЖ. УРАЗБАЕВОЙ "ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В  
КАРАКАЛПАКСТАНЕ (ПОСЛЕДНЯЯ ЧЕТВЕРТЬ XIX -  
НАЧАЛО XXI В.)"****(Ташкент: "Yangi nashr", 2011. -272 с.)**

К актуальным темам историографии независимого Узбекистана относятся исследования, посвященные истории системы образования в регионах, в частности в Каракалпакстане. В главе 1. "Историография проблемы развития системы образования в Каракалпакстане в конце XIX - начале XXI века" автор монографии подробно рассматривает вопросы связанные с историей изучения системы образования колониального и советского периодов, а также историографией истории образования эпохи независимости. Анализ пройденного пути развития образования в контексте новых исторических реалий: от конфессионального (мактабов и медресе) до первых образцов передовых светских форм образования, возникших в Туркестане после завоевания Средней Азии Российской империей (начальные школы грамоты, городские училища, русско-туземные школы, мужские и женские гимназии и прогимназии, реальные училища Туркестанская учительская семинария - уникальное среднее профессиональное научное учебное заведение, педагогическая школа для подготовки учителей, центр туркестановедения, юнкерское училище, кадетский корпус и различные средние учебные заведения сосуществующие и успешно конкурирующие со старыми мектебами и татарскими новометодными школами) мы находим на страницах монографии автора. В последние годы по этим проблемам, наряду с рядом справедливо-критических, несомненно, имеющих право на существование мнений и заключений, было сказано и написано много предвзятого и крайне далекого от серьезного научного подхода. Достаточно отметить такие факты в истории развития народного образования, как то, что туркестанская администрация впервые в Российской империи поставила задачу введения всеобщего начального образования. И это - в регионе с полным отсутствием даже намека на светское образование, с огромной территорией, с естественной неустроенностью только что завоёванного края.

В главе 2. "Состояние образования в Каракалпакстане в конце XIX - XX века" автором монографии констатируется, что всеобщее

4-sop

начальное образование в Российской империи законодательно было введено в 1908 году. Всеобщее светское начальное образование предполагалось сделать всеобщим первоначально только для европейского населения Туркестанского края. Сделать это же для всего коренного населения было объективно сложно, в первую очередь по причинам, обусловленным традициями и предпочтениями его. В глазах местного населения имело ценность главным образом образование на конфессиональной основе, связанное с исламским вероучением.

Туркестанский край к началу Первой мировой войны был одним из самых благополучных регионов Российской империи по охвату детей коренного населения и европейских детей школьного возраста начальным светским и конфессиональным образованием. По предложению колониальной администрации в Туркестанской учительской семинарии одна треть слушателей должна была состоять из представителей местных национальностей. Этим она отличалась от подобных учебных заведений в центральной части России. Управление Туркестанского края исходило из концепции необходимости совместного обучения русских детей и детей коренного населения.

В монографии Р.Дж. Уразбаевой в главе 3. "Система образования в Каракалпакстане в 1917-1991 гг." рассматривается система народного образования, возникшая в Каракалпакстане в эпоху СССР. Основными ее составляющими были: ликвидация безграмотности среди взрослого населения, введение всеобщего начального образования, осуществление всеобщего семилетнего образования, организация среднего специального и высшего образования. Это были весьма нелёгкие по своей значимости задачи, осуществляемые в условиях изолированности региона от центра (в условиях бездорожья - полного отсутствия железнодорожного и автомобильного транспорта и лодочного сообщения по Амударье, сильно зависящего от климатических условий Каракалпакстана), острой нехватки педагогических кадров. Дело развития народного образования в крае затрудняло то обстоятельство, что каракалпакский народ являлся младописьменным народом (отсутствовали алфавит, литературный язык). Все это пришлось создавать в период культурного строительства. Большие сложности и колоссальные расходы государства вызывали переходы с одной формы графики на другую: с арабской формы письменности на латинскую, впоследствии замененной кириллицей.

Все эти процессы создания народного образования, происходящие в частности в Каракалпакстане, оказывали большое влияние на мусульманский мир. Ориентирами в этой стране становились



модернизация традиционных национальных ценностей и прогрессивные наиболее продвинутые западные ценности. Большую роль в подготовке необходимых кадров для Каракалпакстана сыграл открытый в 1918 г. Туркестанский народный университет (ныне Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, в 2008 г. отметивший свой 90-летний юбилей)<sup>1</sup>.

За период с конца XIX - начала XXI века, рассматриваемый в монографии Р.Дж. Уразбаевой, в жизни народов Каракалпакстана произошли глубокие политические, экономические, социальные и культурные изменения. Все позитивное и негативное, произошедшее в области народного образования в указанных хронологических рамках в регионе, получило свою оценку в монографии.

В заключительной главе 4. "Развитие системы образования в Каракалпакстане в период национальной независимости республики Узбекистан" Р.Дж. Уразбаева анализирует кардинальные изменения в системе образования Республики Каракалпакстан в эпоху национальной независимости. Проблема образования нашла отражение в нормативно-правовых документах - Конституции Республики Узбекистан, Конституции Республики Каракалпакстан, принятых законах в Узбекистане и Каракалпакстане "Об образовании", Национальной программе по подготовке кадров, которые создают правовую основу для демократических преобразований, подчеркивают необходимость обновления содержания и структуры народного образования на основе прогрессивных отечественных традиций и современного мирового опыта.

За годы независимости в нашей жизни произошли огромные изменения. Но это уже отдельная история, подчёркивает автор монографии Р. Дж. Уразбаева история независимого государства, вступившего в XXI век. Таким образом, история образования полна событий, влиявших на развитие как позитивно, так и негативно. История очень противоречива, но это наша история<sup>2</sup>. Изучение исторического опыта и развития школьного, среднего специального и высшего образования в Каракалпакстане имеет большое научно-практическое значение, особенно возрастающее в связи с ответственными задачами в области подготовки и воспитания кадров высшей и средней квалификации в современных условиях развития Узбекистана и Каракалпакстана.

Автор монографии Р.Дж. Уразбаева в заключении констатирует практическое завершение реализации этих двух важнейших

<sup>1</sup>Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. Тошкент, 2008. 5,6.

<sup>2</sup>Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.1. Ташкент: Узбекистан, 2008. С.164.

4-sop

социальных программ о том, что создана целостная система непрерывного образования, включающая в себя среднее 9-летнее школьное и 3-летнее среднее специальное и профессиональное образование, т. е. завершается переход к 12-летнему образованию, что позволит учащимся наряду с общим образованием овладеть конкретной профессией.

В области высшего образования - это создание новых ведущих высших учебных заведений, реформирование старых, организация филиалов ведущих вузов, введение бакалавриата и магистратуры, академических лицеев и профессиональных колледжей.

Книга со вкусом оформлена и тщательно отредактирована, хотя в ней и имеются небольшие чисто технические редакционные промахи.

Таков весьма сжатый обзор данной монографии, выход которой, без преувеличения, является одним из самых заметных событий в историографии Каракалпакстана последних лет.

**К.и.н. В. Германов**

**РЕЦЕНЗИЯ  
НА МОНОГРАФИЮ М.А.РАХИМОВА "МЕЖДУНАРОДНОЕ  
СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА В КОНТЕКСТЕ  
ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ И УСТОЙЧИВОГО  
РАЗВИТИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ"  
(Ташкент: "Yangi nashr", 2011. - 232 с.)**

В условиях быстро меняющегося мира и формирования современной системы международных отношений, одной из актуальных проблем научного исследования с исторических позиций выступают вопросы глобальной и региональной безопасности. Учитывая эти потребности кандидатом исторических наук Мирзохид Рахимовым подготовлена монография в которой рассматривает историю международных отношений и современные состояние Центральной Азии, как важного геостратегического региона в Евразийском пространстве. При этом, отдельно рассматриваются и такие важные с политической точки зрения моменты, как становление и развитие взаимоотношений Республики Узбекистан и стран Центральной Азии с Россией, Китаем, США, Японией, международными и региональными организациями в конспекте обеспечения стабильности и устойчивого развития Центральной Азии.

Важно заметить, что работа подготовлена на основе использования широкого круга научной литературы полученных автором в ходе

4-son

академических визитов стран Центральной Азии, а также университетов и научных центров ряда зарубежных стран. Большую ценность исследовательского труда составляют материалы, полученные в ходе экспертных опросов проведенных среди различных специалистов, интервьюирование официальных лиц в странах Центральной Азии, а также в России, Германии, Японии, представителей международных и региональных организаций - ЕС, ШОС, СНГ и других.

Структура монографической работы состоит из предисловия, четырех глав, заключения, списка использованной литературы и списка сокращений.

В первой главе - "Исторические истоки и современные парадигмы изучения международных отношений в Центральной Азии", дается анализ основных этапов развития и геополитических факторов международных отношений в многовековой истории узбекского народа и народов Центральной Азии. При этом, рассматриваются государственные образования на территории Центральной Азии, которые с древнейших времен находились в активных международных дипломатических, торгово-экономических и культурных отношениях со многими странами Азии и Европы. В монографии прослеживается мысль о том, что динамика международных связей различных эпох зависела от политических процессов, вопросов безопасности и стабильности государственных образований. Обосновывается и тот факт, что развитие международных контактов способствовало взаимообмену между народами Востока и Европы, что находит свое подтверждение и, в позициях ряда зарубежных учёных утверждающих о том, что Центральная Азия была важным связующим звеном в этом процессе.

Отдельное внимание в главе, отводится вопросам международных отношений конца XX - начала XXI века. При этом отмечается, что она характеризуется существенными трансформациями и фундаментальными изменениями как в теоретико-методологическом, так и в практическом плане. Научному анализу подвергаются основные направления исследований в странах региона и зарубежом геополитические изменения, международные отношения и проблемы развития интеграционных процессов в Центральной Азии.

Во второй главе - "Межгосударственные отношения Узбекистана и республик Центральной Азии с ведущими государствами мира", прослеживается процесс формирования и развития основных направлений отношений Республики Узбекистан и стран Центральной Азии с такими ведущими государствами мира, как Россия, Китай, США и Япония. При этом автором монографии

4-son

отмечается, что между основными нерегиональными "игроками" имеются некоторые противоречия в оценке, стратегии и подходах к региону. С точки зрения стран Центральной Азии, для США, России и Китая оптимальным является конструктивный диалог и сотрудничество в регионе, основанные на двухсторонних и многосторонних отношениях.

В третьей главе - "Основные направления взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с международными организациями", основное внимание автора сосредотачивается на изучении процессов становления и развития новой структуры партнерских отношений с ведущими международными организациями. Вместе с тем отмечается, что деятельность ООН, ЕС, ОБСЕ и других международных организаций в Центральной Азии нуждается в совершенствовании и необходимости разработки четкой и долговременной стратегии в Центральной Азии, охватывающая вопросы безопасности и широкий круг других проблем.

В тоже время в данной главе монографии раскрываются основные этапы институционального и политического развития ШОС, который, по мнению автора, является наиболее успешной организацией в Евразийском пространстве.

В четвертой главе - "Межгосударственные отношения и проблемы интеграционных процессов в Центральной Азии", раскрываются основные формы и направления многосторонних взаимоотношений между странами Центральной Азии. В главе также отмечается, что страны Центральной Азии наряду с другими государствами являлись соучредителями СНГ, ОЦАС и ряд других региональных организаций. При этом, автор обосновывает ту мысль, что деятельность этих организации нацелены на укрепление экономического, военно-политического и культурного сотрудничества между странами-участницами. Однако, в монографии отмечаться и о различиях, существующих в деятельности этих организаций. В частности, если ШОС и частично СНГ оказались успешными в институциональном развитии и, в реализации некоторых проектов, то ОЦАС оказался малоэффективным в последующем преобразившимся в ЕврАзЭС.

В четвертой главе монографии, исходя из геополитического положения Центральной Азии в Евразийском пространстве, рассматриваются вопросы и межрегионального сотрудничества. В частности, прослеживается взаимодействие данного региона и Японии в формате "Центральная Азия плюс Япония". При этом, автор констатирует, что широкое сотрудничество стран Центральной Азии с Японией, будет способствовать более тесным торговым, экономическим и инвестиционным взаимоотношениям между

4-son

Евразией, Ближним Востоком и Азиатско-Тихоокеанским регионами.

Таким образом, монография М.Рахимова является еще одним важным научным трудом, которая восполняет современную отечественную историографию по вопросам внешней политики и международного сотрудничества Республики Узбекистан. Отличительная ее особенность заключается и в том, что в ней рассматривается ряд вопросов связанных с обеспечением безопасности и стабильности, как в стране, так и в масштабе региона в целом.

**Д. и. н., профессор**

**Э. Нуриддинов**

*Илмий ҳаёт***ЯХЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ "ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ" ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ 2011 ЙИЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ**

Бугунги кунда республика тарихчи олим ва педагоглари билан бирлаштириб, тарих фанининг долзарб масалаларини муҳокама қилинишида, унинг истиқболли вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этиб келаётган академик Яхё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" Республика илмий семинари 2011 йилда ўз ишини самарали олиб борди. ЎзР ФА Тарих институтининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан бўлган кўп йиллик ҳамкорлиги натижаси сифатида намоён бўлиб келаётган мазкур илмий семинар мамлакатимизда фан ва таълим интеграциясини юқори даражага кўтарилаётганлигини кўрсатиб, таълим тизимидаги илмий-педагог кадрларни фаннинг энг сўнгги ютуқлари билан таништиришда амалиёт вазифасини ўтамоқда.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан ҳамкорликда ўтказилган Семинарнинг "Археологик топилмаларнинг Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишдаги аҳамияти ва роли" мавзуидаги 62-йиғилиши 2011 йил 4 май куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий университети ректори, сенатор, проф. Ф.И. Мухаммедов, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори пед.ф.д., проф. Ҳ.Қ. Йўлдошев, Яхё Ғуломов номидаги семинар раиси т.ф.д., проф. Д.А. Алимова семинарнинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. 62-йиғилишда қуйидаги маърузалар тингланди: "Тарих ва унинг археологик манбаларига доир баъзи мулоҳазалар" (т.ф.д. Р.Х. Сулаймонов, Ўз МУ), "Археологик материалларнинг тарихий реконструкцияси" (академик Ю.Ф. Буряков, ЎзР ФА Тарих институти), "Археологик маълумотларнинг мактабларда ўқитилишдаги аҳамияти" (т.ф.н. Д.М. Кенжаев, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти), "Археологик топилмаларни ўрганишда ГИС технологияларининг ўрни" (Ш. Шоназаров, Ўз МУ). Маърузаларда Ўзбекистон ҳудудида қадимги цивилизацияларнинг вужудга келиши ва илк давлатчиликнинг шаклланишини ўрганишда археологик топилмаларнинг аҳамияти, мустақиллик йилларида археология

фанининг тутган ўрни масалаларига ва бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишларга алоҳида урғу берилди. Ташкилотчилар томонидан семинар иштирокчилари учун Оққўрғон туманидаги Қанҳа шаҳри харобаларида олиб борилаётган археологик изланишларга экскурсия уюштирилди.

Академик Яҳё Фуломов номидаги "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" илмий семинарнинг 63 - йиғилиши 2011 йил 14 июнь куни Андижон шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш мезбони Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети бўлди ва семинар "Фарғона водийсининг тарихий тараққиёти Марказий Осиё ва жаҳон цивилизациясининг муҳим компоненти" мавзусига бағишланди. Кириш қисмида т.ф.д., проф. Д.А. Алимова (академик Яҳё Фуломов номидаги семинар раиси), б.ф.д., проф. Т.А. Мадумаров (З.М. Бобур номидаги Андижон Давлат университети ректори), т.ф.д. Б.В. Хасанов (Ўзбекистон тарихчилар жамияти раиси) сўз олдилар. Семинар йиғилишида сўнгги йилларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар, ёзма манбалардаги янги маълумотлар ва илмий изланишлар натижасида эришилган ютуқлар асосида тайёрланган маърузаларда Фарғона водийсининг Марказий Осиё ва жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига урғу берилиб, энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача бўлган тараққиёт йўли илмий таҳлил этилди. Жумладан, Фарғона водийсида илк деҳқончилик ва урбанизация жараёнлари масалалари (т.ф.д. М.Х. Исомиддинов, Фарғона Давлат университети), қадимги ва ўрта асрларда Фарғона-Хитой иқтисодий, маданий алоқалари (т.ф.д. Б. Матбобоев, ЎЗР ФА Археология институти), Фарғона водийси шаҳарлари топонимикаси (т.ф.н. А.М. Отахўжаев, ЎЗР ФА Тарих институти), Фарғона водийси - этномаданий жараёнларнинг асосий хусусиятлари: анъанавийлик ва инновациялар (т.ф.д. У.С. Абдуллаев, Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институти), Фарғона водийсининг совет ҳокимияти йилларидаги тарихини ўрганиш муаммолари (т.ф.д., проф. Р.Т. Шамсутдинов, Андижон Давлат университети), Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (т.ф.н. Ш.М. Рахматуллаев, Ўзбекистон тарихчилар жамияти) каби долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар илмий ҳамда кўрғазмали асосда тингловчиларга намойиш этилди. Андижон вилоят ҳокимлиги томонидан семинар иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Андижон шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништириш ва диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилди.

Хоразм Маъмун академияси ва Урганч Давлат университети билан ҳамкорликда ўтказилган "Хоразм Ўзбекистон давлатчилиги тарихи контекстида" мавзусидаги 64 - йиғилиш 2011 йил 16 декабрь куни

4-son

Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Семинар т.ф.д., проф. Д.А. Алимова (академик Яҳё Фуломов номидаги семинар раиси), ф-м.ф.д., проф. Р.Э. Эшчанов (Урганч Давлат университети ректори), т.ф.д. Р.М. Абдуллаев (ЎзР ФА Тарих институти директори)ларнинг кириш сўзлари билан бошланди. Семинар йиғилишида тингланган маърузаларда Хоразм воҳасининг Ўзбекистон давлатчилиги тарихида тутган муҳим ўрнига урғу берилиб, унинг энг қадимги даврлардан то XX аср бошларигача бўлган тараққиёт йўли илмий таҳлил этилди. Жумладан, "Катта Хоразм" концепцияси ва Сиёвушийлар тарихи: янгича қараш ва талқин (т.ф.д, проф. М.М.Исҳоқов. Тошкент Давлат шарқшунослик институти), Африғийлар бошқаруви даврида Хоразм аҳолиси (т.ф.н. А.М. Отахўжаев, ЎзР ФА Тарих институти), эпиграфик ёзувлар асосида Хива хонлари сулолавий тарихига доир янги маълумотлар (т.ф.н. К. Худайберганов, "Ичан-қалъа" Давлат Музей-қўриқхонаси), XIX аср охири -XX аср бошларида Хива хонлиги давлатчилиги сиёсий қарамлик шароитида (т.ф.д. Д.Х.Зияева, ЎзР ФА Тарих институти), Полвонийёз Юсупов ва унинг XX аср бошидаги Хоразм давлатчилиги муаммоларига қарашлари (т.ф.д., проф. Д.А. Алимова, ЎзР ФА Тарих институти), Хива хонлари давлат архив ҳужжатлари каталоги - давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим манба (т.ф.н. О.Ҳ.Жалилов, Хоразм Маъмун академияси) каби долзарб масалалар маърузачилар томонидан илмий ҳамда кўргазмали асосда намоёиш этилди.

Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан семинар иштирокчилари учун диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилди ва улар Урганч шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништирилди.

Семинарнинг ҳар бир йиғилишида ЎзР ФАсининг ижтимоий-гуманитар йўналишидаги институтларнинг етакчи олимлари, Республика Олий таълим муассасалари ва Халқ таълими тизимидаги мактаблар, коллеж ва лицейларда фаолият олиб бораётган мутахассис ўқитувчилар ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари, талабалар иштирок этдилар. Ҳар бир семинар якунида қарор ва таклифлар ишлаб чиқилиб, академик Яҳё Фуломов номидаги "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" Республика илмий семинарида кўтарилган энг долзарб мавзулар кенгайтирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари тарих факультети, тарихга ихтисослашган мактабларда махсус фан ёки танлов фанлари тизимида ўқитилиши, Республика, Тошкент шаҳар, вилоятлар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари тингловчиларини замонавий тарих фани ютуқларидан хабардор қилиш мақсадида мунтазам равишда археолог, тарихчи, манбашунос олимларни таклиф этиш каби тавсиялар берилди.



Т.ф.н. Н. Мустафаева

**РОЛЬ УСТНОЙ ИСТОРИИ В ИЗУЧЕНИИ И ПРОПАГАНДЕ  
ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ**  
(научно-практическая конференция)

Вопросы сохранения, изучения и пропаганды богатого историко-культурного (в т.ч. - нематериального) наследия Узбекистана - важная и актуальная задача историков, культурологов, этнологов. Большую роль в этом играет развивающаяся в последние годы методология устной истории.

2 декабря 2011 года Центром устной истории Института истории АН РУз при технической и финансовой поддержке организации *dvv international* была проведена Вторая ежегодная научно-практическая конференция на тему "Роль устной истории в изучении и пропаганде историко-культурного наследия". С приветственными словами в адрес участников конференции выступили директор Института истории АН РУз, д.и.н. Р.М. Абдуллаев, председатель Общества историков Узбекистана, д.и.н., проф. Б.В. Хасанов, руководитель представительства *dvv international* в Узбекистане Роми Ленс.

В рамках симпозиума было заслушано 23 доклада. Среди докладчиков были историки и представители смежных общественно-гуманитарных специальностей: историографы, архивисты, социологи, религиоведы, этнологи, философы, журналисты, литераторы, юристы. Основную часть докладчиков составили члены Центра устной истории и другие сотрудники Института истории АН РУз. Докладчики представляли также такие исследовательские, образовательные и общественные учреждения и организации как Агентство "Узархив", Институт истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз, Институт философии и права АН РУз, Бухарский и Самаркандский университеты, Ташкентская духовная семинария, Исламский университет Узбекистана, представительство Лютеранской церкви, Музей памяти жертв репрессий АН РУз, Андижанский медицинский институт, Национальный университет Узбекистана.

Гости симпозиума представляли Институт истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз, Институт востоковедения АН РУз, Институт языка и литературы АН РУз, Национальный университет Узбекистана, Андижанский, Каракалпакский, Наманганский, Ферганский университеты, Ташкентский областной пединститут (Ангрен), Ташкентский Государственный институт востоковедения, Музей истории АН РУз, Ташкентский Государственный технический университет. Общее число

4-son

участников симпозиума превысило 60 человек, что говорит о закономерном росте интереса к проблематике устной истории, ее методологии, теории и практике.

Работа конференции была построена следующим образом. Поскольку конференция состоялась в преддверии Дня Конституции, то первый доклад (докладчик - к.ю.н. Ш. Якубов, ИФП АН РУз) был посвящен 19-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. Затем с основным тематическим докладом "Изучая живую историю. Опыт исследований Центра устной истории Института истории АН РУз" выступил руководитель Центра, заместитель директора Института истории АН РУз к.и.н. А.Т. Сабиров.

Далее в рамках первой сессии конференции были рассмотрены вопросы предметного пересечения, взаимодействия и сотрудничества устной истории с такими дисциплинами и научно-исследовательскими проблемами, как архивоведение и сохранение устно-исторических материалов (А.Х. Абдуллаев, Агентство "Узархив"), религиоведение в контексте изучения истории православия (С. Стаценко, Ю.С. Флыгин - Ташкентская духовная семинария), исламоведение (проф. С.С. Агзамходжаев - Исламский университет Узбекистана), диаспорология на примере истории немецко-лютеранской диаспоры (К.К. Вибе - представительство Лютеранской церкви), история малых городов (А.Т. Сайтов, Институт истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз), вопросы транскрибирования полевых аудиовизуальных устно-исторических материалов (к.и.н. Н.А. Мустафаева).

Вторая сессия конференции была посвящена анализу различных аспектов методологии, теории и практики устной истории. В рамках данной сессии были рассмотрены такие вопросы как методологические вопросы изучения методами устной истории малых городов Узбекистана (д.и.н. К.К. Раджабов), опыт работы группы Центра устной истории в Бухарской (Н.Б. Махмудова, Бухарский ГУ) и Самаркандской областях (Б.Т. Турсунов, Самаркандский ГУ; М. Юлдашева, Музей памяти жертв репрессий АН РУз), использование методов устной истории в практике преподавания исторических дисциплин для студентов вузов (М.С. Азимбаев, Ж.Х. Адылов, Национальный университет Узбекистана).

Два доклада были посвящены социально-демографической истории, точнее изучению политики переселения в 1920-1930-е гг. на примерах Сурханского оазиса (О.А. Исаев) и Ферганской долины (к.и.н. Б. Ботирова, Андижанский мединститут). В двух докладах рассматривалась гендерная проблематика в аспектах психологической совместимости в многопоколенных семьях (к.и.н. Г.Ж. Ганиева) и

4-son

сохранения женского здоровья (З. Утанова, Андижанский мединститут). Киносценарист М. Исхакова рассказала, как на основе устных историй создавался фильм "Ташкентское землетрясение".

Было рассмотрено также использование методов устной истории при исследовании следующих научных проблем: в исследовании мифологии и роли городских целителей (Р.Т. Саттаров), в изучении семейной истории на примере семьи Маджи (к.и.н. В.А. Германов), при сравнительном анализе воспоминаний и архивных документов по проблемам исламской проблематики (к.и.н. Ш.Б. Мухамедов), в процессе изучения этнических групп и диаспор (к. филос. н. Р.Р. Назаров). В прениях конференции выступили видные ученые - д.и.н., проф. Ш. Вахидов (ТГТУ), д.филос.н., проф. Б.Р. Каримов (ИФП АН РУз), к.и.н., доц. Д. Иноятова (НУУз), к.и.н. А. Джумашев (ИИАЭ ККО АН РУз) и др.

Судя по количеству и качеству вопросов, задававшихся докладчикам, и по насыщенности и остроте дискуссий, конференция в целом достигла поставленных целей. По результатам работы конференции запланировано издание научного сборника "Устная история - oral history: теория и практика. Выпуск 2" в начале 2012 года.

**К.филос.н. Р. Назаров**

## Муаллифлар ҳақида маълумот

**Ғ.Бобоёров.** ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Д.Алимова.** ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., проф.

**У.Абдурасулов.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**А.Мирзаев.** Андижон Давлат университети, "Умумий тарих" кафедраси катта ўқитувчиси

**Б.Расулов.** Андижон Давлат университети, Тарих ва ижтимоий фанлар факультети декани, т.ф.н.

**С.Давлатова.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Ғ.Ғаниева.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Р.Мамедова.** Озарбайжон миллий академияси Қўлғезмалар институти илмий ходими

**Н.Мустафаева.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Ғ.Жуманиёзова.** ЎзР ФА Шарқшунослик институти стажер-тадқиқотчи-изланувчиси.

**С.Назарова.** ЎзР ФА Тарих институти стажер-тадқиқотчи-изланувчиси.

**В.Германов.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Э.Нуриддинов.** Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, т.ф.д.

**Р.Назаров.** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, фал.ф.н.

---

Журнал муқовасида: илк ўрта асрларга тааллуқли Канка (Тошкент)дан топилган бронза медальон.

На обложке журнала: бронзовый медальон относящийся к раннему средневековью, найденный на городище Канка (Ташкент).



Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2011. № 4